Инв. № 3
Гос. книжная ...
...ИСАНО

БУ АДАБИЁТ—ХАЛҚ БИЛАН, ПАРТИЯ, МАМЛАКАТ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИБ ЯШАЁТГАН АДАБИЁТДИР.

К. У. ЧЕРНЕНКО

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1984 йил 5 ОКТЯБРЬ № 40 (2780) ЖУМА

ПЛЕНУМ ҒОЯЛАРИ ДИЛЛАРДА

ПАРТИЯВИЙЛИК ВА ХАЛҚЧИЛЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

МАДАНИЙ ҚУРИЛИШИМИЗ йўлларини белгилаган, ғалаба қозонган социализм шароитларида адабий ҳаётнинг ташкилий-ижодий шаклларини етилтирган воқеалар ичида А. М Горькийнинг бевосита раҳбарлиги остида ўтган совет ёзувчиларининг Биринчи Бутуниттифоқ съезди алоҳида муҳим роль ўйнайди.

Ўша вақтдан бери 50 йил ўтди. Адабиётимиз ва санъатимизнинг асосий бадиий методи бўлган социалистик реализм принциплари заминида ижодий кучларни большевизм платформасига бирлаштиришга хизмат қилган СССР Ёзувчилар союзи ва унинг съездининг эллик йиллик юбилейи бизнинг мамлакатимиздагина эмас, совет маданиятининг чет эллардаги дўстлари томонидан ҳам кенг нишонланмоқда.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг юбилей пленуми эътиборли сана байрами муносабати билан ўтказилган тадбирларнинг юқори нуқтаси бўлди. Катта Кремль саройининг юксак залларига СССРнинг барча миллат ва элатларининг вакиллари бўлмиш ижодкор зиёлиларининг ёрқин гуллари, чет эллардан келган меҳмонларни тўплаган ушбу катта анжуман мамлакат маданий жабҳаси ходимларининг жипслиги, уларнинг улуғ Ленин васиятларига, Октябрь идеалларига бузилмас садоқатининг ёрқин намойиши бўлди. У совет адабиёти ва санъатининг жаҳон майдонида обрў-эътибори ортиб бораётганлигига шаҳодатдир.

Ўртоқ К. У. Черненконинг «Ҳаёт ҳақиқатини, социализмнинг юксак идеалларини қарор топтирайлик» деган нутқи юбилей пленуми қатнашчилари ва меҳмонлари, мамлакатнинг барча ижодкор зиёлилари томонидан адабиёт ва санъатнинг ижтимоий аҳамиятини, совет кишиларининг маънавий-руҳий ҳаётини бойитишдаги ҳиссасини янада ошириш юзасидан партиянинг яна бир янги ғамхўрлиги каби қабул қилинди. Партиянинг ушбу муҳим ҳужжатида адабиёт ва санъат соҳасидаги барча ишлар ғоятда теран таҳлил қилинди, уларнинг бундан кейинги ғоявий-бадиий даражасини янада юксакка кўтариш учун курашнинг кенг программаси белгиланди, ижодий союзлар фаолиятини яхшилашнинг туб масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Пленум қатнашчилари ўз нутқларида ижодиётлари билан халқнинг асл мақсадлари ва манфаатларини ифода қиладиган, ижтимоий тараққиётнинг етилган муаммоларини кўтарадиган, термоядро уруши хавфига қарши бутун жаҳонда тинчлик учун ҳормай-толмай кураш олиб борадиган Ленин партияси ишига садоқат билан хизмат қилишдан ортиқроқ олижаноб ва олий мақсадлари йўқлигини бир оғиздан таъкидлаб айтдилар.

Пленумда бўлиб ўтган жуда катта мазмундор фикр алмашувлар мамлакатимиз ҳаётининг ғоятда кенг социал, ижтимоий-сиёсий қирраларини, маданият намояндалари ниҳоятда фаол роль ўйнаши керак бўлган ҳозирги замон мафкуравий курашининг муҳим масалаларини ўз ичига қамраб олди. Советлар мамлакатининг ижодий зиёлилари ҳозирги пайтда совет халқи олдида турган вазифаларни, ижтимоий тафаккурнинг янги даражаси билан ҳал қилинадиган вазифаларнинг сифати ва салмоғи қанчалар янги эканлигини яхши англайдилар. Ўртоқ К. У. Черненко ўз нутқида партия номидан равшан ҳамда ёрқин ифодалаб берган талаблар билан бадиий ижодда иш юритиш жамиятимиз ўз бошидан кечираётган даврнинг хусусиятларини реалистик ҳамда вазмин баҳолаш, ривожланган социализмнинг улуғвор, ҳеч қандай шак-шубҳасиз ютуқларини камситишга ҳам, воқеликни бўяб бежашга ҳам йўл қўймаслик, бор камчиликларимизни аянчли тусда таърифламасликни тақозо қилади. Социалистик реализмнинг энг яхши асарлари доимо ўз қудратли ҳаётий ва бадиий ҳақиқати билан, қаҳрамонона ва мураккаб замонамизни ёрқин ифодалаб берган ижтимоий фаол қаҳрамонларининг инсоний жозибаси ва маънавий бойлиги билан мафтун қилиб келгандир.

Улуғ Октябрь туфайли туғилган адабиёт ва санъат партиявийлик ва халқчиллик байроғи остида тараққий қилади, ўзида социалистик цивилизациянинг янги маънавий бойликларини мужассамлантиради. У ўзининг гуманистик пафоси, бениҳоят теран тарихий оптимизми билан инсон ҳуқуқларини поймол этадиган, унда тубан ҳиссиётларни тарбиялайдиган, келажакка, ўз кучларига ишончсизлик уйғотадиган буржуазия санъатига кескин қарши туради.

Партия маданиятимизнинг маънавий-руҳий, ғоявий-эстетик қудрати янада юксалишидан бениҳоя манфаатдордир, шунинг учун ҳам, у санъатда муҳим мавзулар ва ғояларнинг обрўси ва қимматини туширадиган жўнлик ҳамда туссизликка, кишиларнинг дидини бузишга қарши муттасил ва қаттиқ туриб кураш олиб бориш, ғоясизлик ҳамда дунёқарашдаги бефарқликларга асло йўл бермаслик зарурлигини қайта-қайта уқтиради. Бунда адабий танқид олдига алоҳида талаблар қўйилади. Танқиднинг маданият жабҳасидаги ишлар учун масъулияти бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам улуғроқдир. У ўзининг жанговарлигини оширган ҳолда санъат жараёнлари ва ҳодисалари ҳақида холис ва рўй-рост профессионал сўз юритаркан, халқ маънавий ҳаётининг ўсишига фаол ва ҳар томонлама ёрдам бермоғи лозим.

Совет адабиёти ва санъати намояндалари санъаткорлик истеъдоди миллий бойлик деб қараладиган, талантларнинг гуллаб яшнаши, халқ бахт-саодати, унинг келажаги йўлида илҳом билан меҳнат қилиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб қўйилган жамиятда яшайдилар. Партия ижодий меҳнат кишилари устидан бачкана ҳомийлик қилишни қатъий қоралар, ижодкорларнинг самарали изланишларини авайлаб, уларни қўллаб қўлтиқларкан, санъаткорларда гражданлик бурчи туйғусини, жамият олдидаги юксак масъулият, унинг қонунларини ҳурмат қилиш туйғусини тарбиялайди. Турган гапки, кимда ким бу қонунларни бузмоқчи бўларкан, тузумимизнинг маънавий-сиёсий асосларини қоралаш йўлига ўтаркан, ғоявий душманларимиз томонига оғиб кетаркан, унинг қисмати аянчли бўлажак, совет кишиларининг нафратига учраяжак.

Коммунистик яратувчиликнинг олдинги сафларида бўлиш, ўз ижоди билан янги, илғор ҳодисаларни қарор топтириш, совет турмуш тарзининг ўзак белгилари ва афзалликларини бадиий ишонарли қилиб кўрсатиш, КПСС ва Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини эҳтирос билан тарғибот қилиш, тинчлик ва халқ хавфсизлиги душманларининг найрангларини оғишмай фош қилиб бориш — бугунги санъаткор гражданинга муносиб фаолият майдони мана шулар. Партия ғамхўрлиги ва ишончидан илҳомланган совет маданияти арбоблари ўз олдиларида турган вазифалар даражасида бўлиш учун куч-қувватларини аямасликларига шак-шубҳа йўқ.

«ПРАВДА» газетасининг бош мақоласи

ВИЖДОНИЙ ИШИМИЗ

Тўлқиной ҚОДИРОВА,
Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи правлениесининг раиси

Ёзувчиларимизни келажагимиз бунёдкорлари, деб атасак муболаға бўлмайди. Чунки улар ўзларининг ғоявий бадиий баркамол асарлари билан келажагимиз бўлган ёшларнинг ҳар томонлама етук, инсон бўлишларига катта ҳисса қўшадилар. Улар санъатнинг бошқа соҳаларида ижод қилувчилар қатори дурдона асарлари билан интернационал совет маданияти хазинларини бойитмоқдалар.

Совет ёзувчисининг жамиятимиздаги ўрни, бурчи ва вазифалари ҳақида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Константин Устинович Черненко СССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг юбилей пленумида сўзлаган нутқида батафсил тўхталиб ўтди. Ёзувчилар ташкилотининг 50 йиллик юбилейига бағишланган бу тантана руҳи бошқа соҳа ижодкорларини ҳам янги-янги марраларга чорламоқда. Шундай бўлиши табиий. Зеро партия раҳбари нутқидаги фикрлар адабиёт ва санъат аҳли учун бирдек зарур қўлланма бўлиб қолади. Айниқса, К. У. Черненконинг: «санъатдаги саёзлик ва мужмалликка қарши қатъият ва принципиаллик билан курашиш керак. Ғоясизлик ёки дунёқарашда чалкашлик кўринишларига юзхотирчилик қилиш мумкин эмас, албатта», деган сўзлари ижодий ишларимиз мезонини белгилаб олишда дастур бўлади.

Халқимиз адабиёт ва санъат аҳлидан ҳамиша етук, юксак талабларга жавоб берувчи асарлар кутади. Бинобарин, ана шундай асарлар яратиш ҳар биримизнинг инсоний, гражданлик, қолаверса, виждоний бурчимиздир.

МАҚСАДИМИЗ ЯГОНА

Жавлон УМАРБЕКОВ,
республика Рассомлар союзи правлениесининг раиси

Барча соҳадаги ижодкорлар меҳнати ягона маҳсулот — бадиий образ билан якунланади. Мен ўз касбимни адабиётсиз тасаввур қила олмайман, десам, бу асло муболаға эмас. Энг сўнгги чизган картиналарим — Иссиққўл ва умуман Қирғизистон ССР ҳақидаги туркум тасвирий санъат асарларим машҳур ёзувчимиз Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи таассуротлари асосида яратилди. Ҳозирги кунда ягона тасвирий санъат асарида бутун даврни акс эттира оладиган воқеаларни тасвирлай олиш ёки бадиий асарни ўқиганда ажойиб картиналарни кўз олдимизга келтиришимиз мумкинлигини оддий мактаб ўқувчиси ҳам билади. Шу боис бадиий адабиёт қанчалик юксак чўққиларга кўтарилар экан, унга елкадош бўлган тасвирий санъат ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритиши табиий бир ҳолдир. Адабиёт ҳам, санъат ҳам давримизнинг илғор яратувчиларининг образини гавдалантиришдек муҳим ва шарафли иш билан шуғулланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг юбилей пленумида сўзлаган нутқида «Адабиёт ва умуман санъат муваффақиятларининг энг аниқ мезони — улар халқнинг ғоявий-маънавий қиёфасини шакллантиришга ўтказадиган таъсирининг реал даражасидир...» деб ижодкорларнинг асл мақсадини ифодалади.

Бизнинг график рассомларимиз, ёзувчилар билан ёнма-ён меҳнат қиладилар. Бу ҳамкорлик ёзувчилар учун ҳам, рассомлар учун ҳам ғоятда қадрлидир.

Уктам УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари

ҲАЁТИЙ ВАЗИФАЛАР

1. Пленумдан олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

2. Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненко нутқида совет ёзувчилари ва санъаткорлари олдида турган энг муҳим вазифалар белгилаб берилди. Сизнингча бу вазифаларни амалга ошириш учун нималар қилиш керак?

3. Ўртоқ К. У. Черненко муҳим мавзуларнинг қимматини ерга урадиган, китобхоннинг дидини бузадиган юзакилик ва туссизликка, ғоявий саёзликка қарши муросасиз бўлиш кераклигини алоҳида уқтириб ўтди. Сизнингча, танқидчилигимиз бу борада нималарга эътиборни қаратиши зарур?

1. Барча ёзувчилар қатори менинг ҳам бу тарихий анжумандан олган энг асосий таассуротим шу бўлдики, жонажон партиямиз адабиёт ва санъатнинг ижтимоий ролини оширишга, совет кишиларининг маънавий-ахлоқий ҳаётини бойитишга бундан буён ҳам тинмай ғамхўрлик кўрсатаётганини амалда ҳис этдик ва бундан чексиз фахрландик. Партиямиз ва давлатимизнинг раҳбари Константин Устинович Черненконинг ёрқин нутқи пленум иштирокчиларини ғоят ҳаяжонга солди. Буни бутун пленум руҳи, ёзувчиларнинг якдил фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин. Пленум қатнашчиларининг КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига йўллаган хатидаги қуйидаги фикрларга диққат қилинг: «... бундан буён ҳам ҳаёт билан, коммунистик қурилиш тажрибаси билан алоқамизни мустаҳкамлайверамиз».

Пленум иш кўрган кунлари бошқа республикалардан келган қаламкаш дўстларимиз билан учрашиб, ижод ва ижодий ҳамкорлик ҳақида фикрлашдик. Бу ҳам сўзсиз ёзувчи сифатида бизни бойитади, ўз режаларимиз, асарларимизни умумсовет адабиёти даражаси билан таққослаб кўриш имконини беради.

2. Ўртоқ К. У. Черненко социалистик жамиятни ривожлантириш жараёнида ҳали мавжуд бўлган айрим зиддиятлар хусусида фикр юритаркан, уларнинг табиий ва муқаррарлигини ҳам таъкидлайди. Ва шундай давом этади: «Зотан, улар ҳамиша бирон-бир тарзда кишиларнинг тақдирига таъсир ўтказиб, маънавий тўқнашувлар манбаи бўлиб қолади, албатта. Бунинг устига, гарчи ана шу зиддиятлар бизда антагонистик руҳда бўлмаса-да, уларни бартараф этиш талайгина куч-ғайрат, зўр гражданлик жасоратини, принципиалликни талаб этади. Бу — ёзувчининг фикр юритиши учун, адабиётнинг азалий вазифаси—жамиятни, ҳар бири инсонни ўзига синчиклаб, қатъий назар ташлашига ундаш вазифасини бажариши учун ниҳоятда бой озиқдир.»

Адабиётнинг ҳаётда тутган ўрни ва унинг ғоят масъулиятли вазифаси мана шу қисқа сўзлардаёқ очиқ-ойдин акс этган. Бу ҳаётни фақат қора парда орқали кўриш, ундан фақат салбий ҳодисалар топишга уриниш деган сўз эмас, албатта. Кишилар ҳавас қилиб эргашадиган, уларга намуна бўладиган баркамол ижобий образлар—ҳамиша адабиётнинг армони, бош вазифаси бўлиб келган. Биз ўз асарларимизда ҳаётдаги камчиликларни «қайд» этиб қолмай, балки шу камчиликлар моҳиятини очиб беришимиз, уларга алоқадор бўлган типлар, образлар орқали ҳаёт ҳақида фикр юритишимиз даркор. Акс ҳолда энг долзарб масалалар ҳам асарларимиз саҳифасида жўнлашиб обрўсизланади. Шу жиҳатдан қараганда, ўртоқ К. У. Черненко санъатдаги саёзлик ва мужмалликка қарши қатъият ва принципиаллик билан курашиш кераклигини алоҳида уқтираркан, баъзан мавзунинг «муҳимлиги»ни пеш қилиб, хом-хатала, китобхонни тўлқинлантирмайдиган, балки ҳафсаласини пир қиладиган асарлар ҳам пайдо бўлаётганини таъкидлаб ўтди. Бу —адабиётимизнинг келажаги ва савияси ҳақида қайғуриш, ҳар қандай «ғов»лардан ҳам осонлик билан ўтиб кетаверадиган ўртамиёна «асар»ларнинг йўлини тўсиш учун ўзига хос ваколатномадир.

3. Яхши асарни яхши, ёмонини ёмон дейиш, бир қараганда жуда оддий гап. Аммо, афсуски, ҳаётда ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди... Танқидчилик хусусида орзуим шуки: мунаққид бадиий асар ҳақида фикр юритаркан, эътирозлари ҳам, даъволари ҳам — ҳаммаси шу даражада аниқ ва асосланган бўлсаки, ҳар қандай «ўжар» ёзувчи ҳам унга тан берса. Мана шундай йўл ҳар қандай ёзувчига ва, умуман, адабиётга самарали наф келтиради, деб ўйлайман. Шу жиҳатдан, танқидчиликнинг ўртоқ К. У. Черненко нутқидан келиб чиқадиган ўзига хос вазифалари кўп. Буни танқидчиларнинг ўзлари ҳам яхши биладилар. Хуллас, партиямиз йўлланмалари биздан бир тан, бир жон бўлиб ишлашни талаб қилади.

7 ОКТЯБРЬ—СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ИҚБОЛ ҚОМУСИ

Эргаш ЖУМАЕВ,
Иброҳим Мўминов номидаги колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Асосий қонунимизнинг ҳар бир моддаси, ҳар бир сатри совет гражданлари учун муқаддасдир, чунки унда совет кишиси турмушига алоқадор бўлган иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлар, эркинликларнинг энг муҳим омиллари белгиланган. Коммунистик партиямизнинг асосий мақсади халқ фаровонлиги ва бутун дунёда тинчлик тантанаси учун, ўзаро ҳамдўстлик ўрнатишдир.

Фаровонлик, тинчлик сўзлари осонлик билан тантана қилмаганини яхши биламиз. Бу сўз—янги жамият, янги ҳаёт учун қўлига қурол олиб курашган ишчиларнинг цех ва станокларидан, деҳқоннинг эса пешона теридан озуқа олади, шуларга таянади.

Ўзимни меҳнат туфайли бахт-иқболга эришганлардан бири деб ҳисоблайман. Чунки жамиятимизда ҳалол меҳнат қилиш ҳар бир совет гражданининг бурчи ва шарафли ишидир. Меҳнат эркинлиги, сўз, матбуот эркинликлари, илм олиш ҳуқуқи, шунингдек инсон қадри асосий қонунимизда аниқ ва қатъий белгиланган. Социализм ўз гражданларига тенг ҳуқуқ ва эркинликни таъминлаш билан бирга уларга муайян бурч ҳам юклайди. «Гражданнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга оширилиши, — дейилади СССР Конституциясининг 59- моддасида, — унинг ўз бурчларини бажариши билан чамбарчас боғлиқдир». Давлат ва жамият олдида ҳеч қандай бурчларни бажармаган ҳолда ҳуқуқлардан фойдаланиш мумкин эмас. I Интернационалнинг «Бурчларсиз ҳуқуқлар йўқ, ҳуқуқларсиз бурчлар йўқ», деган шиори эндиликда жамиятимиз ҳаётининг энг муҳим принципларидан бири бўлиб қолди. Биз ана шу ҳуқуқ ва бурчларимиздан фойдаланиб, бутун коллективимиз билан бу йилги байрам — СССР Конституцияси кунини меҳнатда муносиб ғалабалар билан кутиб оляпмиз. Пахтакорларимиз кунлик пахта териш суръатини ошира бориб, давлатга 2—2,5 процентга етказиб пахта сотмоқдалар. Шубҳа йўқки, бригадамиз йиллик пахта тайёрлаш планини тез кунда бажариб, ҳар гектар ердан 40— 45 центнерга етказиб ҳосил кўтаради.

ҚУМҚЎРҒОН ПАХТАЗОРЛАРИДА

СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) «Қизил Октябрь» колхозининг 60 центнерчи бригада бошлиқлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари А. Хўжаназаров, Х. Мухторов, район партия комитетининг биринчи секретари Ч. Алматов (ўртада) билан пахтанинг сифатини кўздан кечиришмоқда. «Зангори кема»лар Боботоғ массивида. «Қизил Октябрь» колхозининг илғор бригада бошлиғи Раҳима Мирзаева. «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозидан З. Ўтаев бригадаси социалистик мусобақада ғолиб деб топилди. Р. ЖУМАНИЁЗОВ фотолари

«ЛИТЕРАТУРНАЯ ГАЗЕТА»НИНГ БАЙРАМИ

«Литературная газета» меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида актив қатнашмоқда. 2 октябрь куни Союзлар уйининг Октябрь залида бўлиб ўтган тантанали кеча газетанинг беш мингинчи сонини чиқаришга бағишланган.

«Литературная газета»нинг бош редактори А. Чаковский доклад қилди. Редакция коллективи, деб таъкидлади у, ўртоқ К. У. Черненконинг СССР Ёзувчилар союзи правлениеси юбилей пленумида сўзлаган ва маданият усталарини халқнинг қаҳрамонона зафарларини акс эттирувчи ғоявий мухолифларимизга зарба берувчи кўплаб асарлар яратишга даъват этган нутқини амалий қўлланма сифатида қабул қилди.

Докладчи газета тарихидаги шонли босқичлар ҳақида гапирди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. Марков, СССР Фанлар академияси АҚШ ва Канада институтининг директори, академик Г. Арбатов, Туркманистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Т. Қурбонов, мамлакатимиздаги бошқа бадиий ва илмий зиёлиларнинг намояндалари «Литературная газета»нинг жамиятимиз маънавий ҳаётидаги роли ҳақида гапирдилар. Болгариядан келган меҳмон, «Литературен фронт» газетасининг бош редактори Евтим Евтимов чет эллик ҳамкасблар номидан газетанинг авторлар коллективини табриклади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.

(ТАСС)

ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИДА

Туроб ТЎЛА,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

ПАХТА УЧУН КУРАШ — ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДИР

ФАЙЛАСУФЛАРИМИЗ ҳақ гапни айтишяпти, ер юзида одамлар қалби ва онги учун кураш кетяпти. Жамиятимиз истиқболи ва одамлар тақдири мана шу икки масалага боғлиқ бўлиб қолди бугун. Бу эса ғоявий курашлар, ғоявий тўқнашувлар, ғоявий мусоҳабалар кураши демак. Бу, инсон эътиқодининг камолига, тарбиясига, бир сўз билан айтганда — ҳаётга ва жамиятга бўлган инсоний муносабатларга боғлиқ. Социалистик тузумга буюк Ленин таълимоти асосида шаклланган эътиқод — коммунистик эътиқод хосдир. Совет давлатининг илк кунларидаги энг мураккаб ва кескин курашларни ҳам мана шу эътиқод енгди, ундан кейинги душманларимиз хуружларини ҳам шу эътиқод кунпаякун қилди ва қилмоқда. Бу эътиқод ҳар қандай қуролдан ҳам қудратлидир.

Бугунги кундаги улкан ғалабаларимиз, бирдамлигимиз, халқларимизнинг ҳамжиҳатликлари, иттифоқлари мана шундандир! Мухолифларимиз мана шу буюк ҳамжиҳатлигимизга рахна солмоқ ниятида ўлиб тирилмоқдалар. Аммо бу буюк ҳамжиҳатлик собит ва барқарордир. Эътиқод, ватанпарварлик, иттифоқ шунинг учун ҳам совет халқлари қудратининг асосидир! Империализм мана шунинг учун қитъаларда енгилмоқда, позициялари, мавқелари, вазиятлари, режалари чок-чокидан сўкилмоқда. Шундан жазавага тушмоқдалар, инсон онги ва қалбига чанг солмоқдалар. Қитъалардан келаётган хабарлар буни яққол кўрсатмоқда. Шунинг учун қалб ва онг ҳамиша уйғоқ бўлиши керак. Бир умр қитъалар оёғига кишан уриб келганлар осонликча жон бермайдилар. Хулио Кортасарни, Анхел Астуриасни, Пабло Нерудани ўқиб улғайганлар, ўзини Ватани, халқи бахтига бағишлаганлар, Сомоса «парламенти»ни қудратли зарба билан қулатган Никарагуа ватанпарварлари, икки йил ватани хоинлари орасида ишлаган 30 ёшли разведкачи қиз Мериелус Серрано сингари минглаб жасур кишилар оёқда! Бу жанговар кишиларнинг жасоратлари ҳар қандай «першинг»ларни чекинтиради. Кузатиб туриб инонасан ҳақиқатнинг, адолатнинг енгишига! Бир пайтлар Ўзбекистонда ҳам трактор мингани учун Назиржон деган хоразмлик қизнинг панжаларини қирққан

Давоми иккинчи бетда

ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИДА

Боши биринчи бетда

лар, қизил аскарлар сафида босмачиларнинг додини бергани учун Майна Ҳасанованинг оёқ-қўлларини чопганлар. Уларнинг бугунги ворислари Ватанимизни яшнатиб, мустаҳкам қўрғонга айлантирмоқдалар, «першинг»лар енгмасин деб.

Эътиқод барқарор экан, меҳнат ва матонат, ҳалоллик ва жасорат ҳамиша халқ ва жамият хизматидадир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари ва уларни амалга ошираётган партия ва жамоат ташкилотларимиз фаолиятлари буни яққол кўрсатмоқда.

Республикамиз шу кечаю кундузда мана шундай катта ва шарафли кураш майдони. Бу ҳар бир пахтакор ва ҳар бир қишлоқ хўжалиги ходими, ҳар бир ишчи қалбининг, ҳар бир оддий совет кишиси онгининг самарали меҳнатида намоёндир. Бунёд бўлибдики, яланғоч ётган Чортоқ тепаликлари, унгурлари, адирлари бугун кўм-кўк. Катта Наманган каналидан уч юз эллик метр баландликка сув чиқарилиб боғ-роғлар бунёд этилди. Катта Наманган канали суви насос ёрдамида қувурлар орқали тепама-тепа, адирма-адир ошиб, 15 километр узунликда икки минг гектар тоғ ерларини суғормоқда. Бу баландлигу қияликларга экилган мева дарахтлари, токзорлар сабзавот ва полизлар ҳосили шоширib қўйди ҳозир соҳиб- соҳибаларини! Тоғ оралиқларига чиқиб кетган бу ерларда Чортоқ ватанпарварлари тўртта совхоз бунёд этдилар. Яна шунчаси режада. Ўз ери, Ватани, халқи манфаатларини ҳаммадан баланд билган бу халқ йигирма беш минг тонна пахтасидан уч пахтачилик колхози, тўққизта мева, сабзавот, полизга ихтисослашган совхоз 2200 гектар дон ва 2300 гектар ем-хашак ери ташвишларидан ташқари, тағин мана шундай катта ишларга бел боғлаган. Районнинг Адашали Акбаров, Одилжон Исомов, Исмоилжон Исоқов, Мўлдали Саломатов, Қори Маматов, Турсунали Пўлатов каби азамат миришкорлари бор. Районнинг паст-баландини яхши билган, халқи салоҳиятини яхши уққан Ботирали Ҳакимов, ниятларининг амал олишига имони комил раҳбар. У энди бу қир-адир, тоғларнинг қишлови тадбирларини тузмоқда. Наманган ирстройтрести (Асқаржон Раҳмонов), водстройтрести (Бозорбой Ҳайдаров) жонкуярлигига муҳтож. Энди у совхозларга уй-жой керак, маиший шароит лозим. «Мичурин» совхозида 41 уй, «Фарғона»да 28 уй, «Ўзбекистон»да 18 уй қад кўтарди, холос. Бу ҳали катта режанинг учдан бири. Ҳаракат, ғайрат, ташаббус ташаббускорини кутади!

УЧҚЎРҒОНДА «Ленинчи йўл» колхози бор. Колхознинг биринчи бригадасига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофатхон Дадабоева раҳбарлик қилади. Бу оддий пахта бригадаси эмас, уруғчилик бригадаси, 82 гектар ерининг ҳаммасига пахта экади, бу йил 55 центнердан ҳосил бериши керак. Мана, қанақа кишиларимиз бор, нималарга қодир кишилар! Ҳақиқий жасоратли кишилар! Эътиқоди мустаҳкам, ҳалол, матонатли кишилар! Бундай кишилар ҳукмрон жойда ҳамма эккани нинг текис амал олади ва ривожланади! Биз пахтакорни доим қаҳрамон деб эъзозлаймиз. Дарҳақиқат, у пахтанинг меҳнатига дош берган, унинг илмини яхши билган қаҳрамон. Лекин мана бу кишилар-чи? Бир умр жазирамада ётган, сувсиз тоғу-тошлардан боғ-роғ яратаётганлар-чи?

Мен бундай кишиларни борган жойларимнинг ҳаммасида кўрдим. Ўғилхон Нуруллаева билан Ободон Дўсова Хоразмда, Ойимхон Камолова Қорақалпоғистонда умрлари бино бўлибдики, пахта экишади, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари. Ўғилхон кумда, Ободон оғир тупроқда, Ойимхон Аму захликларида. Табиий офатлар уларнинг далаларини топиб олганлар, на баҳорда тинчлик беради, на ёзда, на кузда. Лекин қизлар бўш келишмайди, ҳамиша уларни доғда қолдириб кетишади. Бу йил ҳам озмунча офат кўрмадилар далаларида.

Аммо ҳосиллари бўлиқ, теримни бошлаб юбордилар. Омад, албатта омад! Лекин жасорат, шижоат, меҳнат бўлмаса омаднинг ўзи келмайди. Мирзачўл ҳам, Қарши чўллари ҳам омаднинг ўзи билан бунёд бўлмаганлар. Қадам-бақадам эгаллашган, ниҳолма-ниҳол амал олдиришган. Инсон қўлисиз, инсон тадбирисиз, инсон муҳаббатисиз ҳеч нарса ўсмайди, унмайди. Иқтидор бу — ҳиссиёт ҳам, табиий қонуният ҳам, табиий дард ҳамдир.

Хоразмда яна бир пахтакор бор. Бобожон Йўлдошев. «Ёш механизатор, Искандар Дўсовнинг шогирди. Пахта илмини яхши билади, уни энг оғир ерларда экиб, ундириб тажриба ўтказган миришкор. Унинг бригадаси қумга яқин, тўғриси, чегарадош. Жуда кўп вақт қумни ўрганди, кузатди. Кунларнинг бирида қумга кўмилиб ётган эски бир қўрғон деворига дуч келди. У ерга ўртоқларини бошлаб келди. Қумни кавлаб кўришди, икки метрдан кейин қуруқ ер чиқди, қўрғон аҳолиси яшаган ер. Бобожон энди мутлақо ишондики, бу ерни эгалласа бўлади! Оз ўтмай, бу қўрғон атрофида уйлар пайдо бўлди, уйлар атрофида гул, дарахт.... Сув келди. Мутахассислар келиб кўришди. Бултур у 150 гектар қумликка соғ тупроқ олиб келиб, беш сантиметр қалинликда тўкди ва маккажўхори экди. Албатта, ариқ ё жўяк тортиб бўлмасди, оқиб турган қум. Сувни новда келтириб, ҳалиги чортоқликлар зайлида томчилаб берди, фақат томирига. Бир куни эрталаб қараса ҳаммаёқ кўм-кўк... Қумда уруғ унди. Бу, ҳақиқатан ҳам, мўъжиза эди! Бироқ, бу шодлик бир тунда йўқликка кетди, эрта билан қирқ гектар маккажўхори устида қум оқмоқда эди. Дўстлар узоқ ўйлашди, эртага қолган 110 гектарни ҳам босиб кетади қум. Кейин қурган уйларини ҳам, эккан дарахтларини ҳам. Йўқ, деди Бобожон, биз курашамиз! У Хоразм воҳасининг эртасини топдим, кетмаймиз, деди, йўл бермади қумга! Аммо эртаси куни қум тағин чумолидек босиб келди. Қум Бобожон устидан кулмоқдайди! Яна тортиб олди қумдан ерини, тағин экди. Бу сафар кечаю кундуз навбатчилик қилишди, сув уриб кетган жойида боғлаб, бўғиб тургани сингари бўғиб туришди оқиб, босиб келаётган қумни. Ниҳоллар бақувват тортгунларича шундай ишлашди. Ниҳоят, қум тўхтади. Биз бориб кўрганимизда бутун бир дала маккажўхори шувуллаб турарди шамолда. Матонатли кишилар! Мирзачўлни эгаллаганлар. Марказий Фарғонани, Қарши чўлини, Ўрта чўлни эгаллаганлар — Ҳамроқул Трусунқулов, Турсуной Охунова ва Ғанишер, Мелиқўзи Умрзоқов, Топиболди Сотиболдиев мана шундай ўжар, толмас кишилар эдилар.

ИНСОН ОНГИ ва қалби бут бўлган жойда мана шундай мўъжизалар яралади, мана шундай Ватани, замони, тузуми, халқи манфаатларини ҳамма нарсадан юксак билган кишилар яшайдилар! Ҳалол кишилар, меҳнаткаш кишилар, матонатли кишилар, жасоратли кишилар, итоат ва эътиқоди коммунистик аҳлоқ ва коммунистик ғоявийликдан иборат кишилар!

КУЮНЧАК ГАЗЕТХОН СЎРАЙДИ

«БИР ИХТИРО ТАҚДИРИ»

Ҳурматли редакция!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг шу йил 15 июнь сонида истеъдодли инженер Анвар Рустамов янги пахта териш машинаси яратганлиги ҳақида мақола эълон қилинган эди. Ўша мақолада ёзилишича, бу машинани жуда катта мутахассислар, жумладан, А. Имомалиев ва Ҳ. Усмонхўжаевдек академиклар, В. Короткий, Т. Охунова каби инженер ва механизаторлар қўллаб-қувватлашган.

Ҳозир республикамизда айни пахта терим палласи. Биз пахтакорлар халқимиз учун пахта териш машинасининг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини яхши биламиз. Бундай машина халқимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Шунинг учун ҳам биз А. Рустамов яратган машина ҳақидаги мақолани катта қизиқиш ва мамнуният билан кутиб олган эдик. Лекин мана бир неча ой ўтди ҳамки, бу ҳақда газетада бирор бир гап айтилмади. Илтимос, бу ихтиронинг тақдири нима бўляпти, иш силжияптими ёки бошқа жуда кўп ихтиролар қатори мазкур ихтиро ҳам бир жойда тўхтаб қолдими? Биз шу ҳақда газетада хабар чиқишини жуда-жуда истар эдик.

Ҳ. ДАДАБОЕВ,
М. МУРОДҚУЛОВ,
Ш. ЖАВЛОНОВ.
механизаторлар
Сурхондарё

РЕДАКЦИЯДАН: А. Рустамовнинг ихтироси ҳақида бизга кўплаб хат йўллаган газетхонларга шуни айтиш мумкинки, ихтиро улар ўйлаганчалик тўхтаб қолмади. Бу машина чизмалари билан яна кўп мутахассислар, механизаторлар, олимлар танишиб чиқдилар. Энг муҳими, Анвар Рустамовнинг пахта териш машинаси мутасадди ташкилот раҳбарлари эътиборини ҳам ўзига жалб этди. Ҳозир тегишли чизмалар ва ҳужжатлар тайёрланиб тасдиқдан ўтди. Янги машинанинг синов нусхасини тез суръатлар билан тайёрлаш вазифаси Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (директори А. Ҳожиев), пахтачилик машиналари бўйича махсус бош конструкторлик бюросига (ГСКБ бошлиғи П. Мирзааҳмедов) топширилди. Машинанинг ишчи чизмаларини тайёрлаш учун ГСКБдан 21 нафар етакчи конструкторлар бу ишга жалб этилди. Ишчи чизмаларини тез муддатларда тайёрлаш учун аниқ графиклар тузилди. Шунингдек, бу муҳим ишга ГСКБнинг пахтачилик машиналари бўйича конструторлик бўлимининг бошлиғи П. Зильберман ва машҳур механизатор, СССР Давлат мукофотининг лауреати, конструктор В. Тюпко жалб этилди.

Биз, ўртоқ П. Мирзааҳмедов бошчилик қилаётган конструкторлик бюроси коллективи бу муҳим ишни шу йилнинг ўзида ниҳоясига етказади, деб умид қиламиз.

ОЛОВ ҚАРШИСИДАГИ ОДАМЛАР

«1944 йил. Ўша куни смена алмашиш пайтида ҳаммамизни ошхонага йиғиб, бештадан гўштли пирожки ва 100 граммдан ароқ билан сийлашди. Биз бундай тўкин-сочинликни уч йил мобайнида кўрмаган эдик...».

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, биринчи ўзбек пўлат қуювчиси Ҳафиз ҒАНИЕВнинг эсдаликларидан.

ЎША КУНИ Ўрта Осиёдаги ягона металл заводида биринчи пўлат қуюлди... Биз ана шу тарихий воқеага 40 йилдан ошган бир пайтда Бекободдаги Ўзбекистон Металлургия заводида бўлдик. Сиртдан қараганда, завод ва фабрикалар бир-бирларига ўхшаб кетади. Узундан-узоқ чўзилиб кетган бинолар, биноларнинг очиқ эшикларидан бир хил коржомадаги кишилар кириб-чиқиб турибди... Лекин ана шу биноларга, ана шу бир хил коржомали одамларга синчиклаб назар ташласангиз, уларнинг турли-туман тақдирлар эканига амин бўлсиз... Кимдир «жанг қилиш ҳам иш» деган эди. Демак, ҳар қандай фойдали иш—жанг қилиш демакдир. Бу бинолар, коржомали одамлар мана шу тинч-тотув кунларимизда ҳам жанг қилишмоқда...

Ҳамроҳим, заводнинг навпрокат цехи касаба союз ташкилотининг раиси, меҳнат ветерани Эркин ака Валиев завод бўйлаб борар экан шундай дейди:

— Кераксиз темир-терсакни оловда қайта ишлаб пўлат тоблаш ҳақидаги фикр азалдан мавжуд эди. Лекин бу фикр фақат 1864 йилга келибгина амалиётга айланди. Француз металлург Пьер Мартен кераксиз темир-терсакдан пўлат қуядиган печь яратди. Печни унинг номи билан аталиши ҳам шундан...

Темир излардa у ёқдан бу ёққа бориб келаётган қўлбола машина темир «қўллари»да металлом шиббаланган қолипни печь оғзига тутади. Печнинг дарчаси очилиб, ичкаридан оловнинг тили ташқарига ўрлайди... Икки минг даражадаги иссиққа инсон юраги бардош бериб яқинлаша боради... Қозон ичида шовладек қайнаётган темирнинг қай даражада тобланганини текширади... Раббим Нуржаев — Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. Мамажон Ёдгоров — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат... Виктор, Каратаев, Павел Примак — илғор пўлат қуювчилар...

Йўқ, гап унвонлару мукофотларда эмас. Гап мана шу кишиларнинг мардона юракларида, жасоратларида. Улар мартен печлари ёнида бир кун эмас, икки кун эмас, йиллаб туришади. Бир сменада уч юз тоннадан оширйб пўлат қуйишади.

— Биласизми, Раббим Нуржаевнинг ишини кўп кузатганман. Касбини севади. Билмадим, бу гапларим сизга эриш роқ туюлар, ўзим ҳам мана шу заводда ўттиз бир йилдан буён ишлаб келаман. Йигирма йил канавада (тайёр пўлат оқизиладиган жой) ишладим. Олти фарзандим бор. Ўғилларим ҳам шу заводда ишлашади. Назаримда, ҳамма касбга ҳам меҳр қўймай туриб ишлаш қийин, айниқса пўлат қуювчи ўз касбини севмас экан, у қуйган пўлат мўрт бўлади...

Завод ишчиси Имомназар Арзиевнинг бу гаплари нимагадир ёзувчи Валентин Катаевнинг сўзларини эслатди, менга: «Мен инқилоб ўғлиман. Балки ёмон ўғилдирман. Лекин барибир унинг ўғлиман», — деб ёзган эди у «Хаёл чечаклари» асарида.

— Ишчи касбининг улуғворлиги ҳам шунда-да. Қаранг, илондайин биланглаб кетаётган оловни бўйсундирмоқда,— дейди Эркин ака.

«Ахир у инқилоб ўғли» деган сўзлари хаёлимдан кечади. У кўкрагига урмайди. Фарзандини ҳам шунга ўргатади. Дарвозадан бир хил пайтда чиқиб, бир хил пайтда киради. Чўнтагида қанча маблағи борлигини рост айтади. Ватан, дўстлик ҳақида баландпарвоз гаплардан кўра, ана шу Ватанга, ана шу дўстликка жим туриб хизмат қилади. «Кимдир Ватан ҳақида гапиради, кимдир жон фидо қилади». Ҳа, у инқилоб фарзанди.

Металл заводида бўлган киши бу ерда фамилиядош кишиларнинг тез-тез учраб туришини сезиб олиши қийин эмас. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, марҳум Саид Нуриддинов заводнинг тамал тошини қўйган кишилардан бири эди. У узоқ йиллар мобайнида прокат цехида меҳнат қилди. Саид ака укалари ва фарзандларини ҳам меҳнаткаш кишилар қилиб тарбиялади. Унинг укаси Шамсиддин Нуриддинов заводга 1947 йилда келган. У Октябрь революцияси ҳамда III даражали Меҳнат Шуҳрати орденларининг нишондори. Меҳнат ветерани. Шамсиддин ака узоқ йиллар мобайнида прокатчи, смена мастери бўлиб ишлади. Пенсияга чиққанига қарамай, ҳозир ҳам заводда ишлайди. Шамсиддин аканинг умр йўлдоши Мунира опа Альчикова ҳам 32 йил шу заводда оператор бўлиб ишлади. Эндиликда ота-оналарининг шонли меҳнат йўлини ўғил-қизлар Лола Ғаниева, Азиз Нуриддиновлар давом эттиришмоқда.

Бу оиланинг яна бир давомчиси, Саид Нуриддиновнинг ўғли Алик Нуриддинов Москвадаги пўлат қуйиш институтини тамомлаб келиб, ҳозир заводда ота касбини қилмоқда. У навпрокат цехида смена мастери. Аликнинг акаси Эдуард Саидович эса завод конструкторлик бюросида инженер. Синглиси Раиса ҳам мана шу завод ишчиси.

— Бизнинг ҳулқ-атворларимизда не яхшилик бор бўлса, у оиламизнинг ишчи сулоласига содиқлигидандир, — дейди Шамсиддин Нуриддинов. — Инсон нимагадир эътиқод қилиши керак. Эътиқодсиз яшаш жуда қийин. Оиламиз мана шу металл заводига, пўлат қуювчилик касбига эътиқод қўйган. Чунки, бизни шу завод қийинтиради, едириб-ичиради. Мартабамиз шу завод туфайли баланд.

— Заводимизда ишчи сулолалари анчагина,—дейди йўл-йўлакай электр ёрдамида пўлат қуйиш цехи томон борар эканмиз Эркин ака Валиев.— Ўйлайман: бир-бирининг этагидан тутиб ишлашга уларни нима мажбур қилмоқда? Пулми? Шон-шуҳратми? Менимча, Шамсиддин ака жуда тўғри таъкидлади. Бу ишга уларни юракларидаги эътиқод мажбур қилади. Улар ишчи деган номни мўътабар биладилар...

« Кейинги ўн йил завод ва унинг коллективи учун ўсиш ва ривожланиш йиллари бўлди. Корхона ҳар томонлама кенгайди. 1978 йилда электр ёрдамида пўлат қуйиш цехининг биринчи навбати ишга туширилди. Ҳозирча бу цехда учта электр печи ишлаб турибди. Мўлжалдаги бешта электр печи ишга тушгач, заводда пўлат ишлаб чиқариш беш марта кўпаяди. Ҳозирда ана шу мавжуд учта электр печь ёрдамида йилига 250 минг тонна пўлат қуйилмоқда. Бу маълумотни заводнинг кўп тиражли «Металл учун» газетасидан олдик.

ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, завод ҳовлисини айланар экансиз, кейинги йилларда завод ҳам энига, ҳам бўйига ўсганлигининг гувоҳи бўласиз. Завод территорияси 1972 йилда борйўғи 35 гектар бўлса, эндиликда 400 гектарга етди. Бу янги цехлар, ёрдамчи бинолар, ёрдамчи хўжалик —завод фермаси учун экин майдонлари демакдир. Ҳозирда завод ёрдамчи хўжалигида йилига 300 тонна гўшт етиштирилиб ишчиларга сотилади.

Энг муҳими, мана шу йиллар мобайнида заводда кадрлар тайёрлаш, хусусан, маҳаллий ишчиларни тайёрлашга катта эътибор берилди. Ҳозир заводда 37 миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишмоқда. Завод ишчиларининг асосий қисми ўзбеклардир.

СУРАТДА: (ўнгдан чапга) мартен цехининг қуювчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Раббим Нуржаев ҳамкасби Р. Ашуров ҳамда ўғли Х. Нуржаев билан.

— Заводга ишга келишга нима мажбур қилди?— деб сўраймиз электр ёрдамида пўлат қуювчининг ёрдамчиси Қаҳрамон Холматовдан.

— Дадам, Абдуназар Холматовнинг бутун меҳнат фаолияти мана шу заводда кечди,— дейди ёш пўлат қуювчи. —Мен ёш эмасман. Армия сафидан қайтганимга икки йилдан ошди. Шундан буён мана шу цехда ишлайман. Албатта, бутун бир смена давомида «оғзидан олов пуркаб» турган печь ёнида туриб ишлаш қийин. Агар мен сизларнинг саволингизга «ишчи бўлишни орзу қилганимдан заводга ишга келдим» десам, назаримда ҳаётга жуда енгил қараган бўламан. Чунки, орзунинг ўзи билангина иш битмайди. Бизда «ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратади» дейишади. Балки бу гап тўғридир. Чунки, инсон ҳаётида ҳар не содир бўлса, кўпроқ унинг ўзи сабабкор бўлади. Шу билан бирга бизнинг ким ва қандай киши бўлиб етишишимизда ўзимизга боғлиқ бўлмаган жиҳатлар ҳам бор. Бу нарсаларни ўзимиз сезмаган ҳолда болалигимиздан ўз табиатимизга сингдириб борамиз. Масалан, айтайлик, деҳқоннинг ўғлидан умуман ишчи чиқмайди, десак хато бўлади. Заводимизнинг биринчи ишчилари кетмондан чиққан одамлар бўлишган. Уларни ҳозирги маҳаллий ишчиларга тенглаштириш қийин. Ҳозирги пўлат қуювчилар бутун тақдири, бутун мағзи билан ҳақиқий ишчилар синфига мансуб кишилардир. Шу маънода мен заводдан бошқа жойда ишлай олишимни тасаввур ҳам қилолмайман. Чунки, ишчи оиласида тарбияландим. Ахир, «қуш уясида кўрганини қилади», дейишади-ку! Балки, мен фикрларимни тўла тушунтира олмагандирман, лекин, менимча, шундай...

Завод бир йилда 136 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу озми ёки кўпми? Албатта, бу рақамнинг халқ фаровонлигини оширишга қанчалик иқтисодий ёрдам кўрсатишини мутахассислар яхши билишади. Бизни эса ана шу рақам ортида турган инсон меҳнати, ташвишлари, қизиқишлари кўпроқ қизиқтиради.

— Эндиликда заводнинг эмалланган пўлат идишлар қуювчи цехи 40 номда маҳсулот ишлаб чиқармоқда,— дейди Эркин ака Валиев. — Бу цех йилига 25 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. «УМЗ» тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган рўзғорбоп идишлар бугунги кунда халқимизнинг оғирини енгил қилмоқда...

Бугина эмас. Завод Ўрта Осиё республикаларига ҳамда қўшни, дўст мамлакат Афғонистон Демократик Республикасига ҳам навли прокат етказиб бермоқда. Ишга туширилаётган навли прокат ишлаб чиқариш цехи мамлакат халқ хўжалигига пўлат маҳсулотлари етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Шу йилнинг июль ойида ана шу янги цехда 5200 тонна прокат тайёрланди. Ҳозирги кунда мазкур янги цехда синов ишлари олиб борилляпти. Бу ишларда Германия Демократик Республикасидан келган мутахассислар ўзбек металлургларига яқиндан ёрдам беришмоқда.

«Металл учун» газетасидаги бир хабар бизнинг диққатимизни тортди. Бу хабарда завод коллективи 1983 йил декабрь ойи план кўрсаткичларини қандай бажарганликлари ҳақида гап боради. «Мартен цехи декабрь (1983 й.) ойида пландан ташқари 48 тонна пўлат қуйди. Йиллик план 382 тоннага кам бажарилди» дейилади ана шу хабарда. Демак, заводда ҳал қилиниши лозим бўлган проблемалар ҳам йўқ эмас экан-да. Ана шундай савол билан биз завод директори, тажрибали металлург Рихси Юсупович Юсуповга мурожаат этдик.

— Завод-ку жуда катта коллектив, —дейди Р. Юсупов — Ҳатто уч-тўрт кишидан иборат кичик бир оиланинг ҳам ташвишлари, қиладиган ишлари анча бўлади. Тўғри, баъзи ойларда пўлат қуйиш ойлик планлари бажарилмай қолади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Жумладан, мартен печларининг жиҳозлари жуда эскириб кетган. Уларни янгилаш керак. Ҳатто лойиҳалар ҳам тайёр. Лекин қурувчилар етишмайди. Мартен печлари самарадорлигини ошириш резервлари бор. Улардан бири — печнинг қопламалари умрини узайтиришдир. Илгарилари гумбазлар 300 ва ундан ортиқ эритмага ҳам бардош берар эди. Албатта, жиҳозлар эскириб, ишдан чиққандан кейин уни ҳеч қандай эҳтиёт қисмлар билан сақлаб қолиш қийин. Печнинг қопламалари умрини узайтириш, деворларининг мустаҳкам бўлишини таъминлаш учун эса сифатли ғишт керак. Бизга келаётган ўтга чидамли ғиштларнинг эса баъзан сифати паст бўлади.

ЗАВОДДАГИ яна бир муҳим масала, бу ишчи кучидан ўз ўрнида фойдаланиш масаласидир. Бизни бир нарса анча қийин аҳволга солиб қўяди. Айтайлик, завод зиммасига ҳар йили 2 минг тонна миқдорида хашак тайёрлаш мажбурияти юкланади. Ахир завод территориясида ўсган ўт-ўланлар, 150 гектар майдондаги ем-хашакни ўзимизнинг ёрдамчи хўжалигимиздаги қўйимолга берамизми, давлатга топширамизми? Лекин, хашак мажбуриятини бажариш керак. Бунинг учун цехлардан одам олиб хашак ўримига чиқариш керак бўлади. Пахта йиғим-терими пайтида ҳам шундай. Завод коллективининг йигирма проценти пахтакорларга ёрдамга чиқади... Шундай бўлгач, албатта, пўлат қуйиш, прокат тайёрлаш ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш планлари айрим ойлар ҳисобига бажарилмай қолади.

Заводда тез муддатларда ҳал этилиши зарур бўлган масалалардан яна бири — уй-жой масаласидир. Завод коллективи кейинги тўрт йил мобайнида 30 минг квадрат метр ҳажмидаги уй-жойни ололмади. Ҳозир заводда ўз яшаш шароитларини яхшилаб олиш учун 1800 киши навбатда турибди. Мана шу фактнинг ўзиёқ биз ҳали иш қилишимиз кераклигини билдиради. Назаримизда, бу масалаларни тез роқ ҳал этишнинг тўғри йўлларидан бири—область ижроия комитети томонидан одамларга участка қуриш учун ер ажратишдир. Мабодо ана шу масала ижобий ҳал этилганида заводда ишчи кадрлар янада мустаҳкамланган, кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилган бўларди.

Дарвоқе, ёш пўлат қуювчи Қаҳрамон Холматов айтганидек, бугунги ёшлар ўзларининг аждодларидан ҳар томонлама фарқ қилади. Уларнинг фикр доираси кенг. Ҳар бир ишга илм-фан нуқтаи назаридан ёндошади. Албатта, бу илмий-техника революциясининг натижаси ҳам. Айни пайтда ана шу ёшлар унумли меҳнатдан сўнг яхшилаб ҳордиқ чиқаришни жуда истайдилар. Бунинг учун эса, аввало, оилавий осудалик, яшаш учун қулай шароит зарур. Шу маънода завод директорининг уй-жой шароитларини яхшилаш борасида куюнчаклик билан айтган фикрлари жуда тўғри. Тошкент область ижроия комитети завод коллективининг шахсий йўл билан уй-жой қуриш учун участка ажратиб бериш ҳақидаги таклифини ер-жой ресурсларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зотан, бу коллектив олов қаршисида турган одамлардир. Оловга эса ҳамма ҳам, ҳар бир нарса ҳам дош беравермайди.

... Сўнг мартен печи ёнига бордик, — деди биринчи ўзбек пўлат қуювчиси Ҳафиз Ғаниев — Печь ёнида олдиндан тайёрланган темир уюми, оҳак, кокс, чўян парчалари ётарди. Устозларимиздан бири Михаил Романович Шелованов бирданига икки чеккадаги темир ташлайдиган дарчаларни очиб юборди. Биз мартенга шихта (темир-терсак) ташлай бошладик. Йигирма киши бу ёқдан, йигирма киши у ёқдан бир соатда 30 тоннадан кўп шихта ташладик. (Бу ҳозирги механизация учун ҳам ёмон кўрсаткич эмас). Тунда биринчи пўлат қуйилди. Назаримда, завод атрофига бутун Бекобод кўчиб келганди. Улар орасида заводда маҳаллий кадрларни етиштириш учун кўп ишлар қилган Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов ҳам бор эди.

Одамлар кўзига ёш олишди... Чунки, мана шу дастлабки пўлат халқ хўжалигида кўприк, эҳтиёт қисм, труба бўлиб, ҳарбий заводларда ўқ бўлиб душманга тегишини, ғалабани яқинлаштиришини улар жуда-жуда истардилар. Ана шундай, биринчи ўзбек пўлати Ватанга муҳаббат, душманга қарши ғазаб туйғуси, кўз ёшлари билан тобланган эди.

Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири

ДИЛ ОҒРИҒИ

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

28 йиллик меҳнат ўзини кўрсатдими, негадир кейинги пайтда Туробжон аканинг юраги санчадиган бўлиб қолди. Касалхонада ётди. Бироз шифо топгандек бўлди. Лекин чиқаётганида доктор унга:

— Бу дард билан ҳазиллашманг. Яхшилаб даволанинг. Санаторияга боринг, — деди.

— Санаторияга? Қандай бораман у ерга?

У, бирда-иккида санаторий-курортга бормаган одам, йўл-йўриғини билмасди. Доктор тушунтирди: совхоз ишчилар комитетига учрашиши, ариза топшириши керак экан. Юз ўйи-истиҳола билан учрашди. «Хабар олиб туринг, йўлланма келса, албатта берамиз», — дейишди у ерда. Хабар олиб турди. Ўн икки бор қатнади, ўн икки бор! Бу орада қанақа гап-сўзлар ўтмади-ю... Баъзилар унинг қуруқ қайтганини кўришиб, э-э-э, Туробжон-а, сизу бизга путёвка қаёқда-я, юқорининг ўзида ҳал бўлиб кетади, , дейишар, шунда унинг кўнглига шубҳа оралар, шубҳани қувиш осон бўлмасди. Йўқ, йўлланма юқорида ҳал бўлиб кетмади, келди. Ўн учинчи сафар борганида раис уни кўрсатди.

— Мана, мана шу сизга. 20 август куни келиб оласизу, Тошкентга жўнайверасиз, — деди.

Ўхў... ўшанда қувонганлари..... Бироқ 20 август куни ҳаммаси йўққа чиқди, ҳаммаси! Келса, раиснинг столида ёшгина бир йигит ўтирипти. Шу — янги раис эмиш. Эскиси қўшни совхозга раис бўлиб сайланиб кетган эмиш. Йўлланмачи? Йўлланма йўқ эмиш. Эски раис уни қимгадир — биттасига бериб юборган эмиш, вассалом.

Ана шунда у — унча-мунча нарсани билдирмайдиган, оғир-вазмин одам — йўқ, ғазабдан қичқириб юбормади. Жим-м-м бўлиб қолди. Бу жимликни маъноси шундай эди:

«Нега, нега бериб юборади, ахир? Биз-чи? Биз одам эмасмизми? Тракторчи одам эмасми?»

Унинг юраги оғрир эди. Дил оғриғининг олдида бошқа оғриқ оғриқ эмас экан. Ўшанда аъзойи бадани тутаб, куйиб кетган эди, эсласа ҳануз куяди.

Тракторчи Туробжон Содиқжонов бизга ана шулар ҳақида маъюс, шикаста бир ҳолатда сўзлаб берар экан чуқур хўрсинди. Кейин кўзимизга тикилди.

— Шунақа қилавериш ҳам мумкин эканда-а, мухбир ука?

Саволга жавоб қайтардик, албатта.

— Йўқ, мумкин эмас! Бировнинг дилига озор бериш мумкин эмас! — дедик.

Аммо ундан ўзимиз ҳам қониқмадик. Чунки ҳали саволнинг давоми бор эди. У айтилмаган бўлса-да англашилиб турарди. Жаранглаб, жавоб талаб қилиб турарди.

«Мумкин бўлмаса нега содир бўлди бу воқеа? Нима сабабдан содир бўлди?»

Жавоб топиш мақсадида йўлга тушдик.

Дуруст, раис Аҳмаджон ака Субонов йўлланма олиш учун қатнаб юрган тракторчини ҳали унутмаган экан, эслатишимиз билан дарҳол эслади.

— Тўғри, жуда ёмон иш бу, — деди афсус-надомат билан. — Лекин шундай қилишга мажбур бўлиб қолдим, мажбур...

«Қани нима мажбур қилган экан?» — ўйладик ичимизда.

—... Бир пенсионер, Улуғ Ватан урушининг III группа инвалиди, меҳнат ветерани худди шундай путёвка сўраб келиб қолди. Айтинг-чи, шундай одамга йўқ, деб бўладими? Йўқ, деёлмадим.... кўнгилчанлик қилдим...

— Ҳа-а-а, — деб юборганимизни ўзимиз ҳам сезмай қолдик. Гўё бирдан ҳамма нарса тушунарлидек, бу ерда жамиятимизга ножоиз ҳеч қандай иш содир бўлмаган дек туюлиб кетди. Аксинча, шундай бўлиши керак эди. Бизда ҳамма яхши нарсалар энг аввал болаларга ва кексаларга эмасми ахир. Яхшики раисимиз кўнгилчан экан, агар тошбағир бўлганда нима бўларди?... Яна камтарлигини, «кўнгилчанлик қилдим» деб ўзини гуноҳкор ҳисоблаб туришини кўринг. Нима дегани бу «кўнгилчан» дегани? Инсонларнинг кўнгилини тушунувчи, шунга қараб муомала қилувчи, дегани. Қани энди ҳамма раҳбар ходимларимиз ҳам шундай бўлишса... Шундай бўлишганда, партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликлар ҳар доим ҳам инсоф-адолат билан тақсимланишига эришилган бўларди. Ҳеч қачон кўнгилсизлик юз бермаган бўларди. Мана, мана шу воқеадан қиёс: раис кўнгилчан бўлгани учун ҳам йўлланмани пенсионерга берди. Ўша пайтда қилиши мумкин бўлган икки ишдан энг тўғрисини қилди.

Очиқ гап, шундай хулосага келиб, «хулосага келиб»гина эмас, яшанг, деб раиснинг кифтига қоқиб қайтаверишимизга оз қолди. Агар кўнглимиздан мана бундай савол-жавоб кечмаганда қайтаверар эдик.

«Кўнгилчан экан, хўп, кўнгилчан бўлса, нега тракторчининг кўнгли билан қизиқмади.?»

«Қизиқиб нима қилиши мумкин эди? Йўлланма ўзи бор-йўғи битта бўлса....»

«Фақат йўлланма берса бўлади, бўлмаса йўқми? Йўлланмани пенсионерга беришдан аввал тракторчининг олдидан ўтса, розилик сўраса бўлмасмиди? Туробжон ака ҳам жуда унақа бемуроса одам эмас эди».

Шундай деб раисга айтдик. У дарҳол фикримизга қўшилди:

— Тўғри айтасиз, шундай қилсак бўлар экану, қилмаяпмиз-а, қаранг, ақлимизга келмаяпти...

Хўш, чинакам кўнгилчан кишининг ақлига келмайдиган ишми шу иш?

Давоми еттинчи бетда

«...ЮРАГИМДА ЖИНДАЙ ДАРДИМ БОР»

ДАРҲАҚИҚАТ ШУНДАЙ. Шоирнинг дардида муҳаббат бор. Бу — Ватан, халқ муҳаббати. Меҳр бор. Бу — ота-она, дўст, фарзанд меҳри. Унинг дарди гоҳо нолали. Бу — айрилиқ, юртдан жудолик, «Ватанимни беринг менга», «Ахир, нимани деб яшайди одам, Менга Ватан керак, Ватанимни беринг!» — дея фарёд чеккан фаластинлик қувғиндининг ноласи. Машраб Бобоевнинг ҳаёт, умр, эрк, истиқбол ҳақидаги қарашлари — ҳушёр, куюнчак замондошимиз фикру туйғуларига бир қадар уйғун:

Бир парча ер етади одамга,
Лекин етмас унга бир парча осмон.
Унинг ўзи сиғмагай оламга,
Муштдай юрагига сиғса ҳам жаҳон.

Ушбу сўзлар — орзиққан хаёл сўзлари. Мазкур мисралар билан бошланадиган шеърда шоирнинг эзгу туйғулари умидга айланади.

М. Бобоев лирик қаҳрамонининг қалби инсоний меҳр-муҳаббатдан қониққан. У умри «бино бўлибдики, дунёдан, одамлардан яхшилик» кўрган. Бўлиши мумкин. Дунёда «Ёмонликдан кўра яхшилик кўпроқ!» У бунга қатъий амин. Шоир яқинда «Лирика» сериясида чиққан янги китобини унга меҳр, садоқат ҳадя этган «танишу нотаниш яхши одамлар»га бағишлаган. Мажмуанинг номи ҳам «Бағишлов».

«Ўз кучини ҳис қилмоқ билан кучлидир одам», дейди М. Бобоевнинг лирик қаҳрамони. Тўғри гап. Хўш, ўзлик кучи нима? Буни у қандай миқёсларда англайди? Унингча, энг юксак инсоний қудрат манбаи — Юрак. Барча мадҳия, олқиш, барча қўшиқларнинг қўрқув ва майдакашлик кайфиятларидан холи, чиниққан Юракларга бағишланишини ёқлайди. Юрак ҳукмларида ахлоқий қарашлар муҳитини белгиламоқчи бўлади. «Парвозингни баланд ол, юрак». Мана, унинг маънавий шиори. Талаб ва даъвати. У қалбни курашга, курашларда ғолиб бўлмоққа чоғлайди. Бу лирик характер табиатан анча камсуқум. У Ватан учун «Жоним фидо!» деб кўксига муштламайди. Муҳими, кўпирмайди. Ватан тақдиридаги ўрни ва мавқеини билиб сўзлайди:

Ҳаётингда бош қаҳрамон эмасман, лекин
Йўқ ҳам эмас, мен оммавий саҳнада борман.
Гар саноқда бўлмасам ҳам сонда борман мен,
Сенга фидо миллионлар сафида борман.

Буларнинг барчаси яхши. Бугина эмас. Шоир шеърларининг ғоявий мазмуни билан боғлиқ ижобий қайдларни яна довом эттириш мумкин. Лекин... шеърда маъно, туйғу ҳамда қаҳрамон нуқтаи назарларининг бадиий ифодаси, ифода маҳорати қандай?

Шеър билим учун, билишгагина хизмат этмаслиги керак. Шоир — маълумотнавис эмас. Санъаткор. Сўзни биринчи навбатда руҳ, оҳанг, образ, тасвир, гўзаллик санъати мавқеига олиб чиқадиган шахс. М. Бобоев тажрибаларида айни шу фазилатлар камлик қилади. Сабаб?

М. Бобоев шеърларида тасвирдан кўра, мулоҳазакорлик устун. Шунинг учун шоир сатрларининг аксарияти образлиликдан йироқ-йироқ. Туйғуларда мавж, руҳда теранлик, шиддат етишмайди.

Ҳар қандай шоир учун баёнчиликнинг ёмон томонлари бор. Булар: кўпсўзлилик, сўз бўёқлари ва фикр мусиқаси билан ҳисоблашмаслик, сатрлар устида алоҳида заҳмат чекмаслик. Ва ички ҳиссий портлашлар ўрнига ўйлаб топилган фикрларга суяниб қолиш. Бу камчиликлар М. Бобоев асарларида яққол кўзга ташланиб туради. Даъвомизнинг исботи учун айрим мисолларга мурожаат этайлик. «Ватаним» шеъри қуйидаги сўзлар билан бошланади:

Қизим
Ёноғини ёноғимга,
Манглайини манглайимга босади.
Вужудимга сингигандай,
Йўқ бўлиб кетади бағримда.
Ўғилларим ҳам бор менинг,
Лекин ҳаммасидан ҳам
Қизимга кўпроқ меҳр қўйганман.
Сенга қизимдай меҳр қўйганман, Ватаним!
Сени қизимдай бағримга босгим келади.

М. Бобоев анча йиллардан буён шеърлар машқ қилади. Унга шеърнинг маънавий табиати, моҳияти, шеърда сўз ва образнинг эстетик қиммати ҳақида эслатишнинг ўзи ноқулай. Лекин у юқоридаги парчада сўнгги байтдан бўлак ҳамма сатрлар кўп маънода ҳаракатсиз ва эҳтиёжсиз эканлигини наҳотки инобатга олмаган бўлса? Афсуски, шундай. «Ватаним» — эллик сатрдан зиёд! Аммо унда сўз кўп, «кўмир» оз:

Мен сени
Онамни тепкилардан асрагандай,
Севгилимни хиёнатлардан асрагандай,
Қизимни шабадалардан асрагандай
Асрагум, Ватаним!

Ватанпарварлик — муқаддас туйғу. Уни бўлар-бўлмас сўз ва тушунчаларда ифодалаш қийин. Ва бундан чекланиш ҳам зарур. Қўпол эшитилса ҳам айтай: одам боласининг бошида севгилисини хиёнатлардан асраш ташвиши бўлмагани тузук. Вафо ва садоқат қўриқланмайди. Севгининг оламшумул кучи ҳам шунда. Кейин, олижаноблик — ғурур ва инсоний шаънингни камситишмас-ку! «Онамни тепкилардан асрагандай» сатри шахсан менга мутлақо сингмади. Қолаверса, онани тепкилаш қабоҳатини характерли мантиқ каби гипирмаслик керак эди.

Самимий шоир ижоди — табиий бўлади. Ёки аксинча. Демак, унда на атайинлик, на сунъий илҳом, на сохтакорлик бўлади. Шеър ёзишдан мурод: ишонтириш ва ишончни қозониш. Бунинг тескариси — шоир учун ҳам, шеър учун ҳам теппа-тенг зиён.

М. Бобоевда шундай шеърлар борки, улар чин ҳақиқат тарзида юракка бориб етмайди.

Масалан, унинг «Пушкин ва Бенкендорф», «Аҳрор», «Адабиёт қопқаси олдида», «Кўнгилга қофия мўл...» сингари қатор шеърларини ўқиган одам буни пайқамасдан қолмайди.

Таманнолар ўша-ўша: ифор-ифор,
Бахтиёрлик тамғаси бор ол ёноқда.
Лаблардаги табассумнинг кибор-кибор,
Лекин булар бари сохта, бари сохта!

Сохталикни сохта сўзларда қоралаб бўлмайди. Хусусан, фаолият топмаган, вазни ғоятда енгил, худди намойишгагина ярайдиган «ифор-ифор», «кибор-кибор»лар билан. Шеър давомида яна ўқиймиз:

Қаён юрма — йўлларингда тураман мен,
Ёнлаб ўтай дейсан — ёнлаб ўтолмайсан.
Тутиб олай дейсан — қўлинг етмас лекин,
Тутолмайсан, тутолмайсан, тутолмайсан!

Бизнингча, бундай мақтанчоқлик ярашмайди. Шеърда характер мантиқи аниқ белгиланмаган. Агар шеър охирроғидаги «Кўзларингда чўкиб ётар буюк қайғу» деган фикр рост бўлса, олдинги ҳамма гап ёлғон. Чунки кўзларида «буюк қайғу» «чўкиб ётган» аёл, ажралган кишиси ким бўлишидан қатъий назар, эртаю кеч уни «тутиб олай» дея елиб-югурмайди. Бу — жуда оддий ҳақиқат.

Кейинги пайтларда бизда шеър тили билан газета тилини фарқлашда мушкул ҳолатлар юз бераётир. Шеър — эмоционал идрок маҳсули. Шеър тили таъсирчан бўлиши керак. Ҳар бир шеър, хоҳ тириклик, хоҳ ўлим баҳсида бўлсин, у гўё охирги ҳукм. Фикрий кўтарилиш. Сўнгги зарб. Қани булар «Ғўза унинг бош фарзанди, ҳам энг кенжа фарзанди» каби мисраларда? Таассуфки, йўқ!.. Ёки: «Ғўза борки, йўқдир унинг бўлак нарсада иши». Бундай мисралар ҳам кераксизлигини савқитабиий билан шоир олдиндан сезиши лозим эди.

Бир йилча муқаддам босилган мақоламда шеъриятимиздаги тақлидчилик иллатига доир гаплар айтилиб, айрим фактлар кўрсатилганди. Мақолани ўқиган шоирлардан бири очиқ киноя билан шундай деб қолди: «Танқидчининг иши фақат ўхшашлик ахтаришми дейман? Одам одамга ўхшаганидек, шеър дегани ҳам бир-бирига ўхшайди-да! Бағирни кенгроқ қилиш керак...»

Ўрни келганда таъкидлаб ўтиш жоиз: ҳеч бир мунаққид олдиндан ёмон ният ё ғараз билан шеър ўқимайди. Аммо мунаққиднинг адабий жараёндаги ҳодисаларни сергаклик билан кузатиб, ғоявий-бадиий йўналишларни кўпчилик илғайвермайдиган жиҳатларигача англаб, таҳлил этиб бормасликка ҳаққи йўқ. Масалан, айтайлик, М. Бобоевда (ўзи сезмаган ҳолда, албатта) А. Орипов шеърларидан кўчиб ўтган мисра, оҳанг ва образли ифодалар тез-тез кўзга чалинади. Мана улардан баъзилари:

А. Ориповда: «Фақат ўтмиш билан яшамас инсон» («Баҳор», 1966); М. Бобоевда: «Одам ўтмиш билан яшамас бироқ» («Олисдаги чироқ, 1978). А. Ориповда: «Фарзандман шу буюк асримга бешак» («Денгизга», 1973); М. Бобоевда: «Мен ҳам шу асрнинг бир фарзандиман» («Иссиқкўл», 1978). А. Ориповда: «Хаёл каби кенг эрур олам» («Созим», 1968); М. Бобоевда: «Бир дам олам хаёлдан иборат туюлади» («Хаёллар», 1977). Яна А. Ориповда: «Орамизда сарсон бир жуфт қора кўз» бўлса, М. Бобоевда: «Ўртамизда сарсон муҳаббат» ва ҳоказо. Маъно ва мақсад — бир, фақат айрим сўзлар ўзгарган, холос!

Иқтидор — масъулият, ўзингга, қилаётган ишингга юксак масъуллик демакдир. Шеър ёзмоқдан муддао ўзгаларга маънавий қудрат бағишламоқ бўлса, бу йўлда С. Есенин айтмоқчи, ўз қалбингга ханжар санчмоқни ҳам бўйинга олмоқ керак.

М. Бобоев:

Водийда бир боғ яшнар,
Беназиру беқиёс.
Ранглардан кўз қамашар,
Қалбда қайнар эҳтирос, —

дейди бир шеърида. Биз ҳам унинг шеърий ижоди ҳаётчан эҳтиросларга тўлиқ бўлишини истаймиз.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ



Қизиқарли асар экан.

БИР АСАР ҲАҚИДА ИККИ ФИКР

«БУ МУЛКДА ҲАЙРАТ БОР, СЕВИНЧ, ҚЎШИҚ БОР...»

ЭРКИН ВОҲИДОВ шеърларидаги сеҳрли оҳангдорлик, сўз ўйинлари, лутфлардан туғилган жозиба, Абдулла Орипов ижодидаги ғоят муҳим ижтимоий муаммоларни мукаммал бадиий шаклда ифодалаш санъати, Маъруф Жалил асарларидаги сатрларга рамзий маъно «яшириш» усули, Чўлпон Эргаш шеърларидаги самимий, содда теранлик каби шеърий фазилатлар Машраб Бобоев шеърларида йўқ. Бўлмаса, унинг шеърларида нима бор?

Машраб Бобоев ижоди олтмишинчи йилларнинг ярмидан бошланди. Шоир ижодида риторика, декларативлик («Бағишлов» «Ўзбекистон»), кўпсўзлилик («Янги йил шеъри», «Хаёллар»,) мисга ранг бериб, олтин ўрнида тақдим этиш, сохталик («Сирожиддин Валиев билан танишув», «Иссиқкўл», «Олисдаги чироқ») каби иллатлар билан бирга навқирон авлод шоирларига хос салмоқли, журъатли фикрлаш(«Анвар », «Аҳрор», «Муин Бсису», «Адабиёт қопқаси олдида», «Пушкин ва Бенкендорф») ва шу кун одамларининг дард, армонларини айтиш ҳам («Ватаним», «Тошқул», «Хотинга хушомад», «Фаластин қувғиндиси...»), нозик лиризм ва мусиқийлик («Хато қилдик...» «Тушларимга кирар бир чаман», «Ташқарида қору ёмғир...», «Бу кеча...», «Бу оқшом», «Хаёлимда доимо баҳорнинг хуш сурати») каби поэтик фазилатлар ҳам бор.

Машраб Бобоев ижодининг ўзига хос жиҳати, Иброҳим Ҳаққулов айтганидек, фикр ва туйғулар талқинининг сохталигида эмас, аксинча, унинг ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳақиқатга интилишидадир. У фарзанди Аҳрорга бағишлаган шеърида «Ҳамма нарсадан катта ҳақиқат» сатрини етти марта, «Шоҳидман, йўқ ҳақиқатдан ўзга оллоҳ» сатрини уч марта, «Шоҳидман, биз ҳақиқат элчисимиз» сатрини икки марта такрорлайди. Шоир «Ҳақиқатда Гап кўп. Ризқ, Номус, Виждон, Муҳаббат Гул, Нон. Ҳақиқатда гап кўп» дейди. Бу сўзларнинг фарзандга худди васият сингари юракдан айтилгани, уларнинг катта фазилатидир. Бу—қофия туроқ, вазн мутаносиблигига асосланган анъанавий шеър эмас. Машрабнинг «Аҳрор», «Икки сурат...», «Муин Бсису», «Фаластин қувғиндисининг монологи», «Тошқул» каби шеърлари мазмунан теран, салмоқдор.

Машраб Бобоевнинг «Бағишлов» тўпламида шу руҳда ёзилган анчагина асарлар бор.

Дарахт баргларини тўкади. Нега?
Табиат қонуни, дейсиз, турган гап.
Лекин бошқачароқ туюлар менга,
Мен бунда кўраман бошқача сабаб:
У тағин ўсай деб, тўкар баргини
(Чириган япроқлар озиқ-ку унга).
Кейин табиатга тўнкаб айбини,
Айлантириб олган буни қонунга...

Бу шеърда арзирли туроқ, арзирли қофия йўқ. Аммо унда фикр бор: муҳим ҳаётий ҳодиса кузатилган.

Машрабнинг Иброҳим Ҳаққулов танқид қилган «Пушкин ва Бенкендорф» шеърида ҳам шундай салмоқли фикр, ижтимоий ҳодиса қаламга олинади:

Иккисин бир тилга олмоқ—кулгили.
Лекин, замонанинг зайлини қаранг:
Бенкендорфни шоҳга битта қул қилиб,
Қулга қилиб қўйган доҳийни карам.
Оддий нарсаларга ҳам изн сўраб
Пушкин Бенкендорфга мактублар битган.
Минг таъзим, минг қуллуқ, минг
ҳадиксираб,
Сўнг эса сарғайиб марҳамат кутган.
Замон хатоларин тузатмоқ учун
Вақт деган ҳакам бордир ҳар ҳолда:
Пушкин мангуликка айланган бугун,
Бенкендорф—
Пушкиннинг хатида қолган.

Мазкур шеърдан мақсад, Иброҳим Ҳаққулов ёзганчалик, маълум ҳақиқатни шунчаки эслатиб қўйиш эмас. Ҳар бир шеърнинг ёзилган ва «ёзилмаган» қисми бўлади. Зукко шеърхон шеърнинг ана шу—ёзилмаган қисмини ҳам ўқий олади. «Пушкин ва Бенкендорф» шеърининг янгилиги, курашчанлиги кейинги—ёзилмаган қисмида. «Муин Бсису» асари эса фикрий мавжлари ва поэтик эҳтироси билан дилга ғулғула солади. «Ватаним» шеъридаги рамзий маъноларни ҳам Иброҳим Ҳаққулов эътибордан қочирган. Оқибатда, шеърни оддий баёнчиликдан иборат деб, ноўрин ҳукм чиқаради. Тўғри, танқидчи назарий жиҳатдан ҳаққоний талабларни қўяди: «Ҳар қандай шоир учун баёнчиликнинг ёмон томонлари бор. Булар: — кўпсўзлилик сўз бўёқлари ва фикр мусиқаси билан ҳисоблашмаслик. Сатрлар устида алоҳида заҳмат чекмаслик. Ва ички ҳиссий портлашлар ўрнига ўйлаб топилган фикрларга суяниб қолиш», Бизнингча, бу фикрларнинг «Ватаним» шеърига унчалик алоқаси йўқ. Чунки Машраб Бобоев:

Мен сени

Онамни тепкилардан асрагандай,
Севгилимни хиёнатлардан асрагандай,
Қизимни шабадалардан асрагандай
Асрагум, Ватаним!—

дер экан, бу сатрлар замирида бир неча маънони кўзда тутади. И. Ҳаққулов эса шоирга гина қилиб: «Қўпол бўлса ҳам айтай: одам боласининг бошида севгилисини хиёнатлардан асраш ташвиши бўлмагани тузук», дейди. Тўғри, бўлмагани тузук. Бироқ, ҳаёт ҳодисалари доимо биз хоҳлагандек кечавермайди-ку!..

Шеър яхлит олиб қаралганда унчалик мукаммал эмас, албатта Жумладан, «Кўрдингми, Мен сени Ҳар қандай эркак зотининг Ҳар қандай аёл зотини Севганидай севаман» каби жумлалар ярашиқсиз, ўринсиз ишлатилган. Яна: «Чунки сен Аёлдай ширин, Аёлдай гўзал, Аёлдай муштипар, Аёлдай мунисcан, Аёлдай хоксор. Сен — онасан» каби ғалат, пойма-пой фикрлар бор. Бу каби сатрларда, айни вақтда Ватан ҳам севгили ёрга, ҳам аёлга, ҳам онага ўхшатилавериладики, бу ҳар қандай мантиққа зиддир.

Иброҳим Ҳаққулов тўпламдаги «Кўнгилга қофия мўл...» деб бошланадиган шеър борасида ҳам танқидий мулоҳазалар билдиради. Шеър бир қарашда шунчаки айтилган, «эҳтиёжсиз» гаплардек таассурот қолдиради. Унинг эҳтиросли томони кейинги қисмида:

Яна бир қатор
Қофиялар бор:
Пул, қул, кул...
Булар —
Бир-биридан туғилар:
Пулдан—қул,
Қулдан—кул.
Кейин...
Қофиясиз қолади кўнгил.

Хуллас, Машраб Бобоев изланиш жараёнида. Шоир ижодининг ҳозиргача мавжуд босқичини якунловчи «Бағишлов» тўпламида паст-баланд шеърлар бор. У маънавий ва услубий изланишларида ҳали изчиллик, яхлитликка эришгани йўқ. Шу жиҳатдан, Иброҳим Ҳаққулов аксарият ўринларда ҳаққоний фикрлар айтган. Бироқ, Машраб Бобоев ижодини бир ёқлама баҳолаш ҳам ҳақиқатга зид бўлар эди. Зеро, унинг янги тўпламида сийқа гаплардан иборат жўн шеърлар ҳам, нозиктабъ шоирлар ҳавас қилса арзийдиган шеърлар ҳам бор.

Маҳкам МАҲМУДОВ

ЧУҚУР ҒОЯВИЙЛИК, ГРАЖДАНЛИК ВА БАДИИЙ МАҲОРАТНИНГ ЮКСАК САВИЯСИ — ПАРТИЯНИНГ, ХАЛҚНИНГ САНЪАТ АРБОБЛАРИ ОЛДИГА ҚЎЯЁТГАН ЭНГ АСОСИЙ ТАЛАБИДИР.

К. У. ЧЕРНЕНКО

НИКОЛАЙ ОСТРОВСКИЙНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ

«ЯШАШГА ОШИҚАМАН...»

Жаҳоннинг биринчи космонавти Юрий Гагарин Н. Островскийни жуда севарди. У шундай деб ёзганди: «Николай Островскийнинг ҳаёти бизнинг ёшларимиз учун ҳамиша ёрқин маёқ бўлиб қолажак». Фақат бу фикрга қўшимча қилиб, ўлмас курашчининг умри барча виждонли одамлар учун ибрат мактабидир, дейиш ҳам айни ҳақиқатдир.

Николай Островскийнинг шахсий ҳаёти, жўшқин ижтимоий ва ижодий фаолияти ўзи яратган романларининг қаҳрамонлари — Павел Корчагин, Андрий Птаха кўрсатган жасоратлардан каттароқ жасоратларга бой эди. Айни куч-қувватга, зўр ғайрат-шижоатга тўлган навқирон йигитлик чоғида инқилоб душманларига қарши аёвсиз жанг пайтида оғир ярадор бўлиш, оч-наҳор, жуда қийин шароитларда темир йўл қурилишида жонбозлик кўрсатиб соғлигидан бутунлай ажралиш, охир-оқибатда шол ва кўр бўлиб қолиш, шундай ададсиз азоблар, бошига кетма-кет тушган кулфатлардан ғолиб чиқиб, «Пўлат қандай тобланди», «Бўрон болалари»дек ўлмас романлар яратиб янги дунё курашчилари сафига қайтиш учун қандай юксак ирода, ҳеч букилмас қудратли руҳ керак! Коммунист адиб, доимо сафдаги жангчи Николай Островский ана шундай матонатли инсон эди.

Ёзувчининг «Пўлат қандай тобланди» романи автори ҳаётлигида 41 марта, 1 миллион 200 минг нусхада турли тилларда босилиб чиққан эди. Асар инглиз, чех, япон, поляк, француз, голланд, грек, булғор тилларига таржима қилинди, қардош халқлар тилларида чоп этилди (адиба Анна Караваеванинг «Дунёни забт этган китоб» асарида ёзилишича, 50-йилларнинг бошларигачаёқ роман 79 тилга таржима қилинган.) Қисқаси, «Пўлат қандай тобланди» романи Островский ғайрат билан «Бўрон болалари» трилогияси устида ишлаётган даврдаёқ совет классикаси сафидан жой олган, ёзувчининг номи эса жаҳон бўйлаб шуҳрат қозонган эди. Мана эллик йилдирки, бу ўлмас роман жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан бири сифатида китобхонлар меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб келмоқда.

Дўсти, адиба Анна Караваевага йўллаган мактубларидан бирида: «Бой берилган кунларим борасида афсус чекмаслик учун, ўртоқ Анна, яшашга ошиқаман» деган оташюрак Николай Островский ижоди билан ўзбек китобхонлари ўттизинчи йиллардаёқ кенг таниша бошлаган эдилар. «Пўлат қандай тобланди» романи ўзбек тилида ҳозиргача тўлиқ ҳолда олти марта босилиб чиқди. 1937 йили Мирзакалон Исмоилий томонидан таржима этилган «Бўрон болалари» романи ҳам қайта-қайта чоп этилмоқда. Ёзувчининг асарларини, айниқса «Пўлат қандай тобланди» романини халқимиз катта қизиқиш билан кутиб олди. Бу ҳақда Ҳамид Олимжон ўн жилдлик тўла асарлар тўпламининг VIII томида шундай қимматли маълумотлар келтирилади: «Пўлат қандай тобланди» романини ўзбек тилига таржима қилиш тажрибалари анча эрта бошланган эди. Ҳамид Олимжон романнинг тугал муваффақиятли таржимасини амалга оширди. Комсомол-шоирнинг мазкур таржимаси илк дафъа «Ёш ленинчи» газетасида (1936 йил 12 октябридан 1937 йил май ойигача бўлган сонларида) босилиб чиқди. Таржима жамоатчилик асосида бажарилган. Нашр муносабати билан газета редакцияси ўз ўқувчиларига қуйидагича тушунтириш беради: «Нишондор комсомол ёзувчи Николай Островскийнинг бу асари ўзининг қимматига яраша мамлакатимиздаги ёшлар орасида шуҳрат чиқарди. Октябрь инқилоби кунларида балоғатга етиб сиёсий ҳаётга бош урган ўртоқлар бу асарни ўқиб, ўз ёшликларини, йигитлик чоғларини, оғир кунларини эслайдилар. Шу билан бирга, бу асар инқилобимизнинг оғир кунларини кўрмаган ҳозирги ёшларимиз учун жуда катта тарбия мактаби бўлади.

Бу китоб бир марта ўзбекчага таржима бўлган эди. Лекин биринчи таржимада бир қанча хатолар кетганидан комсомол-шоир ўртоқ Ҳамид Олимжон янгидан таржима қилди. Биз, мана шу ўртоқ Ҳамид Олимжон таржимасидан босаётирмиз. Ўқувчиларимиздан бу асар ҳақида ўз фикрларини ёзиб юборишни сўраймиз» («Ёш ленинчи», 1936 йил, 12 октябрь, 147-сон»).

Яна шуниси диққатга сазоворки, асар ёзувчи тавсия этган нашрдан ўзбекчалаштирилган. Бу ҳақда Ҳамид Олимжон таржимаси қўлёзмасининг илк саҳифасига ўз қўли билан: «Н. Островский, «Пўлат қандай тобланди». Икки бўлимлик роман. Автори тавсия қилган босмадан таржима қилинди» деб ёзиб қўйган. Демакки, Н. Островскийнинг республикамиз билан, ўзбек китобхонлари билан шахсий алоқалари бўлган.

Шу кеча-кундузда улуғ инқилобчи адибнинг саксон йиллиги кенг нишонланмоқда. Республикамиз жамоатчилиги ҳам қутлуғ юбилейни муносиб байрам қилмоқда. Николай Островскийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кечалар, конференциялар ўтказилмоқда. Матбуотда мақолалар босилмоқда. 28 октябрда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи билан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Николай Островский таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб пойтахтимиздаги «Баҳор» концерт залида тантанали кеча ўтказдилар. Адабий оқшомни Н. А. Островский мукофотининг лауреати ёзувчи ва драматург Ўлмас Умарбеков очди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоир Ҳусниддин Шарипов, шоирлар — Омон Мухтор, Юрий Ковалев, Ҳамроқул Асқаров Островскийга бағишлаб шеърлар ўқидилар. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студенти Людмила Ковешникова, Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг ишчиси Раҳматулла Тўраев, Рибалко номидаги Олий танк командирлари билим юртининг курсанти Серик Ражибоев, Н. А. Островский номидаги пионерлар саройидан VII синф ўқувчиси Дилшод Ғойибназаров ўзларининг севимли ёзувчилари ҳақида тўлқинланиб сўзладилар. Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидова, республикада хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаев, актриса Наталья Печорина Островский асарлари, адиб ҳақидаги асарлардан парчалар ижро этдилар.

Ўз умрини инсониятни озод қилишдек эзгу аъмолга фидо этган одамларнинг номи, ишлари ҳеч қачон унутилмайди. Улуғ адибимиз шулардан бири. «Островский намунасидан, — деган эди Михаил Шолохов,— миллион-миллионлаб одамлар қандай яшаш, курашиш, енгиш, ўз Ватанини қандай севиш борасида сабоқ оладилар». М. Шолоховнинг ўзи ҳам дўсти, сафдоши Н. Островскийдан инсонийлик, фидойилик, сабоғини олган сиймолардан. Бу улуғ ёзувчилар бир-бирлари билан имкон топди дегунларича, фикрлашиб, ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб, мактублар ёзишиб турганлар. Уларнинг мактублари ибратли инсоний муносабатларга ёрқин мисол бўла олади. Биз қуйида Михаил Шолоховнинг Николай Островскийга йўллаган мактубларини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

Маҳмуд САЪДИЙ

НИКОЛАЙ ОСТРОВСКИЙГА МАКТУБЛАР

1

Қадрли Николай Островский!

Китобни олдим. Раҳмат. Узоқ вақт жимиб кетганим учун кечир. Мен Сочига бориб, сени кўришни, гаплашишни ўйлаган эдим, бироқ насиб этмади.

«Қулай имконият»дан фойдаланиб, «Тинч Дон»нинг 1-китобини жўнатаётирман. Охиргиси босмадан чиқиши биланоқ, шу заҳоти жўнатаман.

Менинг қизғин дўстона саломимни қабул эт. Қўлингни қаттиқ қисаман. Сенга тетиклик, саломатлик, ишда муваффақият тилайман.

М. ШОЛОХОВ
1936 й. 8 июль

2

Мактубинг, менга яхши муносабатинг учун раҳмат. Баттол китоб билан орани очди қилганим заҳоти албатта Сочига бораман. Ҳозир, иссиққа қарамасдан, ишлай бошладим. Аччиқ терга пишиб, Донга интизорлик билан боққанча ўтирибман. Виждонан айтганда, бундай ёвуз ҳавода заррача бўлсин, ишлашга рағбатим йўқ, қаёққадир — кенгликларга қочиб қолгим келди, бироқ... хотиним оёғимдан ёзув столига боғлаб қўймасайди, деб қўрқаман.

Адабиёт тарихи бизнинг биродаримизни шу тахлит разилона эксплуатация қилиш мисолларини билади.

Қайнисинглим Лидия унинг ўзига хос енгилтаклик билан куни бўйи сен ҳақингда сайрагани-сайраган, тўхтовсиз ҳикоя қилгани-қилган. Келадию, «салом» йўқ, бошқа йўқ, бошлайди: «Мана, Николай Алексеевич» ва ҳоказо, худди «Максим»дан ўқ ёғдиргандек тўхтовсиз икки соатларча гапиради. Даҳшат, бизнинг сокин уйимизда нималар содир бўлганини бир тасаввур этиб кўринг! Сизга шуни айтишим зарурки, ўр. бригада комиссари, сиз тўшакда ётганингиз қўйи ҳам ҳимоясиз қизларнинг юрагидан ураётирсиз, бу яхши эмас, агар учрашганимизда хотинингизга баъзибир нарсалар ҳақида шипшитиб қўймасам, мен мен эмасман!

Қаттиқ қучаман, қимматли Николай, ва энг эзгу истаклар тилайман. Тезда учрашгунча. Бундан умидворман. Онангга ва барча яқинларингга менинг қалб саломларим.

М. ШОЛОХОВ
14. 8. 36

3

Қадрли Островский!

Дўстона эътиборинг, мактубинг учун раҳмат. Сенинг узоққа бормаслигинг ҳақидаги гап-сўзларни, шундай ҳолларда айтиладиганидек, таажжуб билан итқитиб ташлайман ва бутун қалбим билан сенинг қаримасдан кексалик ёшларида ҳам яшашингни истайман.

Сочига, афтидан, боролмайман. Москвада эса муқаррар кўришамиз!

Шу ойнинг охирларида мен ҳам ўша ёққа, бир икки ҳафта бўлиш учун, жўнайман ва ўшанда ҳам кўришамиз, ҳам гаплашамиз. «Бўрон болалари»ни ҳам ўша ерда ўқийман. Ҳозир бўлса боролмайман.

Шу ойда қора терга тушиб ишлаш керак. Агар «Тинч Дон»ни тугата олмасам — бутун ёруғ оламга ёлғончи бўламан, бундай истиқбол эса менга табассум ато этмайди. Москвага бориб келдим, урушга қарши конгрессга боришдан мени озод қилишларини йиғламоқдан бери бўлиб сўрадим (...) ва мана, яна стол ортидаман, узоқ кечгача «бажармаган нормамни қоплаш» билан бандман, эрталаб туриб ёзганларимни ўқирканман, бошимни чангаллашдан бошқа иложим қолмайди... Бу ёзувчилик туйғулари сенинг ўзингга ҳам маълум, бинобарин, уларни битиб ўтириш ортиқча.

Бизникилар ҳаммаси сенга ва яқинларингга таъзим қиладилар, мен бўлсам сени қучаман ва қўлингни қаттиқ қисаман.

Сенинг М. ШОЛОХОВинг
2.Х.36 й. Вешенская

АВАЗ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Омон МАТЖОН

Агар халқимга манзур
армуғоним,
Берай ўйланмайин икки жаҳоним.
Менга халқим эрур
ишонч-имоним,
Фидои халқим ўлсун
танда жоним,
Бўлуб қурбон анга руҳи равоним.

Зуғум айлаб азиз жонларға
гардун,
Қуёш хору боиззат эрса учқун
Исён барқи бўлсун юракка
мазмун,
Гар ўлсам дарбадар
мазлумлар учун,
Будур мақсуди қалби нотавоним.

Дилим армонидур эл
чеккан армон,
Эл орзуси манга, энг
олий фармон,
Элга муҳаббатдир
танамдаги жон,
Мани солса фано йўлига даврон,
Юрур устимдин авлоди замоним.

Миллатнинг боладир тақдир
лоласи,
Қалқмасун чашмиға заҳмат
жоласи,
Будир келгувсининг
бизга ноласи,
Умидим: яшасин мактаб боласи,
Алар ҳар бири бир шери жаҳоним.

Ватандир одамга бир
муборак нур,
Бахт ани айламак
жаҳонға машҳур
Иш тушса бошиға,
муддао мазкур:
На яхши, ўйлаким маъқулу
манзур,
Аваз, халқим учун тўкилса
қоним.

Мангу эъзоз. С. МАҲКАМОВ фотоси

ШИНГИЛ ШАФАҚЛАР

Толиб ЙЎЛДОШ

Оламни пуштипо уриб яшардим,
Афсус иложим йўқ нўноқлигимдан.
Дўстларим истеҳзо билан қарашар,
Хабаринг йўқми деб, қўноқлигингдан?
Ҳа, шундай ўтириб тураман, дардим —
Ичимда,на чора ўзим йўлдаман.
Кўнгилни бўшатиб туриш ҳам керак,
Валдираб қўяман ўлда-жўлда ман.

●

Куз келгач тўкилиб варам япроқлар,
Қимнингдир йўлига гилам тўшайди.
Кутгани келарми, ўтарми босиб,
Бу ўксиз ҳазин куз кимга ўхшайди?
Қандай яшиллигин заъфарон рангга —
Алмашиб бағрини бунча кенг қилди.
Табиат, ажабо, осмон эди-ку,
Не учун ўзини ерга тенг қилди?

●

Қизларни севаман қайсики содда,
Бепардоз, бемода кийинганларни.

Турмушни тушунган, ўта бардошли
Заҳматкаш, тиниқиб қуйилганларни.
Севаман, севгининг қиммати ҳам шу,
Қизлик назокати, поклик шуларда.
Ой ҳам ўз ҳуснини шундай кўз-кўзлар
Зимистон тунларда, ой-шуълаларда...

●

Болаликнинг сарҳисоби йўқ,
Поёни бор бироқ ўйласам.
Ким нечукдир таъқиб қилгудек,
Бугун болалик-ла ўйнасам.
Амакиман тўғри, иложсиз,
Йўлдан суриб қўйилган тошдек.
Уйчан суқли қарашим қолмас,
Болаликка ҳайкалтарошдек...

●

Мен оддий одамлар учун яшайман,
Содда, камтарлик-ла ҳамдард,
ҳамнафас.
Шон-шуҳрат қурбони бўлиб оқибат,
Қуруқ ёғоч мисол қақшамасам бас...

ХУШЧАҚЧАҚ ОДАМ

ГИЛАМ дўппини хиёл қийшайтириб, кўзойнак устидан сизга қараб саволомуз ва шўх жилмайиб турган кишини кўрсангиз, «шу Адҳам ака», деяверинг. У киши Насриддин афанди-нинг ўғлининг қизини неварасининг чевараси, деганларидек уруғ-аймоғи бўлса ҳам ажаб эмас... Унинг «ичак узди» латифаларини эшитганлар шундай дейди. У кишини бир марта кўрган бўлсангиз, номини эшитган ҳамон қилиқларини, айтганларини эслаб хохолаб куласиз. Кўз олдингизга паст бўйли, сал оқсоқланиб юрадиган, оддий ҳаракати ҳам одамнинг кулгисини қистатадиган кишининг қиёфаси келади.

У билан фақат фарғоналикларгина эмас, олис-яқиндан — Европа, Осиёдан келган сайёҳлар ҳам суҳбат қуришади. Франциянинг машҳур ёзувчиси ва журналисти Андре Вюрмсер, ҳинд шоираси Амрита Притам, Вьетнам граждани Фан Ти, атоқли совет ёзувчилари Константин Симонов, Чингиз Айтматов, СССР халқ артисти Борис Андреев ва бошқа юзлаб Ўзбекистонга ташриф этган меҳмонлар унинг суҳбатидан яйраб кулганлар.

Андре Вюрмсер ўзининг «СССР очиқ кўнгил билан» деган китобидаги Адҳам ака оиласига бағишланган очеркида унинг тўғрисида шундай ёзади: «Адҳам паст бўйликкина, жуда ҳушчақчақ бир одам. Кўпни кўрган, кўп нарсага ақли етади. Кўпинча кулгили образларни, воқеа-ҳолатларни қилиб,латифалар айтиб одамларни кулдиришни яхши кўради. Диккенсни таржима қилиш қанча қийин бўлса, унинг гапларини таржима қилиб, ўзиникидек чиқариш ҳам ғоят мушкул. Лекин Диккенс сингари Адҳам сезгир ва жиддий бўла олади, бу қўлидан келади...»

Кунлардан бир кун Константин Симонов Адҳам аканинг уйида меҳмон бўлди. Шунда, мезбон меҳмонга самимият билан қуйидаги «Навоий шаҳримизга келаётганмиш» латифасини айтиб берди:

Бу воқеа ҳазрати Навоийнинг беш юз йиллик юбилейи нишонланаётганда бўлган. Ҳа, ишонаверинг ёлғони йўқ, бўлган воқеа. Шу денг, юбилейни ўтказиш тадбирлари белгиланган, комиссия тузилган, тайёргарлик учун пул-маблағ ажратилгану пул йўқ. Банк бўйруқларни тан олмайди, махсус ҳисоб очиш керак.

Юбилей комиссиясининг котиби аканг қарағай охири бунинг йўлини топди. Ижроқўмбува қабулига кириб, масалани қўндаланг қўйдим.

— Хабарингиз бор, Чўнг бува, ҳазрат Алишер Навоийнинг тўйлари яқин. Бутун Ўзбекистон бу кунни мунтазирлик билан кутяпти. Биз бўлсак, ажратилган пулни ололмай, тайёргарлик кўролмай ўтирибмиз. Нима қилишимизни билмаймиз. Ҳазрат Навоий бўлсалар Ҳиротдан кеча Тошкентга келиб тушибдилар, эрта-индин бу ерга етиб келадилар. Энди ўзингиз бир оталик қилиб юбормасангиз...

Ижроқўмбува шошиб қолди.

— Домла Навоий Тошкентга етиб келадилару индамай ўтиравердингизми! Дарров олдимга кирмайсизми, тўғрилаб бермайманми! Мана!.. Биттамас, иккита қўл қўйиб бердим. Пулни бетўхтов беришади. Олингу тайёргарликни тезлатинг. Бундақада уятга қолдирасиз-ку одамни...

Адҳам ака К. Симоновни Қувадаги колхозлардан бирига олиб боради. Бир маҳал раис Адҳам акани меҳмонхонадан имлаб чақирди. Адҳам ака ташқари чиқади. Уч-тўрт одам хизмат қилиб турган эди, шуларнинг олдида раис Адҳам акадан сўрайди.

— Меҳмонларнинг кўнгли нимани тусайди? Палов қилайликми, ё жамбил шўрва солдирайликми? Агар аччиққина шавла бўлсин десангиз яна яхши...

Адҳам ака одатича кулимсираб четга қарайди, кейин ҳаммага эшиттириб сўрайди:

— Қозонинглар биттами?

Ошпазлар шарақлаб кулиб юборишади...

Ана шу учрашувда Константин Симонов у билан хайрлаша туриб беҳазил дейди:

—Адҳам ака, сиз пишибетилибсиз. Сиздан ажойиб ёзувчи чиқади. Умрингизни бунақа беҳуда ўтказманг. Бир йилда битта яхши роман ёзишингиз мумкин...

—Сизга ким айтди: «Унинг асари йўқ» деб! Меннинг шундай романларим борки... — Адҳам ака бу гапни астойдил айтди, кейин қўшиб қўйди, — сизлар, беш йиллаб қийналиб, қайта-қайта кўчириб, чизиб-ўчириб битта роман ёзасизлар... Мен хоҳласам, бир кунда биттасини тўқиб ташлайман. Фақат, — у кулди, — оғизда!

Академик шоиримиз, Ленин мукофоти лауреати Ғафур Ғулом тўрт томлик китобининг биринчи томига қуйидаги дастхатни ёзиб Адҳам акага тақдим қилган эканлар.

«Қимматли укам Адҳам Ҳамдамга! Дилимдаги энг олий ва қондош-қариндош туйғуларимни шу китобга қўшиб сенга тақдим қиламан. 24 март 1957 йил. Ғафур ҒУЛОМ».

Бу дастхатдаги «қондош-қариндош туйғуларимни» деган сатрларга эътибор бериб-а. Ҳа, Адҳам ака асли тошкентлик. Лекин ўзидан сўрасангиз, даврага қараб туриб, дам фарғоналик, дам самарқандлик, дам тошкентликман, дейди. Бу гапда ҳам озми-кўпми жон бор.

Адҳам Ҳамдам йигирма икки ёшида Самарқанд университетида ўқиб юрганида гўзал шеърлар ёзган, оғизга тушган шоир бўлган. Ўқишни битиргач, бир неча йил Садриддин Айний домлага котиблик қилган. СССР Ёзувчиларининг биринчи съездида М. Горький билан учрашган.

— Ўшанда яхшигина ёзувчи эдим-а, — дейди Адҳам ака афсусланиб эмас, кулиб туриб. — Энди кимман? — Яна ўзига-ўзи жавоб беради: — Ёзмайдиган ёзувчи!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Адҳам Ҳамдамнинг асл касби журналист. У киши немис фашистларига қарши курашда Ўзбекистон халқ ёзувчилари Назир Сафаров, Иброҳим Раҳим ва Адҳам Раҳмат, Назармат каби касбдошлари сафида бир қўлида қалам, бир қўлида қурол билан қатнашди.

У йилларни эслаб жанг-чи-журналист бундай дейди:

— Аския, ҳазил-мутойиба одамларни ғамгоҳликдан, тушкунликдан бир дам бўлса-да халос этади. Енгил кулги, ҳушчақчақ кайфият бизга ота- буваларимиздан, қолаверса, Насриддин бобомиздан мерос қолган. Халқимиз азалдан кулги шайдоси. Шунинг учунми денг, ё қонимда борми, билмайман, фронтда, окопларда, жанглардан кейинги бироз ҳордиқ чиқариш вақтларида тинч юрмасдим. Жанг эпизодларидан латифа айтиб солдатлардан тортиб генералларгача кулдириб юрардим.

Адҳам аканинг бу гапларининг нақадар тўғрилигини далиллар, ҳужжатлар билан ҳам тасдиқлаш мумкин. Биринчи ўзбек совет генерали Собир Раҳимов туғилган куннинг 75 йиллиги муносабати билан матбуотда бир қанча мақола ва фотосуратлар эълон қилинди. Мана, қўлимизда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1977 йил, 12 февралда чиққан сони. Тўртинчи саҳифадаги фото остидаги ёзувни ўқиймиз: «Суратда: 1945 йил. Иккинчи Белоруссия фронти. Генерал Собир Раҳимов ҳарбий мухбир Адҳам Ҳамдам билан ...»

Дарҳақиқат, ўзбек генерали ёш ҳарбий мухбир Адҳам Ҳамдамнинг ишчан ва сўзга усталигини жуда ёқтирар эди. Айниқса, бунга қуйидаги воқеа сабабчи бўлгани ҳам эҳтимолдан холи эмас.

—Бир куни бугдойзорни оралаб бориб, бир фриц соқчисини асир олдик, — дейди Адҳам ака. — У лаънати ўларча кўппак ва ўжар экан. Қочиш ва жон сақлаб қолиш учун йўлда бир-икки уриниб типирчилаб кўрди. Шунда шарт пичоқни олиб шим камарининг орқа томонини кесиб ташладим. Шундан кейин икки қўли банд бўлди-ю, хархашани бас қилиб, олдимизга тушиб силлиққина келаверди.

Фашистнинг бу ҳолатини кўрган жангчиларимиз ва командиримиз: «Асир фақат қўлини кўтариб келарди, белини ушлаб келадигани ҳам бораканми?» деб роса кулишди.

АДҲАМ ҲАМДАМ Улуғ Ватан урушининг бошидан то гитлерчилар устидан жаҳоншумул ғалаба кунигача қатнашди. Ҳарбий журналист, ўз сўзи, қалам сеҳри, оташин шеърлари, одамларни кулдириш маҳорати билан совет аскарларини ғалабага ундади. Жанг майдонида нималар бўлмайди, дейсиз. Ёв билан юзма-юз олишди. Хуллас, фронтдан иккита «Қизил Юлдуз» ордени ва бир неча жанговар медаллар таққан ҳолда лейтенант ҳарбий унвони билан қайтиб келди. Сўнг ўзини бутунлай журналистикага бағишлади. Дастлаб Андижон область «Коммунист» газетаси редакциясида ишлади. Бир неча йил республика «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Совет Ўзбекистони») газетасининг Фарғона области бўйича мухбири бўлди. Сўнг Фарғона область «Коммуна» газетасининг бош редактори ва редактор ўринбосари вазифаларида ўн беш йил ишлади.

Бу йиллар давомида Охунжон Ҳакимов, Йўлдош Сулаймонов, Дониёр Эргашев, Турсунбой Маҳмудов, Малика Мирзаева, Адҳам Олимов каби шоир, ёзувчи, журналист шогирдларига раҳнамолик қилди.

Марғилонлик машҳур халқ қизиқчиси Юсуфжон қизиқ Шакаржонов: «Мен сизлар билан бирга-бирга кулишгани, Сизларни кулдиргани дунёга келганман. Кулинг, дўстлар, умрингиз узоқ бўлади», деган эди. Адҳам аканинг ҳам нияти шундай. Буни ёзган мақолаларида, ҳажвияларида, китобларида ўқиганмиз. Лекин, ҳаммадан ҳам қизиқ сўз, латифаларни қойил-мақом қилиб, оғзаки айтганда унга тараф йўқ.

Аллома шоиримиз Мақсуд Шайхзода «Чорак аср девони» китобидаги дастхатида мутлақ ҳақ гапни ёзганлар:

«Адҳам Ҳамдам инимизга! Қўлингиздаги китоб 25 йилнинг маҳсулию, аммо сизни билганимга шунча йил бўлди.

Энди нима қилмоқ керак? Ҳаёт ва Ҳаёт!»

Ҳа, одамларга мазмунли, фаровон, ҳушчақчақ ҳаёт керак. Жумладан сизга ҳам Адҳам ака! Доим ҳушчақчақ, одамларни кулдириб юринг, устоз!

Бекмирза МАҲМУДОВ

Эътибор ОХУНОВА

ГЎДАК

Сен шундай дунёга келдинг болажон,
Дунёга келдилар тонглар, аллалар...
Шоир эди, мусаввирга айланди бу жон,
Дафтаримда ранглар, оппоқ шуълалар.

Чеҳрангда борлиқнинг минг рангин,
Бор турфа сувратин чизаман.
Кўнглим ҳам осмондир, ҳув янги
Қамарга қўлимни чўзаман.

Кўкда ой сайрини бошлабди,
Сочилган мунчоқдир юлдузлар.
Кумушранг нуридан тикай чойшаблар,
Офтобга чўмилган кундузлар.

Қошингда уч онанг парвона.
Бири — мен умрбод фидойинг.
Бири — нурли тупроқ, туғилган жойинг,
Бири — инсонпарвар замона.

Уч она, уч ғамхўр, уч алла,
Уч фидо, уч нидо қошингда.
Сен учун тоғда қор, қирларда ғалла,
Қуёш ҳам меҳнатда бошингда.

МЕҲР

Инсон, меҳринг турғизди йиқилган онларимда,
Ҳамдардлигинг қўлимга асо бўлди, таяндим.
Сенинг мурувват, сўзинг айланди қонларимда,
Қаноти йўқ бир кимса, сар лочинга айландим.

Ушал меҳрли кўзлар гўшамда чироқ ёқди,
Сеҳр бир қаср эди мен ҳоқондек сайландим.
Бемадор белларимга кумушдан камар тақди,
Сеҳр-дунё, мен бахтли бир сайёҳга айландим.

Инсонлик — мамлакатдир, меҳр унинг султони
Мен ўша меҳри борнинг адосиман умрбод:
Ки воз кечдим меҳрни пулга сотар дўстлардан,
Меҳрли душманимнинг гадосиман умрбод.

ЛОҚАЙДЛИК

Қўлтиқ таёққа суяниб кимдир ўтаётибди,
Сирқирайди замин, йўқ, дил сирқирар зарбидан
Ким шошқалоқ ногиронга ҳеч йўл бермаётибди,
Туртиб ўтди... узр ҳисси йўқдир унинг қалбида

Билмас, у тутган таёқмас — Қизил байроқ дастаси,
Дўстим айтгил, бу ҳол қайси лоқайдликнинг хатоси?
Мангу олов қаршисида ўйнаб, шитоб ўтса ким,
Жувонмард ул йигит ёдин олмаса гар хаёлга.

Бева қолган келинчакка такрор оғу тутса ким,
Масту аласт сўз ташласа ёлғиз ўтган аёлга,
Унутса гар, аёл ахир ўзининг ҳам онаси,
Дўстим айтгил, бу ҳол қайси лоқайдликнинг меваси?

Зув-зув этди-ю, оёққинам остига қуш қулади,
Уқдан унган баҳодирни шу дам қолдим хотирлаб.
Шўх болакай дўстларига мақтанарди, куларди,
Қуш ётарди камон зарбидан чалажон, патирлаб.

Ўргатмабмиз табиатни, қушчаларни севишни,
Дўстим айтгил, балки бу ҳам арзимаган юмишми?
Суянармиз адолатга, суянармиз саботга,
Заҳматларда етиштириб эзгуликнинг мевасин,

Бир бор жазосиз қолса гар мевага тошлар отган,
Бир бор тош отган қўл агар вақтида қайрилмаса,
Юрак боғлари минг бора хазонлар ичра қолмасми,
Дўстим айтгил, бундай ҳоллар бизларда учрамасми?

Сирлашув... Т. ГОРЯЕВА фотоси

куюнчак газетхонлардан хатлар

ТОҒЛАР

ТОПТАЛМАСЛИГИ КЕРАК!

Ҳурматли редакция! Яқинда йўлим Ургут райони территориясида ястанган Омонқўтон тоғларига тушган эди, уларни кўриб бир оз ранжидим. Тўғри, аввал бу ердаги ўйноқи чашмалар, баҳайбат дараларни томоша қилиб мафтун бўлдик: она табиатнинг меъморлик санъатига тан бердик. Аммо сал ўтмай бу гўзал тоғлар эгасиз қолганлиги ва турли кишилар томонидан топталаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Катта булоқ бўйида бир тўда каклик овловчиларга дуч келдик. Уларнинг каклик тутиш усули ҳам ўзига хос экан. Бир неча кун арақ ичига солиб қўйилган буғдой донини чашма бўйига сепиб қўйиб, ўзлари яширинib олишаркан. Сув ичгани келган каклик аввал донни териб еб, устидан сув ичаркан ва «маст» бўлиб қоларкан. Ҳалиги «дружиначилар» эса панадан чиқиб, какликларни ушлаб олишаркан.

— Нима қиласизлар бунча какликни ушлаб, — қизиқдик биз.

— Сотамиз, — дейишди қисқагина қилиб улар.

Юқорироқда яна бир неча киши тўр билан каклик овлаётганликларини кўрдик. Инспекторларга хабар бериш учун пастга тушдик, аммо на табиатни муҳофаза қилиш жамияти, на ўрмон хўжалиги, ва қишлоқ Совети бу ерга бирорта қоровул қўйишибди! Ҳалиги овчилар кўз ўнгимизда бир халта какликларни машинага солиб, бозорга олиб кетишди.

Бу ердаги маҳаллий аҳоли тоғларни томорқа қилиб бўлиб олишаётган экан. Бу — ҳеч қайси қоидага сиғмайди. Омонқўтонлик айрим кишилар ярим гектаргача ерни ўраб олиб, баҳорда у ердаги равоч, лола ва бошқа шифобахш гиёҳларини бозорларга олиб бориб сотишаркан, лекин ҳеч ким уларнинг мушугини «пишт» демаскан.

Омонқўтон тоғларининг дуч келган жойига Самарқанд шаҳридаги турли ташкилотлар пионер лагерлари, дам олиш зоналари, айрим кишилар эса шахсий чорбоғлар қуришган. Бизнингча, бу масалада тартиб бўлиши лозим. Область ўрмон хўжалиги, район Совети ижроия комитетининг рухсатисиз бундай жойларда қурилиш ишлари олиб бориш мумкин эмас. Фикримизча, Омонқўтон тоғларининг юқори қисмини қўриқхонага айлантириш зарур ва у ерларни турли браконьерлардан ҳимоя қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Худди шу ўринда Омонқўтон тоғлари баҳонасида республикамизнинг бошқа тоғларини ҳам ҳимоя қилиш борасида айрим мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз. Тошкент, Самарқанд областлари, Сурхон воҳаси, Фарғона водийсида бундай жозибали зоналар жуда кўп: Боботоғ, Туркистон, Чотқол, Тиёншон тоғлари республикамиз фахри ҳисобланади. Лекин билишимизча, бу тоғлардаги жониворлар ва ўсимликлар дунёси етарлича ҳимоя қилинмаяпти. Тоғлардаги архарлар, какликлар, кўзойнакли илонлар, ёввойи эчкилар ва шифобахш ўсимликлар ҳимоясиз қолмоқда. Бу борада бутун жамоатчилик қайғурмоғи, ташвиш тортмоғи лозим. Ана шу тоғларни ҳимоя қилишни ўрмон хўжалиги ёки ўша территориядаги қишлоқ Советларига топшириш зарур деб ҳисоблаймиз. Тоғларни яшартириш борасида Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти ҳамда Бахмал ўрмон хўжалиги коллективлари амалга ошираётган ишларни кенг тарғиб этиш зарур. Бу ташкилотлар тоғ ёнбағирларига мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиб ёнбағирларни ўрмонзор ва боғларга буркадилар. Аммо бу тажриба негадир жуда суст жорий этиляпти. Тоғларни боғларга буркашга ҳозирдан киришиш, лойиҳалар, кўчатлар тайёрлаш борасида қайғуриш керак. Айни пайтда бу жойларга ёнғоқ, бодом, арча, олма, сингари мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиш катта аҳамиятга эга.

Хуллас, республикамиз фахри бўлган пурвиқор ва бетакрор тоғларни ҳимоя қилиш, бойитиш ҳар бир кишининг, бутун жамоатчиликнинг вазифасига айланмоғи даркор.

Р. ШАРОПОВА,
биолог

Чўлпон ЭРГАШ



ГУЛЗОР

Агар ер юзида биргина оқ гул
Ё фақат қизил гул ўстириб инсон,
Узга ранг гулларни қуритса буткул,
Боғбон демас ҳеч ким уни ҳеч қачон.
Кўринг, атиргулдан то гули беор
Кўзларим ўйнатиб, яшнар жамул-жам.
Ҳар гиёҳ бошида парвона баҳор,
Онадир табиат зарпечакка ҳам.
Шуларни ўйласам, юртимда бу кун
Гулзор кашф этгандай эллар —
биродар.
Баҳор, бошимиздан кетма сен бутун,
Табиат, она бўл бизга баробар!
Шу ният, боғимга келганда баҳор,
Ардоқлайман ҳар бир чечакни, огоҳ.
Токи кенг бу гулшан бўлиб тангу тор
Қирилиб кетмасин бирорта гиёҳ!

СЕВГИ БЎЛСАМ

Бу кўрк, камол билан сени чарх гардун
Яратган бўлсайди синглим ўрнида,
Чидолмай бу хўрлик — аламга у кун,
Ениб кетар эдим рашкинг ўтида.
Сен Ватансан аммо, ташлаб ҳар кимга,
Кетиб бўлмас, ахир ёниб хотиржам.
Куйиб, кул бўлсам-да, кулимдан яна
Бош кўтаргум мағрур гул бўлиб
шу дам!..
Гўё сени кўрмас ўзгалар бироқ,
Бош кўтармас ипак қуртлардай улар:
Бири ухлар, бири даҳа ер ютоқ,
Бирлари, пилламас, фақат пул ўрар.
Оҳ, бир кун ўтингда куйиб фурқатда,
Гулмас, севги бўлиб яралсайдим, то
Кўзларини очиб улар ҳам катта,
Ишқингда номусдан бўлсалар фидо.
Кўзгу бўлиб шундай асрий бу армон,
Таниб сен ўзингни унда чинакам,
Билардинг, сабримга келтириб имон,
Қандоғам дард билан севганимни ҳам.

МАҲМУД ДАРВИШ МОНОЛОГИ

I

Балки ярим кеча...
Балки саҳар олди....
Балки саҳар...
Балки...
Миқ этмайди соат ҳам.
Босиб келар сукунат бадтар.
На бир фикр келади,
На келаман бирон фикрга.
Қутурган итдан қўрқиб,
Тилдан қолган йўловчидай
Қотганман беҳуш.
Қўлларимда оғир бир тош каби
Қотиб қолган қалам...
Нега лом демайди юрак?
Нега тош бардош?
Нега тўкилмайди қоғозга шеър —
Сийналарга тўкилмовчи қотган
ёш каби?
Нега бундай?
Икки кафтим орасида
Бир ҳовуч сувдай
Музлаб қолган мисоли бошим.

II

Тўлиб келар нимадир шу он
Шундоқ тошбағир,
Шундоқ қасоскор,
Шундоқ безабон...
Эҳ,
Гапир, шеър бўлсанг агар
Очиқ-ойдин гапир!..
«Оҳ!» дейди,
Гапирмайди.
Охир мени қилади банди.
Тўлғонаман асир...
Нима қилай бу ҳолда?
Қандоқ?
Бандиларнинг иши-ку, асли,
Кишанларни синдириб отмоқ!..

III

Судраларди тун ҳам машриққа,
Ўт олади этаги.
Сабру қароримга қора ҳайкал, —
Епилади кеча эртаги.
Бош кўтарар секин сукунат,
Мисоли қуёш.
Тоғ бошида қуёш гул терар,
Яна бетоқат.
Қуёш дийдорига шошар тириклик.
Асир қалбим сатрларга тўлиб, —
Саф-саф бўлиб.
Шеър бўлиб сукунат,
От қўяди қуёшга:
«Дупуррр...»

ЛЕНИНГРАДДАГИ ФУРҚАТ ДАСТХАТИ

ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

ЗОКИРЖОН ФУРҚАТНИНГ ўз қўли билан кўчирган бадиий асарлари, рисола ҳамда насрий мактублари республика Давлат архивида, турли қўлёзма фондларида сақланиб қолган, дастхатининг айрим намуналари (фотосурат шаклида) шоирнинг «Танланган асарлар»ида ҳам босилиб чиққан. Шундай бўлса-да, ҳар бир янги топилган дастхат муҳим илмий-маърифий қимматга эга бўлиб, муайян конкрет асарнинг юзага келиш тарихини ўрганишда, унинг ёзилиш сабабларини белгилашда, ижодкор биографияси ва ижтимоий-ижодий фаолияти саҳифаларига аниқлик киритишда тадқиқотчига кўпгина ишончли маълумотлар беради.

СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими қошидаги қўлёзмалар фондида бир қанча ўзбек ижодкорларининг дастхатлари мавжуд. Унда, жумладан, Д21, 7 рақами остида Зокиржон Фурқатнинг йирик бир шеърий мактубининг асл нусхаси сақланмоқда. Катта ҳажмли бир варақдан иборат дастхат учун махсус ишланган қалин муқова устига машҳур шарқшунос олим — академик Александр Николаевич Самойлович (1880—1938) қўли билан араб ҳарфларида «Ашъори Фурқат» деб ҳамда рус тилида «Тошкентлик ўз дўстларига бағишланган шеър. Стамбулда — «Миллат боғи»да ёзилган» сўзлари битилган. Бу бошдан-оёқ чуқур ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган машҳур «Сабоға хитоб» асаридир. Унда оташин қалбнинг айрилиқдаги изтиробли, руҳий кечинмалари романтик бўёқларда самимий ва таъсирчан очилган. Шеърий сатрларда номлари саналган ўттизга яқин «ёру ошнолар»у энтикиб тилга олинган «сўри» ва «ҳавзлар» ҳам, «равонлик катта айвонлар»у дўстлар тўпланадиган мадраса ҳужралари ҳам она юртнинг реал бир бўлаги — Ватан рамзи сифатида гавдаланади ва шу боисдан уларни эслаш, улар томон талпиниш чин ватанпарварликнинг табиий кўринишида айланади. «Рум аро мусофирликда» тушиб қолган шоир «боди сабоға хитоб» қилар экан, зудлик билан «ўзини Тошканд шаҳрига етказришини», у ердаги қадрдонларга «саломи ожизона» топширишини илтижо қилади. Бугина эмас. Шоир боди сабога ёлбориб:

Тўкуб ёш қолмасун юз сурмаган ер!
Кўзунгга ҳоки пойин тўтиё қил! —

дея нидолар қилади.

Фурқатнинг чет элда битилган бу шеърий мактуби тезда шуҳрат тутади: қўлдан-қўлга ўтади. Тошкент қўлёзмалар фондларида ҳам унинг ишончли нусхалари бор. Аммо шоирнинг ўз қўли билан оққа кўчирилган бу асари қандай тақдир билан машҳур Ленинград қўлёзмалар фондига тушиб қолди? Бу воқеанинг ўз тарихи бор.

Ўзбек адабиёти тарихи бўйича, хусусан, Отойи, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур ҳақида ҳануз қимматини йўқотмаган илмий ишлар муаллифи А. Н. Самойлович қўлёзмаларни тўплаш соҳасида ҳам таҳсинга лойиқ ишларни амалга оширган. Худди шу рус олимининг ташаббуси ва меҳнатлари туфайли асримиз бошларида ўзбек маданияти тарихига оид кўплаб нодир қўлёзмалар жамланган ҳамда Петербургдаги Осиё музейи фондига топширилган.

Фурқат асарининг биз сўз юритаётган дастхат нусхаси ҳам А. Н. Самойловичнинг тўпловчилик фаолияти туфайли бизгача етиб келган. Самойлович 1908 йил, 19 октябрь санаси қўйилган «Ўрта Осиё-турк адабиётидан материаллар» номли мақоласида (у 1910 йили Санкт-Петербургда «Рус археологик жамияти Шарқ бўлимининг қайдлари» XIX томида босилган) ўзбек адабиётига оид бошқа қўлёзмалар қаторида Фурқат автографи ҳақида ҳам маълумотлар келтириб, дастхатнинг қуйидаги тавсифини беради:

«28-қўлёзма. (Қоғоз формати — А. А.) 35х22. Тошкент, 1908 йил баҳори. Хўжа Аҳрор мадрасасидан Мулла Камолиддиннинг туҳфаси. Кўк чизиқли рус оқ қоғози устига чизиқсиз бошқа қоғоз ёпиштирилган. Ҳудди шу қоғоз юзи фарғоналик машҳур шоир Фурқат (Мулла Камолиддин маълумотига кўра) қўли билан қамиш қаламда ёзиб тўлдирилган. Фурқатнинг ўз қўли билан ёзилган бу шеърий мактуби Истанбулдан номлари шеърда санаб ўтилган тошкентлик дўстларига йўлланган. Шеър маснавий шаклида ёзилган. (Дастхатнинг — А. А.) бошланиши:

«Саргашта саҳрон ғариб Зокиржон Фурқатнинг бир кун Истанбулда «Миллат боғчаси»да ўлтуруб боди сабоға хитоб бирлан Тошканддаги аҳобларига салом сўйлагани:

Бу гулшанки, насими файзи рабдур,
Гули хулқу ҳаё бирла адабдур.
Зиҳи боғеки, «Миллат боғи» дерлар,
Ҳўтан мушки қаро туфроғи дерлар.

Мактубда жамъи 130 байт бор. Сўнгги байт:

Будур сўз, эй сабо, зинҳор-зинҳор,
Тугонди сўз ва лекин шавқ бисёр.

Номлари фаромуш бўлган биродарларга хоссаи саломларим бордур. Аммо, на чораки, аксарлари номлари китобат чоғи фаромуш ўлуб, хотирға келмади, маъзур тутқайлар. Ёзилди бу мактуб доруссалтана Истанбулда...»

Маълумки, 1891 йилнинг кузида Истанбулга келган Фурқат 4-5 ой давомида бу шаҳарда истиқомат қилган. Сўз юритилаётган шеърий мактуб 1891 йил охирлари ёки 1892 йил бошларида ёзилган. Академик А. Н. Самойлович унинг ҳажмини кўрсатишда кичик чалкашликка йўл қўйган — шеърий мактуб, автографда тадқиқотчи кўрсатганидек, 130 байт эмас, балки 140 байтдан иборат. (Назардан четда қолган ўн байт қоғознинг орқа бетига битилган.) Бинобарин, уни Фурқатнинг шу кунга қадар бизга маълум шеърий асарларининг энг йиригидир, деб айтиш мумкин. Қора сиёҳда чиройли ва равон ёзилган дастхатнинг фақат букланган жойларидагина айрим ҳарф-сўзлар ўқиб бўлмас даражага келган. Қуйидаги тўқсон саккизинчи байт эса кейинчалик номаълум шахс томонидан бошқа ранг сиёҳ билан ўчирилган:

Ки анда Авлиёхўжа мабодо
Ўтирган бўлса қилма ошкоро.

Ленинград фондида сақланаётган дастхатнинг илмий аҳамияти ҳақида шуни айтиш кифояки, шеърий мактубнинг бошқа манбалар асосида шу кунга қадар эълон қилинган нусхаси фақат 100 байтдангина иборат эди, холос. Дастхатдаги нашрларга киримай қолган 40 байт ҳам ғурбат азоблардан нолиш руҳида ёзилган бўлиб, она юрт соғинчи ва унга талпиниш, ватандошларига ҳурмат-садоқат, чин инсонийликни улуғлаш ғоялари билан суғорилган. Айни замонда, бир қанча байтларда ўз сафарининг келгуси режалари ҳақида сўз юритадики, бу шоир таржимаи ҳолини тўлароқ ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, мавжуд нашрлардаги:

Дебон мандин анга юз минг дуолар,
Ўтур олдида айтиб марҳаболар —

мисралари ортидан дастхатда қуйидаги байтлар мавжуд:

Қулоғинга дегин очиб забонинг,
Ўшал Фурқат деган аҳбоби жонинг.
Дилида бор экан бир муддаоси,
Муяссар ўлғай ўлса ҳақ ризоси.
Яқин фурсатда мақсудиға еткай,
Насиб ўлса Мадина сори кетгай...

Дастхатдаги қуйидаги мисралар ҳам нашрларимизда учрамайди:

Кириб кўрганда ер ўпғил, дуо қил,
Кўзунгга ҳоки пойин тўтиё қил!
Дегил: эй нахли боғи шаҳриёри,
Гули парвардан давлат баҳори.
Ки, бор оворан саҳрон ғурбат,
Эрур ном анга Зокиржон Фурқат.
Эмиш ул хастадил кечмиш замона
Намакпарвардан бу остона...

Фурқатнинг Ленинградда сақланаётган дастхати улуғ демократ шоир асарларининг тўла нашрини тайёрлашда энг муътабар манбалардан бири бўлиши шубҳасиз.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,
филология фанлари доктори

«ҒАМИМНИНГ БОИСИ БЕҒАМЛИГИНГДИР...»

ИСТЕЪДОД билан ёзилган ҳар бир шеърда шоирнинг замони ифодасини топади. Буни англаб етган шоир Тоҳир Қаҳҳор Лермонтов тилидан унинг замондошларига айтади:

Майли. Сиз ярамга
қўймангиз малҳам.
Армон билан чиқсин
охирги нафас —
Фақат: кўзларимга
боқиб, сизлар ҳам
Ўз фожиангизни
англасангиз, бас.

Яқинда Тоҳир Қаҳҳорнинг бирин-кетин икки тўплами — «Эшик тақиллаётир» (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти) ва «Осмон кимники?» («Ёш гвардия» нашриёти) шеърхонлар қўлига теди.





...Шоирнинг эшиги тақиллайди: кимдир ғазабини сўроқлаб киради ва «Ёзилмай қолади ёзилажак шеър». Хаёл мозийга судрайди. Эшик тақиллатиб келганлар Суқротни ўлимга олиб боришмоқда. Бироқ «Аста шивирлайди донишманд юрак: «Ўлганда — инсондай ўлмоқлик керак!..». Яширин инқилобчиларнинг эшиги тақиллайди: «Демак, кимдир сотган. Чора йўқ». Улар сургунга, зиндонга кетадилар... Кун келади — улар ётган маҳбусхона эшиги очилади: Озодлик! Шоир «қатъи, ишонч керак одамга...» деган қарорга келади. Зеро, ҳақиқий шоир оламнинг қувончи ва ғамларига сиқиқлик кучли. Унинг шаклий изланишлари ҳам яхши самара бераётир. Тоҳир «Остсарлавҳали шеърлар» туркумида асосий ғапни, мурожаат ёки тасвирни шеър сўнгига олиб тушади ва қутилмаган натижага эришади. Масалан:

Сендан-ку, айрилиб
кетмоғим — анниқ,
Ҳайҳот, айрилмагай
мендан
АЙРИЛИҚ.

«Осмон кимники?» тўпламида шоир болаликнинг бегубор оламидан катталар дунёсига қадам қўяётган ўсмир билан суҳбат қилади. Дунёни таниб бораётган бу ўсмир гоҳо ўзининг болалик чоғларини қўмсайди («Тупроқ кўча болалари», «Болалик нафаси», «Туш»); баъзан мураккаб дунёни тафтиш қила бошлайди («Чегара»); ўзи билан баравар чопаётган соясига боқиб: «Нега сув тубига чўкмас соялар?..», дея ҳайратланади; сувда чўмилаётган қуёшга қараб «Қўлингни бер, қуёш!», дейди, сувга тушади ва қайтиб чиқмайди («Қуёшни қутқарган бола ҳақида ҳикоят»).

Шоир ҳаётини идрок этаётган китобхонига дунёнинг адолатсизликлари, ёвузликлари ҳақида айтишдан қўрқмайди — «Касал бўлишни орзу қиладиган болалар» шеърида америкалик бегуноҳ ғудакларнинг иссиқ беморхонада ўлиш «орзуси»ни ёзса, «Ой телба бўлган кун»да хиросималик болалар трагедиясини тасвирлайди. Болалар бехосдан дунёнинг аччиқ ҳақиқатларини билишлари лозим, токим:

Шер улғайсин
вужудларида —
Ювош бўлиб ўсмасин
қўйдай!

«Осмон кимники?» келажак одамларини — ўсмирларни ўйлатадиган, мустақилликка ўргатадиган шеърлар мажмуасидир.

Адабий жамоатчиликка танилиб қолган шоир ўзининг истаган нарса ҳақида хоҳлаганича узун шеър ёза олиш қобилиятидан ҳар бир баҳонада фойдаланавермаслиги керак. Тоҳир Қаҳҳорнинг «Ватан байроғи», «Учрашув», «Биз айрилган кун», «Янги қуёш» шеърлари чўзилиб кетган. Сўнгги шеър қуёш сўнармиш, охират яқин, каби мишмишлар баҳонасида бошланиб, 96 қаторга чўзилган ва галати якунланган: «Офтобларга тўла бу чексиз осмон. Яна порлайверар бир янги қуёш».

ЯХШИ ШЕЪР қалбнинг туғёни туфайли дунёга келади. Унда шоирнинг шеърхонга айтадиган, айтиши зарур бўлган, айтмаса бўлмайдиган фикри, дарди бўлиши лозим. Танқидчи ёзганидек, «шеърда дард бўлиши керак ва ҳудди шунингдек, шеърда тор дард бўлмаслиги керак». «Ойнаванд девор», «Адашганлар», «Бахтиёрлик», «Тамаки» шеърларини ёзишга ундаган сабабларнинг муҳимлигига ишониш қийин. «Бу дунёда», «Тафаккур» шеърлари аён ғапларнинг чиройли ифодаси холос.

«Боғ» шеърида эса мантиқий изчиллик бузилган. Отанинг «Бу боғ мендан кейин нима бўларкин...» деган ташвиши билан бошланган шеър фарзаднинг (шоирнинг) ҳаёти тасвирига чалғиб кетади, сўнгида эса анъанавий ечимга келади «Боғимиз сўлмас. Қай пайт биз ўлсак ҳам, наслимиз ўлмас».

Мавзуи муҳим «Қари нт» шеърида қаҳрамонининг «болалик йўлдоши» Олапарни қариганда катталарга ўхшаб ёмон кўриб қолиши, уни отишганда эса яна йиғлаши — ҳолатларнинг ўзгариши психологик асосланмаган. Сирасини айтганда, болалардек сотилмас халқнинг ўз эътиқодига хиёнат қилишига ишониш қийин. Болалар муросасиз бўладилар, худди шу сабабли Ч. Айтматов қаҳрамони дунёнинг адолатсизликларига дуч келгач, ўз оламига — Оқ кемасига сузиб кетади.

Номсиз шеърларидан бирида ёзишича, шоир китоб жавонига «чумоли тоғларга қараган каби» кўрқиб, қувониб қарайди. Адабиётнинг ҳозиргача яратилган дурдоналари қошида ҳайратга тушган Тоҳир Қаҳҳор шеъриятда бир инқилобни соғиниб ўзига ва ҳамқалам тенгдошларига қарата журъат билан айтади:

Бир оғриқ чопар
товондан бошгача.
Бир фикр кўнглимни
титар, ёритар:
«Ёзмоқ ва яшамоқ
керак бошқача!..»

Изланаётган шоирнинг шеърлари тўпламдан тўпламга теранлашиб бораётир.

Карим БАҲРИЕВ

Ашурали ЖЎРАЕВ

ЁНИБ ЯШАШ ИШТИЁҚИ

ОЧЕРК УЧУН МАВЗУ

Мен агар рассом бўлганимда, аввало, унинг порлаб турган қўнғир кўзларини чизган бўлардим. Чунки бу кўзларда унинг борлиғи, фаолияти ва жўшиб турган қалби акс этган. Унинг сизга айтмоқчи бўлган дилдаги гапларини аввало шу кўзлари сўзлайди. Сўнг унинг кафтдекина кулиб турган юзларини, қуёшранг сочларини чизардим. Сўнг унинг... афсуски, портретга сиғмайдиган фазилатлари, ҳаёт ва меҳнат йўллари, анчагина. Яхшиси, тиниб-тинчмас бу аёл ҳақида қўлимдан келганча нақл қилишга уриниб кўрай.

* * *

«ГАЗ-69» машинаси равон йўлдан бир текисда кетиб боради.

— Ота-онам асли пензалик бўлган. Отам 1938 йили мотор билан ишлайдиган тегирмонни юргизиш учун Булунғурга келган. Шу-шу биз ўзбекистонлик бўлиб қолдик. Мен машҳур халқ бахшиси Фозил Йўлдошев таваллуд топган Бедана қишлоғида туғилганман. Болалигимиздан унинг термаларини, достонларидан парчаларини ёд олганмиз. Эҳтимол, ўзбек халқини, унинг гўзал тилини, буюк адабиётини, ўлмас шеъриятини севиб қолишимга шулар туртки бўлган бўлса, ажаб эмас.

У бироз жим қолди. Сўнг ниманидир эслади шекилли, ҳаяжонланиб давом этди:

— Айниқса, шоирнинг «Алпомиш» достонидаги Барчинни жуда яхши кўраман. Унинг Шарқ аёлларига хос ўктамлиги, вафодорлиги ва мардлиги менга ёқади. Алпомишу қалмоқ полвонларининг Барчинга хуштор бўлиб келган саҳифаларини эслаганмисиз? Шунда Барчин: «Алпомиш келса келибдида, Алпомиш келди, деб мен Алпомишнинг этагидан ушлаб кета берайинми?.. Менинг тўрт шартим бор, шу тўрт шартимни қилган кишига тегаман...

От чопса гумбурлар
тоғнинг дараси,
Ботирни инғратар найза
яраси,
Келган бўлса Қўнғирот
элнинг тўраси,
Қирқ кунлик йўл
Бобохоннинг ораси,
Бобохон тоғидан пойга
қиламан.
Кўздан ёшни мунчоқ-
мунчоқ тиздирса,
Қўшқанотнинг қуйруғини
суздирса,
Бобохондан пойга қилиб
ўздирса,
Оти илдам бойваччага
тегаман...»

Районнинг янги хўжаликларидан бири — «Правда Востока» совхозига қандай етиб келганимизни билмай қолдик. Чунки Валентина Николаевна Фозил Йўлдошнинг бошқа достонларидан ҳам қизиқарли парчаларни завқ-шавқ билан айтиб кишини лол қолдирган эди.

— Мен шу совхозга район партия комитетидан вакилман. Ҳозир совхоз раҳбарлари ва бўлим бошлиқлари билан давлатга мева-сабзавот топширишнинг бориш-ҳақидаги графикни муҳокама қиламиз, — деди у жиддий тортиб. — Совхоз меҳнаткашлари юбилей йилида 2930 тонна мева-сабзавот топширишлари керак. Ҳозир 2 минг тоннага яқинлашиб қолди. Ҳадемай план ҳам, социалистик мажбурият ҳам шараф билан адо этилади.

У сўзларига монанд шаҳдам одимлар билан идорага йўл олди.

Мен унинг босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлайман. У билан суҳбатларни эслайман. Портретига чизгилар қўшаман. Бейихтиёр ҳаёлимга кеча «Красногвардейск» совхози директори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Қўчқор Жуманиёзов билан бўлган суҳбат келади.

— Шу денг, Валентина Николаевнани кўришим билан Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестидаги Санда кўз олдимга келаверади. Уни ўз даврининг Саидаси дегим келади. Ахир, район партия комитетининг секретари олдида озмунча ғамхўмушлар турибди дейсизми? Ҳатто баъзи эркаклар эплолмайдиган қийин ишларнинг уддасидан чиқаётганлиги кишини лол қолдиради. Унинг энг яхши фазилати — талабчанлигида. Топширилган масалани катта-кичигига ажратиб ўтирмайди. Тўғри ва принципиал ҳал қилади. Қисқаси, бу фидойи инсондан кўпгина ажойиб фазилатларни ўрганса бўлади, — дейди директор фахр билан.

У етти йиллик мактабни тугатиб, дастлаб Самарқанд хотин-қизлар педагогика билим юртида ўқиди. 1963 йили эса Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини муваффақият билан тугатди. Узоқ йиллар ўқитувчилик қилди. 1973 йилдан Ўзбекистон КП Булунғур район партия комитетига ишга таклиф қилинди. Инструктор, бўлим бошлиғи, а ўринбосар бўлиб ишлади. 1978 йилдан буён район партия комитетининг секретари. Энди унинг зиммасида катта хўжаликнинг ўзига хос ташвишлари, идеология соҳаси бўйича мураккаб муаммолари турибди.

Унинг бевосита ташаббуси билан районда идеология соҳаси бўйича мақтовга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

— Баъзи одамларга ҳайрон қоласан киши. Оиласи катта, ёлғиз ўзи ишлайди. Сохта обрў орттириш учун болачақасига едирмай-ичирмай, уларнинг ризқидан қийиб, данғиллама тўй қилади. Катта исрофгарчилик бўлади. Гўё булар камлик қилгандек, саёқ отарчиларга каттагина пул ҳам беришади. Биз, аввало, шундайларга қарши курашяпмиз, — дейди Валентина Николаевна куюнчаклик билан. — Яқинда район партия комитети халқ депутатлари Навоий қишлоқ совети ижроия комитетининг эскилик сарқитларини тугатиш учун курашиш ва янгича, социалистик урф-одатларни кенг жорий этиш юзасидан белгиланган тадбирларини маъқуллади. Ҳозир районда ана шу тадбирлар бўйича махсус тузилган комиссиялар ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Гуруҳларимизда ортиқча дабдабабозлик, кераксиз ҳаражатларга чек қўймоқдамиз. Айниқса, енгил-елпи йўл билан пул топиш йўлига ўтиб олган отарчилар «фаолияти» тугалмоқда. Санъатни пулга сотган кишини кечириб бўлмайди...

У берилиб, ҳаяжон билан сўзлайди. Ҳар бир амалга оширилаётган тадбир ҳақида мисоллар келтиради.

— Районимизда янгича урф-одатларга ҳам кенг йўл очяпмиз. Айниқса, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йил 31 август сонида эълон қилинган «Гўзал турмуш учун» давра суҳбати бу борадаги ишимизга катта ёрдам берди. Биз суҳбат билан чуқур танишиб, ўзимизга керакли тадбирлар белгилаб олдик. Газета бу хайрли ишни изчил давом эттирса ёмон бўлмас эди...

Яна йўлдамиз. Машина икки чети адоқсиз узумзор билан қопланган равон йўлдан елдек учиб боряпти. Валентина Николаевна кутилмаганда гап бошлаб қолди.

— Ўзбекистоннинг кузини жуда-жуда севаман. Куз дегани шунчалар ҳам саховатли, сахий бўладими? Шундай кезларда шоир Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистонда куз» шеъри ёдимга тушаверади. Уни ҳайқириб ўқигим келади:

Юргил, далаларга
кетайлик, дўстим,
Диққинафас уйда ётмоқ
пайтимас.
Олтин Ўзбекистон
тупроғи бу кун,
Бир парч фаслнинг
оғушида маст.
Шабнам шовуллайди
боғлар қўйнида,
Салқин туман ичра
бўзарар тонглар,
Қуёшнинг эринчоқ
ёғдуларида
Нафис ялтирайди барги
хазонлар,
Ҳар ёнда тўкинлик,
Кузнинг нишона...

— Кечирасиз, Валентина Николаевна, ўзингиз ҳам шеър ёзганмисиз?

— Ёшлигимда ёзганман. Лекин кейинчалик, қўлимдан бу иш келмаслигини билганимдан сўнг ёзмай қўйдим. Чунки шоир бўлиб туғилиш керак. Тўрт қатор шеърни қофияга солган билан шоир бўлиб қолмайди киши. Умуман, шеър ёзиш қўлидан келмаган одам ундан мардларча воз кечиши керак, деб ўйлайман. Баъзан нуқул дабдабабозликдан иборат саёз, сийқа шеърларни ўқиб ранжийсан. Бундай шеърлар саҳифани банд қилишдан бошқа нарсага хизмат қилмайди... Мен Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов шеъриятини ҳамиша севиб ўқийман. Уларнинг шеърларини атайлаб ёд олиш шарт эмас. Бир-икки ўқишнинг ўзидаёқ шеърнинг «ичига» кириб кетасан.

Санъатнинг яна қандай турларини яхши кўрасиз, — сўрайман опадан.

— Санъатнинг ҳамма турларини севаман. Лекин улар орасида кино қалбимга анча яқин. Ўрни келганда шуни айтиб ўтмоқчиманки, «Ўзбекфильм» киностудияси биз томошабинлардан катта қарздор. Ҳақиқий қишлоқ дунёси ва меҳнаткашлар ҳаётини кенг қамраб олган ҳаётий фильмлар яратилишини истаймиз. Бугунги давр қаҳрамони экранда ўз қиёфасини кўргиси келади. Уни енгил-елпи воқеалар акс эттан фильмлар билан алдаб бўлмайди.

Валентина Николаевнанинг фикрларида жон бор. Адабиёт ва санъатнинг ҳақиқий жонкуярларигина шундай дейди. Куюнади. Назаримда, шеъриятни, адабиётни севган киши умрбод бахтли яшайди. Қалби пок бўлади. Валентина Николаевна ана шундай одамлардан бири. У Николай Островскийнинг «Яшаш учун ёниш керак!» деган сўзларини тез-тез такрорлайди. Ўзё бу сўзларни ҳаёт йўлига шиор қилиб олганга ўхшайди. Чунки ёниб яшаш бахтига ҳаммадан муяссар бўлавермайди. Бу номга сазовор бўлганларни халқ ардоқлайди. Одам учун бундан ортиқ мукофот йўқ.

* * *

Мен Валентина Николаевна Усмонова билан райкомда хайрлашдим. Бу беором қалб эгаси яна ишга киришиб кетди. Унга халақит бергим келмади. Фақат унинг тасвирига буёқлар изладим, холос.



Дам олиш қандай ғоза.

С. МАҲКАМОВ фотоси

ТАҚРИЗ

ЁШ ПРОЗАИКЛАР гурмуш, унинг севинчли, ташвишли томонларини тасвирлаган илк ҳикоялар тўпламлари билан ўқувчиларда умид уйғотмоқдалар. Одатда, дастлабки машқларга жанрнинг барча талаблари, етук сиқиқлик кучли. Унинг шаклий изланишлари ҳам яхши самара бераётир. Тоҳир «Остсарлавҳали шеърлар» туркумида асосий ғапни, мурожаат ёки тасвирни шеър сўнгига олиб тушади ва кутилмаган натижага эришади. Масалан:

Сендан-ку, айрилиб
кетмоғим — анниқ,
Ҳайҳот, айрилмагай
мендан
АЙРИЛИҚ.

«Осмон кимники?» тўпламида шоир болаликнинг бегубор оламидан катталар дунёсига қадам қўяётган ўсмир билан суҳбат қилади. Дунёни таниб бораётган бу ўсмир гоҳо ўзининг болалик чоғларини қўмсайди («Тупроқ кўча болалари», «Болалик нафаси», «Туш»); баъзан мураккаб дунёни тафтиш қила бошлайди («Чегара»); ўзи билан баравар чопаётган соясига боқиб: «Нега сув тубига чўкмас соялар?..», дея ҳайратланади; сувда чўмилаётган қуёшга қараб «Қўлингни бер, қуёш!», дейди, сувга тушади ва қайтиб чиқмайди («Қуёшни қутқарган бола ҳақида ҳикоят»).

Шоир ҳаётини идрок этаётган китобхонига дунёнинг адолатсизликлари, ёвузликлари ҳақида айтишдан қўрқмайди — «Касал бўлишни орзу қиладиган болалар» шеърида америкалик бегуноҳ ғудакларнинг иссиқ беморхонада ўлиш «орзуси»ни ёзса, «Ой телба бўлган кун»да хиросималик болалар трагедиясини тасвирлайди. Болалар бехосдан дунёнинг аччиқ ҳақиқатларини билишлари лозим, токим:

Шер улғайсин
вужудларида —
Ювош бўлиб ўсмасин
қўйдай!

«Осмон кимники?» келажак одамларини — ўсмирларни ўйлатадиган, мустақилликка ўргатадиган шеърлар мажмуасидир.

Адабий жамоатчиликка танилиб қолган шоир ўзининг истаган нарса ҳақида хоҳлаганича узун шеър ёза олиш қобилиятидан ҳар бир баҳонада фойдаланавермаслиги керак. Тоҳир Қаҳҳорнинг «Ватан байроғи», «Учрашув», «Биз айрилган кун», «Янги қуёш» шеърлари чўзилиб кетган. Сўнгги шеър қуёш сўнармиш, охират яқин, каби мишмишлар баҳонасида бошланиб, 96 қаторга чўзилган ва галати якунланган: «Офтобларга тўла бу чексиз осмон. Яна порлайверар бир янги қуёш».

ЯХШИ ШЕЪР қалбнинг туғёни туфайли дунёга келади. Унда шоирнинг шеърхонга айтадиган, айтиши зарур бўлган, айтмаса бўлмайдиган фикри, дарди бўлиши лозим. Танқидчи ёзганидек, «шеърда дард бўлиши керак ва ҳудди шунингдек, шеърда тор дард бўлмаслиги керак». «Ойнаванд девор», «Адашганлар», «Бахтиёрлик», «Тамаки» шеърларини ёзишга ундаган сабабларнинг муҳимлигига ишониш қийин. «Бу дунёда», «Тафаккур» шеърлари аён ғапларнинг чиройли ифодаси холос.

«Боғ» шеърида эса мантиқий изчиллик бузилган. Отанинг «Бу боғ мендан кейин нима бўларкин...» деган ташвиши билан бошланган шеър фарзаднинг (шоирнинг) ҳаёти тасвирига чалғиб кетади, сўнгида эса анъанавий ечимга келади «Боғимиз сўлмас. Қай пайт биз ўлсак ҳам, наслимиз ўлмас».

Мавзуи муҳим «Қари нт» шеърида қаҳрамонининг «болалик йўлдоши» Олапарни қариганда катталарга ўхшаб ёмон кўриб қолиши, уни отишганда эса яна йиғлаши — ҳолатларнинг ўзгариши психологик асосланмаган. Сирасини айтганда, болалардек сотилмас халқнинг ўз эътиқодига хиёнат қилишига ишониш қийин. Болалар муросасиз бўладилар, худди шу сабабли Ч. Айтматов қаҳрамони дунёнинг адолатсизликларига дуч келгач, ўз оламига — Оқ кемасига сузиб кетади.

Номсиз шеърларидан бирида ёзишича, шоир китоб жавонига «чумоли тоғларга қараган каби» кўрқиб, қувониб қарайди. Адабиётнинг ҳозиргача яратилган дурдоналари қошида ҳайратга тушган Тоҳир Қаҳҳор шеъриятда бир инқилобни соғиниб ўзига ва ҳамқалам тенгдошларига қарата журъат билан айтади:

Бир оғриқ чопар
товондан бошгача.
Бир фикр кўнглимни
титар, ёритар:
«Ёзмоқ ва яшамоқ
керак бошқача!..»

Изланаётган шоирнинг шеърлари тўпламдан тўпламга теранлашиб бораётир.

Карим БАҲРИЕВ

БЕҒУБОРЛИК

Тўпламдаги «Мажбурият» ҳикояси қаҳрамони Мирҳайдар, «Жиянимнинг ҳикояси»даги Қаҳҳор, «Яхши одам» ҳикоясидаги Икром турли ҳолатлар, шароитлар фонида гавдалантирилса-да, очиқ кўнгиллиги, самимий ва меҳнаткашлиги билан Адолат образига яқин туради.

Китобдаги «Денгиз. Одамлар», «Қувончнинг ранги» ҳикояларида табиат манзаралари тиниқ рангларда чизилган, бироқ ҳикоя қаҳрамонлари китобхон кўз олдида ёрқин гавдаланмайди.

Асар — ёзувчининг дил ойнаси. У нимани яхши кўради? Ҳаётда нимани ёқлайди, қандай кимсаларни қоралайди? Ҳаётга муносабати қандай?... Буларнинг барчабарчасини китобхон ижодкорнинг асарлари туфайли уқиб олади. Шу сабабдан ҳам қаламкаш доимо гоят масъул бўлиши керак.

М. Аҳмедованинг айрим ҳикоялари шунчаки маълум, жўн фикр асосига қурилган. Ҳали муаллиф асар тили, қаҳрамон нутқи, индивидуаллигини таъминлаш борасида анчагина изланиши зарур. Зотан, бу ҳол авторнинг баъзи қаҳрамонлари тушган ҳолатларнинг тасвири сунъий чиқиб қолганлиги, асардаги можаролар ҳали конфликт даражасига етмаганлигида ҳам кўринади. Жумладан, «Байрамлик» ҳикоясида шундай нуқсонга дуч келамиз.

Умуман, М. Аҳмедованинг илк китобчасини ўқиб, ёш қаламкашнинг катта ҳаёт муаммоларига журъат билан ёндошганидан, тасвирдаги самимийликдан, энг муҳими — бегубор, тиниқ қалб ҳароратидан бехиёр севинасан, киши. Бундай таассурот Маъсуманинг келажагига ишонч билан қарашга ундайди.

Солиҳа НАЗАРОВА,
ТошДУ студенти.

60

Раҳим АҲМЕДОВ,
СССР халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг мухбир аъзоси

ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ БАДИИЙ ЙИЛНОМАСИ

ОЛТМИШ йил тарих учун ниҳоятда қисқа муддат. Бироқ ана шу вақт мобайнида ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қанчалик кўп ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўтган ўн йилликларда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда юз берган улкан ва ҳайратомуз воқеалар том маънода асрларга тенгдир.

Ўзбекистоннинг бугунги кундаги ёрқин, ўзига хос тасвирий санъати маданий қурилишда эришилган улкан муваффақият самараларидан биридир. Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон санъати катта йўлни босиб ўтди: дастлабки якка ташаббускорларнинг илк қадамларидан кўп сонли, ижодий индивидуаллиги хилма-хил бўлган рассомлар профессионал маҳоратнинг чўққисига кўтарилди, кўпмиллатли совет санъати тажрибасига суянган ҳолда, қисқа тарихий муддатда ҳаётнинг муҳим воқеаларини ўзида акс эттирувчи баркамол асарлар яратиб, яхши ютуқларни қўлга киритди.

Республика тасвирий санъатининг Октябрь инқилобидан кейинги кескин парвози ҳақида гап кетар экан, унинг тарихидаги муҳим бир томонини қайд этиб ўтиш керак. Маълумки, тарихий сабабларга кўра Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларида инқилобга қадар тасвирий санъатнинг дастгоҳли турн ривожланмаган эди (исломгача бўлган санъат — Ҳолчаён ҳайкаллари ёки Афросиёб топилмалари яқин даврлардагина очилди). Халқнинг бадиий маҳорати амалий санъатнинг турли шаклларида, шунингдек, қўлёзма китобларнинг безакларини ишлашда намоён бўлди.

Маданий қурилишнинг мавжуд талаблари асосида Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг Ўрта Осиёда янги бадиий тажриба, ижоднинг янги турлари, хусусан, дастгоҳли санъат, кинематография, балет, опера ва санъатнинг бошқа соҳаларини ўзлаштириш учун зарурат вужудга келди. Бу ишнинг ривожланишида Ўзбекистонда маҳаллий аҳолини тасвирий санъат билан таништиришга ҳисса қўшган рус рассомлари ижоди рассомлик мактабларининг очилиши ва рус реалистик санъатининг кенг оммага таъсири ғоят катта роль ўйнади. 1918 йилдаёқ Самарқандда Ўрта Осиёдаги биринчи бадиий ўқув юрти — халқ бадиий билим юрти очилади, 1919 йили эса Тошкентда шундай мактаб юзага келади. Ўзбекистонда тасвирий санъатнинг мураккаб шаклланиш жараёни турли маданиятларнинг узвий ўзаро таъсири остида кечди (рус маданияти ва у орқали Ғарбий Европа ҳамда жаҳон маданияти тажрибаларини ўзлаштириш) — бу шунчаки ўзаро таъсир эмас, балки ягона социализм қурилиши жараёнига қўшилган халқларнинг бирдамлиги ва бадиий ҳамкорлигидир. Ўрта Осиё маданиятига тасвирий санъатнинг қўшилиши мисли кўрилмаган тезкорлик билан, ниҳоятда қисқа тарихий муддатларда кечди. Ҳали тарих бу каби воқеани кўрган эмас.

П. Беньков, Н. Кашина, А. Николаев (Усто Мўмин), З. Ковалевская, В. Еремян, В. Уфимцев, Н. Карахан каби рассомлар ўз ҳаётлари ва ижодларини бир умрга Ўзбекистон билан боғладилар: улар жуда кўп асарларнинг автори, миллий кадрларнинг мураббийларидир. Уларнинг ўқувчилари республика миллий рассомлик мактабини шакллантиришга асос солдилар.

Янги турмуш шароитини тадқиқ этиш ва эстетик ўзлаштириш, жараёни борарди. Санъатда янги мавзулар қарор топди: инқилобий кураш, янги совет турмушининг характерли хусусиятлари, одамлар ўртасидаги янгича муносабатлар, мамлакатни

Б. Жалоловнинг «Комил Ёрматов портрети» ва Р. Чорневнинг «Қумқўрғон олмалари» асарларидан фоторепродукция.

индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, асосийси, янги қаҳрамон — янги типдаги инсон — коммунист, жамоатчи, ишлаб чиқариш илғори.

Ўзбекистоннинг инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаги ривожланиш жараёнининг ўзига хослиги шундаки, янги бадиий тафаккур системасини қўллаш ёрдамида бутун маданий организм янгиланди. Зотан, бошқа ҳеч бир регионда бундай кескин бурилиш юз бермади. Чунки Ўрта Осиё бадиий маданияти ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан тубдан қайта ўзгарди. Фақат ғоявий томондан эмас, балки пластик системада ҳам янгилик юзага келганлиги, буларнинг барчасини тезкор суръатларда ўзлаштириш зарурлиги Ўзбекистонда социалистик маданиятнинг шаклланишида бирмунча қийинчиликларни туғдирди. Республикамиз тарихий-маданий йўлининг бу алоҳида жиҳатлари тасвирий санъат ривожидаги ўзига хосликни келтириб чиқарди.

Асарлари республикамиз бадиий маданиятининг ёрқин саҳифаларини ташкил этувчи А. Волков, Н. Карахан, О. Татевосян, А. Николаев (Усто Мўмин), М. Курзин, В. Уфимцев, З. Ковалевская, П. Беньков, Н. Кашина ва бошқа ажойиб рассомлар йигирманчи-ўттизинчи йилларда Ўзбекистонда ижод қилдилар. Улар рангтасвирнинг миллий ўзига хослигини аниқлаш, халқ учун янги бўлган образли ва бадиий тафаккурнинг европача системасини тушунтириш иштиёқи билан тўлиқ эдилар.

Халқ амалий санъати усулларини дастгоҳли картиналарда бевосита қўллаш йигирманчи — ўттизинчи йилларда яратилган кўпгина асарларга хос хусусиятдир. Кўпинча миллий ўзига хослик ва миллий колорит тақлидчиликка ва услубий бир хилликка олиб борарди. Тўғри, тарихий нуқтаи назардан қараганда, бу даврнинг барча қонуниятлари ва рассомларнинг

Р. Чорневнинг «Қумқўрғон олмалари» асари

халқ ҳаётига, халқ санъатига қизиқишларида, миллийлик йўлидаги изланишларда кўпгина юзакилик ва бир ёқламаликлар мавжуд эди. Ўзбекистонда миллий санъат шаклланишининг ҳақиқий, объектив жараёни субъектив фикрлардан бирмунча кенгроқ бўлиб, турли ижодий услуб ва йўналишларга эга рассомлар фаолиятини ўз ичига олади. Бу йўллар турлича эди: П. Беньков, В. Уфимцев, Б. Ҳамдамийнинг «табиий» реализмидан тортиб, М. Курзин, А. Николаев, О. Татевосяннинг миллий ўзига хослик йўлидаги экспрессив изланишларигача; У. Тансиқбоев, Ш. Ҳасанова, А. Сиддиқий, И. Икромов, Н. Кашинанинг халқ ҳаётини, бор турмуш шароитини тасвирлаш, мавзу янгилигидан тортиб, кўпгина ижодкорлар, хусусан, А. Волковнинг бадиий ифодавийликда кубизм усулидаги замонавий изланишларигача бор эди. Бироқ озгина вақт ўтмасданоқ, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида том маънодаги интернационал хусусиятлари билан ажралиб турувчи асарлар пайдо бўлди.

Ўттизинчи — қирқинчи йиллар Ўзбекистон санъатида социалистик реализм методини чуқурроқ эгаллаш, илгари суст ривожланган жанрлар, тематик картиналар, пейзаж, натюрморт кабиларни тўлароқ ўзлаштириш даври ҳисобланади. Буларнинг барчаси республика рангтасвирида сезиларли кўтарилишни вужудга келтирди. Агар йигирманчи — ўттизинчи йилларда миллий рассомлар орасида жуда камчилик ном қозонган бўлса, қирқинчи йилларнинг охири, эллигинчи йилларнинг бошларида миллий рассомларнинг нафақат сони, балки ижодий маҳорати ҳам ошди. Республика санъатига профессионал тайёргарликка эга бўлган кадрлар кириб келди. Булар Москва, Ленинград, Киев рассомлик мактабларининг битирувчилари М. Саидов, Т. Оганесов, Н. Қўзибоев, Э. Калантаров, Ю. Елизаров, В. Жмакин эдилар. Олтмишинчи — етмишинчи йилларда эса улар сафига Р. Чориев, Ж. Умарбеков, Ш. Абдурашидов, Б. Жалолов, А. Мирзаев каби ижодкорлар қўшилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон тасвирий санъатининг сифат ўсишини таъминловчи чуқур ички жараёнлар ҳам бормоқда эди. Рус романтик мактабининг энг яхши анъаналари асосида тарбияланган, жаҳон бадиий маданиятидан чуқур хабардор рассомлар авлоди бадиий меросни юксак эстетик нуқтаи назардан идрок эта бошладилар, уларнинг ўзига хос поэтикасини замонавий рангтасвирга олиб кириш учун изланиш олиб бордилар.

Ҳозирги замон Ўзбекистон тасвирий санъати турли авлодлар ижодидан ташкил топган: катта авлод — Л. Абдуллаев, Ч. Аҳмаров, С. Абдуллаев, А. Абдуллаев, З. Иноғомов, В. Фадеев, М. Саидов, А. Винер, Р. Темуров; ўрта авлод —Б. Бобоев, Р. Чориев, А. Перов, Г. Абдураҳмонов, В. Жданов; ёшлар — Ш. Абдурашидов, Ж. Умарбеков, Б. Жалолов, А. Мирзаев, М. Тўхтаев, Й. Турсунназаров, С. Абдуллаев, А. Юнусов ва бошқалар.

Республикамиз тасвирий санъатининг ҳозирги босқичи тезкор шиддати билан ажралиб туради. Ҳар йили ўтказилаётган кўп сонли республика, Бутуниттифоқ, чет эл, кўчма, шахсий ва группали кўргазмалар ўзбек рассомлари коллективининг ижодий имкониятлари нақадар ўсганлигидан далолат беради. Қаҳрамонона инқилобий ўтмиш ва ҳозирги замон, халқнинг яратувчилик меҳнати, унинг Улуғ Ватан урушн йилларидаги жасорати ва тинчлик учун кураши, яхши ниятли кишиларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги республикамиз рассомларининг доимо диққат марказида. Ана шу мавзудаги асарларда давримизнинг бадиий йилномаси вужудга келади. Мана шу асарлар, уларнинг авторлари номи остида биз ҳам шахсий, ҳам коллектив меҳнатнинг гувоҳи бўламиз. Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллик юбилейига рассомларимиз ғоявий чиниққан ва ижодий камолотга етишган, қардош республикалар миллий маданияти бадиий мактаблари тажрибасидан чуқур ўрганган ҳолда қадам қўймоқдалар.

Ўзбекистон тасвирий санъати усталарининг бадиий-ижодий амалиёти рассомлар олдига санъатнинг образли қурилишини янада кенгайтириш, янги тасвирий-ифодавий воситалар излаш, янада ёрқин, салмоқли асарлар яратиш, замонамизнинг илғор ғояларини, совет кишисининг фикр-ўйларини аниқ образлар орқали тўлиқ акс эттириш вазифасини қўймоқда:

Ижодий моҳиятига кўра ниҳоятда чуқур бўлмиш услубий имкониятларнинг янгиланиш жараёнига социалистик реализм методининг ҳаётбахш ғоялари илҳом бағишламоқда. Зеро, бу жараён Ўзбекистон тасвирий санъатининг бундан кейинги тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қилади.

куюнчак газетхонлардан хатлар

ТАЪМА

Тўй ўтаётган хонадон гавжум. Одатдагидек, кексалар иззатда, ёшлар хизматда. Барчанинг ўз вазифаси бор. Ҳамма хурсанд.

Тўсатдан тўйхона эшиги олдига енгил машина келиб тўхтади. Тушганлар, машина юкхонасидан ноғора, карнай олишиб, ғат-ғатни бошлаб юборишди. Чақирилмаган меҳмонлардан тўйбоши ҳам ҳайрон. Шу пайт ёғочоёқли бола куй оҳангига йўрғалай кетди. У бироз ўйнагач, каттароғи қўлини силтаб «тўхтат» ишорасини қилди. Сўнгра ёғочотли тўққиз-ўн ёшлардаги бола тўйхонадагилардан бирма-бир пул тўплаб чиқди. Сўмларни чўнтагига жойлаб бўлиб, дуога қўл очди:

— Яхши ният қилиб, бизга хизмат қилганларнинг топгани тўйларига буюрсин, омин!

Улар қандай шошилиб келган бўлсалар, яна шундай кўздан ғойиб бўлдилар.

Бироқ, улар кўтарган чанг босилмай туриб, тўйхонага «Б 05—77 НА» номерли «Жигули» машинаси келиб тўхтади... Яна юқоридаги «саҳна» такрорланди.

Тўй эгалари хайр-хўшлашиб энди нафас ростлагани ўтиришганда, «39—50 АНК» номерли «Жигули»нинг сигнали эшитилди ва карнай-сурнайини қўлтиқлаб беш киши тушиб келди. Яна шу аҳвол...

Хуллас, қоронғи тушгунча сайёр (аслида дайди) отарчилардан уч машинаси келиб кетди.

Ажабланарлиси шундаки, улар ҳеч кимдан бир оғиз сўрамай тўйхонага кириб келишар, ўз билганларича томоша кўрсатишар ва пул талаб қилар эдилар.

Бу отарчиларнинг сафида болаларнинг борлиги, уларнинг оталари, акалари маишати учун маблағ тўплаб беришлари кечиримлас ҳолдир. Кечгача тўйма-тўй санқиб, силласи қуриган боланинг аҳволини кўз олдингизга келтириб кўринг-а, Унинг соғлиги, тарбияси-чи?

Ёшликдан енгил-елпи ҳаёт кечиришга, осон пул топиш йўлига кирган боладан келажакда нима кутиш мумкин?

Сайёр отарчиларни назорат қиладиган, уларга қарши чора-тадбир кўрадиган вақт етмадимикан? Жамоатчилик, тегишли маданият муассасалари, молия бўлими ва ички ишлар бўлими ходимлари бу каби ҳоллардан бехабарми-канлар?

Тўғри, қадим-қадимдан тўйларимизда қўғирчоқбозлар, масхарабозлар, ёғочот ва ёғочоёқда ўйновчилар карнай-сурнай жўрлигида одамлар кўнглини хушнуд этишган. Ўшанда ҳам тўйхона эгасининг розилиги билан, албатта.

Яна бир нозик томони, уларнинг дуогўйликларида: «Ҳазрати пирим йўлига», «Худо йўлига», «Ўтган-кетганларнинг руҳини шод этиш учун» ва ҳакозо. Бу каби дуолар, чала-ярим диний оятларни эшитган болаларнинг онгларида ноҳуш ва маюс таассуротлар туғилади. Наҳотки, шуларни кўриб-билиб туриб беэътибор бўлсак?

Ғуломжон ҚЎЗИБОЕВ,
Комсомолобод район ижроия комитетининг бўлим мудири

КИНОДА МУЗИКА МУАММОЛАРИ

МУЗИКА ўзбек кино санъатининг илк қадамларидан бошлаб ҳозирга қадар унинг таркибий қисми сифатида яшаб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида кино музикаси жанр сифатида шаклланиш йўлини босиб ўтди. Агар музиканинг бошқа жанрлари эшитиш орқали қабул қилинса, кино музикаси кўриш орқали ҳам ҳис этилади. Чунки у экран воқеалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда яратилади. Машҳур совет композитори Андрей Петров айтганидек: «Кинода ижод қилувчи композитор учун асари фақат музика автори деб эмас, балки фильм автори деб ҳис этиши керак. Ана шунда музика ташқи безаккина бўлиб қолмай, кино асари таркибига узвий бирикиб кетади».

Ўзбекистонда кино ва музика ҳамкорлиги 20-йилларда, композитор Виктор Успенский овозсиз «Равот қашқирлари» фильмига музика яратганида бошланган эди. 30—40- йилларда кинематографияга музикани жалб этиш йўлида айрим уринишлар бўлди. Фақат Улуғ Ватан урушидан кейингина республика композиторларининг кино музикаси соҳасидаги иши доимий, мунтазам характер касб этди. Успенскийдан сўнг Мухтор Ашрафий ва Борис Арапов («Насриддин Бухорода»), Алексей Козловский («Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддиннинг саргузаштлари»), Рейнгольд Глиэр, Толибжон Содиқов («Алишер Навоий») сингари ижодкорлар ўзбек кино музикасининг пойдеворини қўйдилар.

50-йилларнинг ўрталарига келиб Ўзбекистон композиторлари ва кинематографчилари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Биринчидан, «Ўзбекфильм» киностудияси фаолиятида жиддий жонланиш юз берди, иккинчидан, композиторлар сони кўпайди. Агар дастлабки босқичларда фақат рус ва қардош халқлар муаллифлари асарларидан фойдаланилган бўлса, эндиликда Мутал Бурҳонов, Икром Акбаров, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков каби ўзбек композиторлари сафга қўшилдилар.

Олтмишинчи йилларнинг охирларида кинога А. Малахов, Р. Вильданов, Ф. Янов-Яновский, Э. Солиҳов каби ёшлар кириб келдилар. 70 — 80-йилларда С. Жалил, Н. Зокиров, Д. Сайдаминова, Э. Қаландаров, М. Маҳмудов, В. Милов каби янги номлар пайдо бўлди. Бемалол айтиш мумкинки, ўзбек кино музикаси яхшигина ижодий тажрибага эга. Мана, улардан баъзилари: «Абу Али ибн Сино» (М. Бурҳонов, М. Левиев), «Ҳамза» (И. Акбаров), «Фурқат» (С. Юдаков), «Самолётлар қўнолмади» (М. Бурҳонов), «Тошкент — нон шаҳри» (А. Малахов), «Ленинградликлар — жигарбандларим менинг ва «Инсон қушлар ортидан боради» (Р. Вильданов)...

Бироқ қўлга киритилган муваффақиятларга қарамай, бу жанрнинг ҳозирги аҳволи қониқарли эмас. Аввало, кўпгина фильмларда, ҳатто том маънодаги миллий мавзуда яратилган картиналар музикаларида ҳам ўзига хослик етишмайди. Яқинда суратга олинган «Сўз раисга» композитор Е. Ширяев) фильмида шу ҳолни кўриш мумкин. Фильмга ёзилган музика на ундаги миллий муҳитга, на эмоционал кайфиятга мос келади. Картина мазмуни ўткир экологик муаммолар, табиатни асраш масалалари билан боғлиқ, музика эса синтезаторнинг совуқ, маъносиз механик тебранишларига асосланган. Бундай музика кўпроқ фантастик мавзуга мос келади. Аниқса, бу ҳиссиз оҳанглар биолог олимнинг рафиқасини дафн этиш саҳнасида янграганида кишининг ғашига тегади. Ваҳоланки, бу эпизод ниҳоятда самимий, инсоний музикавий оҳангларни талаб этади.

Шуниси ажабланарлики, режиссёрларнинг ўзлари композиторлар олдига миллий хусусиятни сақлаб қолиш вазифасини қўймаётганга ўхшайдилар. Наҳотки, уларни тасвир билан оҳанг орасидаги узилиш ажаблантирмайди. Ахир бундай чалкашлик билан томошабинни чалғитиш мумкин. Воқеа руҳига мос тушмаган музика яхши фильмнинг савиясига путур етказади.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда кино композиторлари жуда кам. Кинематографияга янги композиторлар тез-тез ташриф буюрадилару, бироқ саноқлиларигина унда «яшаб» қоладилар. Бир томондан, бунга режиссёрларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаслиги, бардошсизлиги сабаб бўлса, бошқа томондан, композиторларнинг ўзларида ҳам айб бор. Бошқа жанрлардан фарқли ўлароқ кино тезкорликни, профессионал ўниверсалликни, турли услубларни билишни, кенгкўламликни, қаттиқ интизомни талаб этади. Кинематографда муваффақиятли иш олиб бораман, деган ижодкор буларнинг барини чуқур ҳис этиб, уддасидан чиқмоғи даркор.

Ҳозирги замон ўзбек кино музикасида яна бир қанча типик камчиликлар мавжудки, буларга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Кўпинча янги фильм билан учрашганда илгаридан тайёрдек таассурот қолдирувчи музикаларга дуч келамиз. Булар умумлирик ва умумдраматик пландаги музикалардир. Албатта, бундай музика мазкур картинанинг индивидуал моҳиятини очишга ҳеч қандай ҳисса қўшмайди, уни шу туришича бемалол фильмдан фильмга ўтказаверши мумкин. Музикага нисбатан бундай бефарқлик, шунчаки асар ёзиш, ҳақиқий кино музикаси принципларига мутлақо тўғри келмайди. Зотан, ҳақиқий кино музикаси конкрет сценарий материалидан аниқ бадиий ғоядан келиб чиқиши, ҳудди кинофильмга ўхшаш такрорланмас бўлиши керак.

Баъзан характери ва маъносига кўра турлича бўлган кадрлар бир музика билан боғланиб кетади. Бу эса ўз навбатида музиканинг моҳиятини тушунишда чалкашликка олиб келади. Масалан, «Набирамиз милицияда ишлайди» (композитор Ш. Калдош) фильмида севишганлар учрашуви эпизодига хос лирик оҳанг навбатдаги эпизод — кафеда ҳам давом этаверади. Музика ҳаҳрамонлар суҳбатига ҳам, кафедаги руҳга ҳам мос тушмайди. Бундай мисоллар мазкур фильмдан истаганча топилади.

ЁРҚИН бадиий таъсирга эришиш учун қўлланадиган бир неча асарларни улаб музика яратиш услубидан доим ҳам ишонарли фойдаланилмаётир. Йўлдош Охунбобоевга бағишланган бадиий фильм ўзбек жангчиларини фронтга кузатиш саҳнаси билан якунланади. Айни шу дақиқада совет кишилари учун уруш даври рамзи бўлиб қолган В. Александровнинг «Муқаддас уруш» қўшиғи янграши мақсадга мувофиқ. Бироқ бутун фильмни шу қўшиқ билан якунлаш шарт эмас эди, деб ўйлаймиз. Бу картинадаги мавжуд ҳаётий мазмуннинг қўламига путур етказган.

Ҳозирги ўзбек фильмларида қўшиқнинг ифодавийлиги ва драматик имкониятларидан яхши фойдаланилмаётир. «Бизнинг кино композиторларимиз ва режиссёрларимизнинг қўшиқ соҳасидаги ижодий изланишлари доираси ғоятда тор, — деб ёзган эди музикашунос Д. Исамуҳамедова, — аниқроғи бир ёқлама». Шунингдек, бу танқидчи кинода қўшиқдан фойдаланиш усуллари эскирганлиги, янги шаклларга мурожаат қилиш зарурлигини ҳам тўғри кўрсатиб ўтади. Мазкур фикрларга шуни қўшимча қилмоқчимизки, кино музиканинг бошқа тармоқларида ҳам янги шакллар зарур. Кинематография тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ўзбек кинои пробематикасининг доираси кенгайди, образли қурилиши бойиди, бадиий «тили» дадиллашди. Поэтик кино, кино —новелла, кичик психологик драма, телевизион фильм каби янги жанр турлари вужудга келди. Болалар ва катталар маъзуининг кўпгина қирраларини қамраб олишга улгураётган мультипликацион кино ўз фаолиятини янада мустаҳкамламоқда. Кинематографиянинг мана шундай жадал ривожланаётганлиги композиторлар ижодида ҳам ўзгариш юз беришини талаб этади. 50—60 йилларда яратилган фильмлар учун яхши бўлган ҳисоблатлар эндиликда ўз актуаллигини йўқотди. Давр олға бормоқда, композиторлар олдида ҳам янги-янги вазифалар пайдо бўлаётир. Асосийси, кинодаги музика ва кино музикаси тушунчалари турлича эканлигини тушунишдир. Экрандан эшитилаётган ҳамма оҳанглар ҳам кино музика деб аталавермайди. Композитордан музикавий-кинематографик тафаккур, ҳар бир эпизодда музиканинг вазифасини аниқ тушуниш талаб этилади.

Ўйлаймизки, камчиликларни тўғри тушуниб, ижобий ҳал этиш ўзбек кино музикасида янги савия ўзгаришига шубҳасиз, олиб боради.

Наталья ЯНОВ-ЯНОВСКАЯ,
санъатшунослик кандидати

Жозибали рақс

С. МАҲКАМОВ фотоси

ЁШ АКТЁРНИНГ ОВОЗИ

Суратда: Пўлат Мустафоев Тоҳир ролида.

«Тоҳир ва Зуҳра» операсида

Операнинг табиий ва таъсирли жаранглашида композитор ҳамда либреттонавис билан бирга, асарнинг асосий ғоясини очиб беришга хизмат қилувчи актёр ижроси ҳам катта аҳамиятга эга. Томошабинга операнинг асосий мағзи тушунарли бўлиши, уни фикрлашга чорлаши учун актёрдан катта куч ва маҳорат талаб этилади. Биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган ижодкор Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрининг етакчи солисти Пўлат Мустафоев ана шундай актёрлардан.

У ҳали ўрта мактабда ўқиб юрганидаёқ қўшиқ айтишни орзу қиларди. Қўшиқ ва музикага бўлган муҳаббат отаси Элмурод акадан мерос эди. Пўлат баъзан отасига қўшилиб беихтиёр куйлаб кетарди. Бу ғайриихтиёрий, қутилмаган жўровозлик аста-секин муайян мақсад касб эта бошлади. Энди ота ва ўғил дуэт бўлиб, биргаликда куйлардилар...

Ўрта мактабни тугаллаган Пўлат консерваторияга кириш ниятида Тошкентга келади. Ўша йилларни у шундай эслайди: «Кириш имтиҳонлари бўлаётган аудиторияга кирганимда қўрқиб кетдим. Киришим биланоқ менга меҳрибонлик билан боқиб турган салобатли одамга кўзим тушди. Кейинчалик бу одам консерватория профессори Мухтор Ашрафий эканлигини билдим. Бироз ўзимга келиб, саволни кутмасданоқ, комиссия аъзоларига фақат ўзбек классик қўшиқларини куйлашимни айтдим. Эсимда, дастлаб «Дугоҳ», «Чоргоҳ»ни, сўнгра «Ушшоқ»ни, куйладим. Шундан кейин Мухтор Ашрафий ўрнидан туриб, менга яқинлашди-да, «Айтган қўшиқларингиз учун раҳмат», деди.

У консерваторияда машҳур қўшиқчи, Ўзбекистон ССР халқ артисти, профессор Насим Ҳошимов қўлида таҳсил кўра бошлади. Ўз ўқувчисининг имкониятларига эҳтиёткорлик билан ёндашган устоз, овозининг табиий хусусиятларига озор етказмаган ҳолда, ёш қўшиқчининг овозини аста-секин «тозалаб», «курмак»лардан ҳоли қилиб борди. Ойлар ва йиллар ана шундай ижодий изланишларда кечди. Устоз ва шогирднинг ўқув программасини ўзлаштириш, маданий дунёқарашни кенгайтириш йўлидаги тинимсиз изланишлари самарасини берди. 1975 йили консерваторияни муваффақиятли тугатган Пўлат Мустафоев Навоий номидаги театрнинг опера труппасига қабул қилинди.

Театрдаги ўн беш йилдан ортиқ ижодий фаолияти давомида Пўлат Мустафоев катта репертуар яратишга муваффақ бўлди. Бу репертуарда ўзбек ва рус операларидаги жуда кўп партияларни кўрасиз. Уларнинг ҳар бири ўзига хос мураккаб, ҳар бири актёрдан тажриба ва маҳоратни талаб этади: «Чўпонали («Майсаранинг иши»), Улуғхўжа («Дилором»), Омон («Мангулик»), Тоҳир («Тоҳир ва Зуҳра»), Мажнун, («Лайли ва Мажнун»), Жўра («Бўрон»), Геррит («Пётр I»), Яков Блок («Оловли фариштa»)... Ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос позицияси аниқ ифодаланган, бу қаҳрамонлар ўзида халқ иродаси, кураши орзу-ўйлари гўзалликка бўлган муҳаббатини мужассам этган. Масалан, Мажнун — Қайс П. Мустафоев ижросида Шарқ Уйғониши ғояларининг тарғиботчиси, табиий, инсоний муҳаббат куйчиси сифатида кўзга ташланади. Мажнун — Мустафоев фақат ўз муҳаббати учунгина эмас, халқ бахт-саодати йўлида курашади, хурофотга, дин пешволарининг гайриинсоний ғояларига қарши чиқади. Пўлат Мустафоев ошиқни эмас, ҳақиқат, тенгҳуқуқлилик учун курашган исёнкор йигит образини ниҳога солиб, бутун маҳоратини намойиш этади. Шу билан бирга, актёр образ ҳаққонийлигини таъминлаш учун оҳанг ва овоз тебранишлари имкониятларидан оқилона фойдаланади. Айнан шундай ёндашиш туфайли. П. Мустафоев замонавий фикрловчи, ўз қаҳрамонларидан замонамизга ҳамоҳанг ғоялар изловчи актёр сифатида гавдаланади. Баъзан кўпгина актёрларда ҳудди шу хусусият етишмади.

—Мен доимо ўз қаҳрамоним табиатини, унинг хатти-ҳаракатларини, образнинг ғоявий мағзини тушунишга ҳаракат қиламан, — дейди П. Мустафоев. — Образни ҳис этмагунимча саҳнада режиссёр билан ҳеч бошланга шошилмайман.

Театрнинг янги — эллик олтинчи мавсуми «Бўрон» спектакли билан очилди. П. Мустафоев бош қаҳрамон Жўра ролини ижро этди. Ўша куни мутлақо тасодифан, иш юзасидан театрга келиб, ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлдим. Сокин ва бўм-бўш зал. Саҳна ичкарисида «Бўрон» операсидан эйрим саҳналарни ўзича такрорлаётган Пўлат Мустафоевга кўзим тушди. Мени кўргач, юзимдаги ажабланиш аломатини сезиб, яқинроқ келди-да, сўз бошлади: «Бугун оғир кун, ҳар бир дақиқагача ҳисобда: соат роса тўққизда концертмейстер билан биргаликда асосий вокал партияларни кўздан кечиришимиз керак; ўн яримда режиссёр билан саҳнада репетиция қиламиз, ўн иккидан ўн тўртгача яна концертмейстер билан машғулот ўтказамиз, кейин Норгул роли ижрочиси Раъно Ҳидоятова билан машқ қиламиз. Сўнгра ўзим учун бутун спектаклни фикран такрорлашим, асарнинг драматик нуқталарини, асосий эпизодларини яна бир бор хаёлимдан ўтказишим керак. Бунда фақат ўз қаҳрамонимнинг саҳнавий партитурасини эмас, балки спектаклда мен билан мулоқотда бўладиган қаҳрамонлар партитураларини ҳам ҳаёлдан кечиришим керак. Ана шундагина ўзимни кечки спектаклга тайёр, деб ҳисоблайман».

Дарҳақиқат, актёрнинг ҳар бир куни дақиқаларигача ҳисобда. Бу санъаткор ҳақида театрнинг бош режиссёри Ф. Сафаров шундай дейди: «Пўлат Мустафоев ўз ишига талабчан ижодкорлар сирасига киради. Бу Пўлатнинг санъат чўққилари сари кўтарилишига йўл очиши, шубҳасиз».

Аҳмаджон РАҲИМОВ

КОНКУРС ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги ҳамда Совет кишиларининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 40 йиллиги муносабати билан энг яхши оммавий қўшиқлар конкурси давом этади.

Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш Давлат Комитети Ёзувчилар ва Композиторлар союзлари билан ҳамкорликда республикамиз ҳаётига оид муҳим тарихий воқеа ва саналар муносабати билан мунтазам равишда энг яхши оммавий қўшиқлар учун конкурс ўтказиб келади.

Шу ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган навбатдаги конкурс яқинлашиб келаётган юбилей яъни, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги ҳамда совет кишиларининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 40 йиллигига бағишланади.

Конкурсга Ватан, Коммунистик партия, Совет Армиясининг қаҳрамонона шонли йўли, совет кишиларининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабаси, ватанпарварлик туйғуларини камол топтирувчи, қаҳрамонона меҳнатларини шарафловчи, мамлакатимиз халқларининг дўстона алоқаларини, совет ҳаёт тарзини ифодаловчи қўшиқлар қабул қилинади, конкурсга гражданлик ва ватанпарварлик қўшиқларидан ташқари лирик ҳамда марш характеридаги тароналарни ҳам тавсия қилиш мумкин.

Конкурсда иштирок этиш учун жюри адресига текст клавири ва девиз остида икки нусхада қўшиқ тексти юборилиши зарур. Конверт ичига конверт солиниб, унда асар муаллифларининг исм ва фамилиялари, уй адреслари девиз ва асар номи ёзилиши керак.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган конкурс 1984 йилнинг эълон қилинган кунидан 1 декабргача ўтказилади. Конкурс якунлари матбуот, радио ва телевидение орқали 1985 йилнинг 1 январида эълон қилинади.

Совет кишиларининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасига бағишланган конкурс 1985 йилнинг 25 апрелигача давом этади. Конкурс якунлари матбуот, радио ва телевидение орқали 1985 йилнинг 9 майида эълон қилинади.

Энг яхши асарлар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади.

1—мукофот (2 та) Ҳар бири 500 сўмдан, шу мукофотнинг биттаси болалар ва ўсмирлар учун ёзилган энг яхши қўшиққа.

2-мукофот (5 та) Ҳар бири 350 сўмдан, шу мукофотнинг иккитаси болалар учун ёзилган энг яхши қўшиққа

3-мукофот (5 та) 250 сўмдан, шу мукофотдан 2 таси болалар учун ёзилган энг яхши қўшиққа.

Конкурс материаллари қуйидаги адресга юборилсин. **Тошкент, ГСП, Хоразм кўчаси, 49. Радио. «Қўшиқлар конкурсига», деб ёзилсин.**

ҚУТЛАЙМИЗ!

ЗАҲМАТКАШ

Оппоққина юзлари,
Кўм-кўккина кўзлари,
Ширин-шакар сўзлари,
Бу ким экан сўзлангиз,
Айтиб беринг билсангиз?
Биз ҳаммамиз биламиз:
Манзурахон аямиз!

Болаларнинг чуввос уриб аянинг бағрига отилгани, анвойи гуллар билан буркаб ташлаганини кўриб зал ларзага келди, қарсак ва олқишлар янгради.

Ҳа, Манзурахон Ҳамидовани катталар ҳам, кичиклар ҳам бирдек ардоқлайдилар. Бугунги кунда эл эъзозида бўлган Манзурахон ая етмиш ёшда, санъатини элга манзур этганига ярим аср тўлди. Оддий косиб оиласидан чиққан, босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлаган қиз шунчалик эл ҳурматига сазовор бўламан, деб ўйлаганмиди? Ўтган йиллар ичида саҳнада қанчадан-қанча образлар яратди. Ҳа, яратганда ҳам қалб қўри, бутун вужуди билан ижод қилди. «Ғолибият»да Зулфия, «Ғунчалар»да Нигор, «Ҳалима»да Холжон, «Гулсара»да Ойсара каби ўнлаб, юзлаб қиёфага кирди. Мен Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романи асосида «Элмурод» телевизион постановкасини тайёрлаганимда отинойи ролини ижро этган Манзура аянинг репетицияларда бўлган талабчанлиги, ҳаётий ижро услубини кўриб ҳақиқий саҳна заҳматкаши эканлигига ишонч ҳосил қилганман. Ч. Айтматовнинг «Оқ кема» асарида Чўлоқ чўтир кампирни дардли, эртакнамо қаҳрамон даражасида гавдалантирган бўлса, Раҳмат Файзийнинг «Ўз уйингдасан» спектаклида уруш машаққатларини бошидан кечирган ўзбек аёли тимсолини яратди. Манзурахон аянинг актёрлик диапазони кенг. Республика телевизион экранида бериладиган «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувида турли характердаги қанчадан-қанча оналаримиз қиёфасини яратди. Телевизион миниатюраларда ҳам ўз ролларини қиёмига етказиб ижро этади. Санъаткор эл назарида бўлдими, демак, у узоқ яшайди.

Халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон халқ артисти Манзурахон аяни бутун театр санъати мухлислари номидан қутлуғ ёши билан муборакбод этамиз.

Маҳкам МАҲАМЕДОВ,
республика Ёш томошабинлар театрининг бош режиссёри, ЎзССРда хизмат кўрсатган артист

ДИЛ ОҒРИҒИ

Боши иккинчи бетда

Воқеа тафсилотлари билан танишиш жараёнида бизни яна бир савол ўйлантириб қўйди: йўлланмани ҳеч ким хоҳлаган жойидан хоҳлаган пайтида олиб кетавермайди-ку. Бу ўринда ҳам қонун қоида бор. Масалан, улуғ Ватан уруши инвалиди бўлган пенсионер агар ишлаб турган бўлса, йўлланмани иш жойидан, агар социал таминот бўлими ҳисобида турган бўлса, ана шу бўлимдан олиши лозим. Қолаверса, унинг ҳам аризаси, доктордан хулоса қоғози бўлиши зарур. Йўлланмани олгач, у ҳам ҳисоб дафтарига имзо чекиши даркор. Афсуски, совхоз ишчилар комитетида бўлганимизда бизга бундай ҳужжатларни кўрсатишолмади. Хўш, йўлланма пенсионерга нимага асосланиб берилган?

Биз таажжубландик. Раис эса ўнғайсизланди. Стулни ғижирлатиб оғир қимирлади.

— Йўқ-да ўша нарсалар, йўқ. Шунинг учун путёвкани бермай бир ҳафта ўн кун кўнмай қочиб ҳам юрдим. Лекин охири бўлмади-да... телефон устига телефон қилишаверив ҳеч...

— Кимлар ўша телефон қилганлар, айтолмайсизми?

Раис айтолмади. Ҳеч оғзи бормади. Яна стулни ғижирлатиб оғир қимирлади.

— Биласиз-ку, тушунасиз-ку ўзингиз ҳамма нарсани....

Ҳа, унча-мунча нарсани биламиз, тушунамиз. Ким телефон қилган бўлиши мумкин? Албатта, лавозими ундан каттароқ, бирортаси ёки бирор уятлироқ танишни ё қариндоши. Хуллас, шахсий манфаат йўлида таниш-билишчилик қилишдан жирканмайдиган киши. Телефон қилиб нима деган бўлиши мумкин ўша киши? Йўлланмани шу кишига бермасанг, жонингни оламан, ' дегани йўқдир, албатта. Лекин, хўш, жонингни оламан деган бўлса нима қилипти? Олсин. Ҳақиқатни деб, адолатли тақсимотни деб жонидан кечганлар камми?! Совхоз ишчилари ўз комитетларининг раислигига — шундай обрўли ва масъулиятли лавозимга бошқа бировни эмас, уни сайлашган экан, ақли дониш деб, тақсимотда ҳалол деб, ҳақ йўлда хатто жонидан ҳам кечишга қодир деб сайлашган. Унинг бўлса тракторчидан узр сўраб қўйиш ақлига келмапти. Бор-йўқ қилган иши бир ҳафта кўринмай қочиб юриш бўлипти. Аммо телефон ҳадеб жиринглайвергач, ким билсин, жони ширинлик қилиптими, ё амалми, таслим бўлипти-қўйипти. Йўлланмани социал таъминот бўлими ҳисобида турган кишига муовинидан аризасиз, докторнинг қоғозисиз, имзосиз — ҳеч нарсасиз бериб юборипти. Хўш, шундай ходимни қандай дейиш мумкин? Ишончни оқлолмади. Коммунист раҳбарга муносиб иш тутмади. Бебурдлик, принципсизлик қилди, дейишимиз керак эмасми?

— Тўғри, принципсизлик қилдим, тўғри, — деди. — Лекин мени ҳам тушунинг. Телефон қилишавериб ҳеч....

Сезяпсизми? «Телефон қилишмаганда, у ҳам принципсизлик қилмас эди», — десагу, тушунсагу, оқлаб қўя қолсак Раисимиз шуни истайдилар. Шуни кутяптилар. Бизнинг кўнгилчанлигимизга умид боғлаяптилар. Лекин биз бундай қилмаслигимиз, кўнгилчанликни мижғовлик билан тенг қилиб қўймаслигимиз, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташимиз, шунга яраша муносабатда бўлишимиз лозим. Шундагина диллар оғришининг олдини олишимиз, партия, совет, жамоат органларига бўлган ишонч янада ортади.

АВТОР СЎНГ СЎЗИ: шу темада қўйи матбуотда ҳам чиқиш қилган эдик. Раисимизга аллақачон тегишли органлар томонидан тегишли муносабат билдирилди. Шунинг учун яна унинг адреси, исм-фамилиясини аниқ ёзишни эп кўрмадик.

Шокирали НУРАЛИЕВ

ТОЖИК КИНОСИ КУНЛАРИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи арафасида республикамиз шаҳар ва қишлоқларида тожик совет киноси кунлари ўтмоқда. Бу кино байрамида тожикистонлик санъаткорлар яратган энг яхши фильмлар намойиш этилади. Улар орасида «Гаровдаги киши», «Назорат чизиғи», «Абу Али ибн Сино», «Насриддиннинг биринчи муҳаббати», «Довонда отилмасин» ва бошқа қатор бадиий картиналар бор. Шунингдек, Тожикистон меҳнаткашлари қўлга киритган ютуқлардан ҳикоя қилувчи бир неча ҳужжатли ленталар ҳам кўрсатилади.

Кино кунлари давомида тожик кино усталари томошабинлар билан ижодий учрашувлар ўтказадилар, ҳамкасблари билан фикр алмашадилар. Бир сўз билан айтганда, республикамизда ўтаётган бу дўстлик анжумани икки қардош, азалий биродар халқлар маданиятининг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

ҲИНД ШОИРИДАН МАКТУБ

Яқинда мен Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳрида истиқомат қилувчи шоир дўстим Саман Сарҳадийдан кичиккина бандероль олдим. Уни очиб қарасам, Мирут шаҳрида урду тилида чиқадиган «Мирут Мела» газетасининг бир неча сони ва жаноб Сарҳадийнинг хати бор экан. Шуни айтиш керакки, Владимир Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» поэмасини урду тилига қилган таржимаси учун Саман Сарҳадий 1980 йилда Неру мукофотига сазовор бўлган эди. У ўз хатида шундай дейди: «Муҳтарам ўзбек биродарим! Ҳамид Олимжон шеърларининг насрий таржималаридан юборибсиз. Олдим, раҳмат. Шулардан фойдаланиб, «Ўзбекистон», «Ўрик гуллаганда», «Россия», «Энг гуллаган ёшлик чоғимда», «Йигирма иккинчи июнь саҳари» шеърларининг таржимасини поёнига етказдим ва «Мирут Мела» газетасида чоп эттирдим. Газетанинг шу сонидан икки-уч нусха сизга ҳам юборяпман. Илтимос, агар иложи бўлса, бир нусхасини Зулфия хонимга менинг номимдан ҳадя этсангиз.

Сизга яна шуни маълум қилмоқчиманки, яқинда Деҳли шаҳрида жойлашган совет фани ва маданияти уйида «Тошкент — дўстлик ва тинчлик шаҳри» мавзуида мушоира кечаси бўлиб ўтди. Кечага таниқли урду шоири Ғулом Раббоний Тобон раислик қилди. Мушоира очилиши пайтида совет фани ва маданияти уйи директорининг муовини Сурўат Мирқосимов, Ҳиндистон парламенти аъзоси Р. Л. Бхатия, Деҳли университетининг ўқитувчиси, таниқли адабиётшунос олим доктор Қамар Раис, Жавоҳарлал Неру номидаги университетнинг профессори Сатиш Чандра сўзга чиқдилар. Нотиқлар ҳинд-совет ҳамкорлиги бутун дунёда тинчлик ишига хизмат этажагини таъкидладилар. Шоирлардан Ажмал Ажмалий, Мутайюн Сиддиқий, Қамар Раис, Изҳор Асар, Воҳид Саҳарий, Сарешбар, Даял Саксена ва Рамеш Каушик Тошкент ва Ўзбекистонни шарафловчи, мустаҳкам ҳинд-совет дўстлигини мадҳ этувчи шеърлардан ўқиб бердилар. Мушора йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Мен ҳам «Тошкент» деб номланган шеърим билан кечада иштирок этганимдан мамнунман».

Газетхон дўстлар! Шоир Саман Сарҳадий мушоирада ўқиган шеърни менга юборибди. Уни истеъдодли таржимон Амир Файзуллаев урду тилидан ўзбек тилига ағдарган. Ҳимолай чўққилари оша Ўзбекистонимизга етиб келган бу шеърий мактубни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Шароф МИРЗАЕВ,
«Радуга» нашриёти Тошкент бўлими ҳинд редакциясининг редактори

Саман САРҲАДИЙ

ТОШКЕНТ

«Шарқ машъали» ном олган жонон шаҳар Тошкент,
Тинчу омонликка чин макон шаҳар Тошкент,
Ўзбекистон жисм бўлса, жон шаҳар Тошкент,
Олис Ҳиндистонга қадрдон шаҳар Тошкент,
Сайру саёҳат айлаб, дилларни шод айлангиз,
Базму гурангбар аро бир-бирни ёд айлангиз.
Кўкни елкалаб турган саф-саф иморатлари ,
Бири-биридан гўзал ҳар ёнда боғотлари,
Турлик мева бирла минг хил илтифотлари,
Зулматнинг бағрини чок айлагай ҳаётлари.
Ризқи бутун бу элга таъзим бажо айлангиз,
«Шарқ машъали» номини дилларга жо айлангиз.
Танти, меҳмондўст экан бағоят ўзбек эли,
Неча минг йиллар сирин сақлар ниҳона дили,
Боғи Эрамнинг, қаранг, хушовоздир булбули,
Қайда яхшилик борки, узатса етгай қўли,
Аҳли ҳунар толеи кулган диёр бу, дўстлар,
Илму адаб кўнглида доим шиор бу, дўстлар.
Мирмуҳсин ҳам Зулфия камол топган бу Ватан —
Эртаю кеч булбуллар чақчақи тинмас чаман,
Советлар мамлакатин энг тўри, кутлуғ маскан,
Кун-бакун, соат-басоат юксалишда илму фан.
Кўрмадим оламда асло ўхшашини, эй дўстлар,
Ўзбекистон халқидай меҳнаткашин, эй дўстлар,
Икки минг йил — умрига мезондир бу сарҳисоб,
Исму жисмига бор-бор тушди ахир печу тоб .
Ленинның орзулари рўёбга чиқди боб-боб,
Шу боис — собитқадам, шу боис — зўрдир шитоб,
Марҳабо, шаҳри Тошкент, сенга салом, ассалом,
Пойингда шоир Саман пойибўс айлар, тамом.

Урду тилидан Амир ФАЙЗУЛЛАЕВ таржимаси

ҚАРДОШЛИК САНЪАТИ НАМОЙИШИ

Ўрта Осиё республикалари ва Компартияларининг 60 йиллиги олдидан қардош республикаларда кино санъати байрами бўлиб ўтмоқда.

Тошкент шаҳрида очилган Туркманистон киноси кунлари режиссёр Холмамат Канабоевнинг «Калта енг» фильми билан бошланди. Кино кунларида қатнашиш учун Туркманистонлик бир гуруҳ кино санъати усталари Ўзбекистонлик томошабинлар ҳузурига меҳмонга келдилар. Улар орасида С. Отаева, Р. Қулиева, К. Аннонов, Ч. Хўжанов каби актёрлар бор.

* * *

Тожикистонда ўзбек киноси кунларининг очилишига СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов бошлиқ бир гуруҳ актёрлар ташриф буюрдилар. Кино кунларида Тожикистон кинотеатрларида Комил Ёрматов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Алломанинг ёшлиги», «Пароль—«Регина» меҳмонхонаси», «Бўйсунмас», «Суюнчи» бадиий фильмлари намойиш этилди.

Кино санъати кунларида санъаткорлар билан томошабинларнинг учрашувлари, мунозаралар бўлиб ўтди.

Самарқанд шаҳрида яқинда ишга тушган бу янги магазинда меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олиб борилади.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ фотоси

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЮЗАКИ ТАСАВВУР

Вақт — энг яхши табиб. Йиллар ўтиши билан ҳар қандай нохуш воқеа, мусибат унутилиб, жароҳатлар битиб кетади. Ҳаёт тағин ўз изига тушади. Аммо Улуғ Ватан уруши, унинг тарихий сабоқлари асло унутиб бўлмас воқеалардан. Биз Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш арафасида турган бўлсак ҳамки, уруш жароҳатлари битган эмас.

Ҳа, у кунларни унутиб бўлмайди! Айниқса ҳозирги нотинч кунларда — АҚШнинг милитаристик доиралари, унинг НАТОдаги иттифоқчилари зўр бериб қуролланаётган, коммунизмга қарши «салб юриши» эълон қилган дамларда уруш сабоқларини унитиб бўлармиди?

Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг оқилона таклифларини турли-туман баҳоналар билан рад этиб келаётган ғарбнинг империалистик доиралари халқаро аҳволни ҳаддан ташқари кескинлаштириб юбораётганликларига бутун инсоният гувоҳ бўлиб турибди.

Бизнинг халқимиз уруш даҳшатларини бошдан кечиргани учун ҳам тинчликни жуда қадрлайди, тинчлик учун курашади. Биргина Улуғ Ватан урушида йигирма миллион қурбон берганимизни эслаб кўринга! Ваҳоланки, Америка Қўшма Штатлари мустақиллика эришган 208 йил давомида барча урушларда атиги 650 минг киши йўқотди, холос.

Шунинг учун ҳам АҚШдаги кўпгина кишилар уруш ҳақида бир томонлама тасаввурга эга бўлиб қолмоқдалар. Бу билан биз мазкур мамлакатда тинчлик тарафдорлари йўқ, демоқчи эмасмиз. АҚШнинг ўзида ҳам ядровий уруш касофатларини тушуниб етган, Рейган маъмуриятини ақл-идрокка даъват этаётган сиёсат ва жамоат арбоблари, меҳнаткашлар анчагина. Уларнинг овозлари баралла эшитилиб турибди, сафлари кенгаймоқда.

Аммо бу мамлакатда шундай тоифадаги кишилар борки, улар диктаторлик даъво қилишдан чарчамаяптилар. Жамоатчилик фикрини ўрганувчи марказнинг маълумотларига қараганда, Гренада воқеаларигача айрим тоифадаги кишилар орасида президент Рейганнинг қадр-қимматм, мавқеи жуда паст бўлган. У халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол тарзда бузиб, Гренадага қарши агрессия уюштиргандан кейин ўша шахслар унинг номини кўкларга кўтариб мақтайдиган бўлишган. Демак, бундай кишилар Рейган бошлиқ бўлган маъмуриятнинг босқинчиликдан иборат ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлашган.

Шуниси қизиқки, кўпгина америкаликлар урушни кўнгил очар бир эрмак ёки қизиқарли томоша деб тасаввур этадиларки, бу ҳолдан ажабланмай иложингиз йўқ. Дарҳақиқат, АҚШ фильмлари мисолида ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Айрим фильмларда денгиз пиёдалари ўз маъшуқалари билан яшнаб-қувнаб хайрлашадилар, худди саёҳатга йўл олаётган кишилардек қувноқлик билан йўлга тушадилар. Шуниси ғалатики, улар ҳар қандай душманни жуда осонлик билан мағлуб этадилар ва ҳар гал ўзлари соппа-соғ қоладилар. Бу воқеаларнинг ҳаммаси Америка қирғоқларидан анча олисда, ўзгалар юртида содир бўлади. Бундан мақсад, энг аввало, омма онгини заҳарлаш, албатта. Биз ҳар қандай урушда ғолиб чиқамиз, ўзимизни жин ҳам урмайди, деган ғоят хавфли фикр уларнинг онгига шу тариқа сингдириб борилади.

Океан ортидаги империалистлар ўтган урушларда бўлганидек, бу гал ҳам, уруш бизнинг қирғоқларимизгача етиб келмайди. Бундан бошқалар талофат кўрсалар майли, биз четда қоламиз, деган хомхаёл билан яшаётганликлари кишини ажаблантиради.

Партиямиз ҳамма мамлакатларнинг ташқи сиёсати — тинчлик сиёсатини бўлиши кераклигини тарғиб қилаётганининг боиси ҳам худди ана шунда. Чунки қуролланиш пойгаси катта харобаликларга, қашшоқликларга сабаб бўлмоқда.

Ҳозир ер юзида ҳар йили ҳарбий тадқиқотлар олиб бориш мақсадларида 25 миллиард доллар сарфланаётганлигининг ўзи ҳам бу ишнинг улкан ва нохуш кўламидан далолатдир. Ҳарбий мақсадларга сарфланаётган бир кунлик чиқим дунё бўйича безгак касаллигини батамом йўқотиш учун етарлидир. АҚШнинг бир дона «Трайдент» сувости кемасининг ҳаражати ривожланаётган мамлакатларда 16 миллион болани йил давомида ўқитишга ёки 2 миллион киши яшаши мумкин бўлган 400 минг уй қуришга етиб-ортади.

Шу рақамлар мағзини чақиб кўрган киши ҳам қуролланиш инсониятни қанчадан-қанча неъматлардан маҳрум этаётганига ишонч ҳосил қилади.

Аммо Совет Иттифоқи бош бўлган социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, қолаверса, жаҳондаги барча мамлакатларда тобора қудратли кучга айланиб бораётган тинчликсевар кучлар бундан кейин ҳам устунликка эришишлари турган гап.

Урушга тайёрланаётган империалистлар адолатга зид иш тутиб, ҳарбий устунликка эришиш йўлини танлар эканлар, биз уларга КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг қуйидаги сўзлари билан жавоб берамиз: «Биз маклакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаб, урушқоқ авантюрачиларнинг жазавасини пасайтира оладиган етарлича воситаларга эга бўлиш ҳақида бундан буён ҳам ҳаракат қилаверамиз».

Ў. МАТҚОСИМОВ

ЎЗБЕК СИМФОНИЯСИ ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб ўзбек симфоник музикаси фестивали бўлиб ўтмоқда. 20 сентябрь куни «Баҳор» концерт залида очилган бу фестиваль 8 октябрга қадар давом этади. Дастлаб истеъдодли композитор Мирсодиқ Тожиевнинг СССР Давлат мукофотига тавсия этилган 8-симфонияси янгради. Шунингдек, Сайфи Жалил, Мутал Бурҳонов, Борис Гиенко, Дилором Сайдаминова, Мирхалил Маҳмудов, Нурилла Зокиров, Мустафо Бафоев ва бошқа ўзбек композиторларининг симфоник асарларини санъат ихлосмандлари катта қизиқиш билан тингламоқдалар.

Бугун «Баҳор» концерт залида дирижёр, Ўзбекистон ССР халқ артисти Зоҳид Ҳақназаров бошчилигидаги республикада хизмат кўрсатган давлат симфоник оркестрининг концерти бўлади. Икки қисмдан иборат бу музика кечасида В. Успенский, Р. Глиэр, Б. Зейдман, А. Козловский асарлари ижро этилади.

Шубҳасиз, ўзбек симфоник музикаси фестивали республикамиз композиторларининг 60 йил давомида қўлга киритган ютуқлари намойиши ҳамда санъатсеварлар учун катта байрам сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

«ЁШ ГВАРДИЯ»НИНГ ЮБИЛЕЙ ГАСТРОЛЛАРИ

Шу кунларда Ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театри коллективи Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллиги олдидан ўтказаётган гастроль сафарларини давом эттирмоқда. Театр директори Мавлон ХЎЖАЕВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Гастроль спектакллари маҳорат синови, ҳақиқий имтиҳондир. Шу маънода бу йил коллективимиз катта-катта синовлардан ўтмоқда. Яқиндагина Татаристон АССРдаги гастролларимизни тугатиб, Татаристон АССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини олиб қайтдик.

Ҳозирги пайтда Украина сафари давом этмоқда. 1 октябрда Керчь шаҳридаги Пушкин номидаги драма театри биносида «Сокин тонглар» спектаклини намойиш этиш билан бу шаҳарда ўн беш кун давом этадиган гастролларимиз бошланди. Кейин ўн беш кун Феодосия шаҳрида бўламиз.

Коллективнинг гастроль репертуари ранг- баранг. Намойиш этилаётган асарлар орасида «Зада бўлган пайғамбар» (А. Макаёнок), «Гуноҳкор авлиё» (М. Варфоломеев), «Ёшлик — бебошлик» (М. Ҳасанов), «Тақдир эшиги» (Ш. Бошбеков) каби спектакллар бор. Барча спектакллар рус тилида ижро этилади.

КИЧКИНТОЙЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Тошкент область бўлими, Олмалиқ шаҳар ёш қаламкашлар Адабий уюшмаси билан ҳамкорликда, шаҳардаги Кимёгарлар саройида Болалар шеърияти байрами уюштирди.

Шеърият байрамида «Дружба народов» журнали ходими Юрий Герш, Ўзбекистон ССР халқ шоири Жўлмирза Оймирзаев, шоирлардан Анвар Эшонов, Тўлқин, Анвар Обиджон, Шамси Одил, Мирпўлат Мирзаев, Рауп Толипов, Муҳаммад Раҳмон, олмалиқлик қаламкашлардан Мусулмон Асқаров, Геннадий Дубов, Владимир Пядухов, оҳангаронлик шоира Зарифа Эралиева ва бошқалар болаларга бағишланган шеърларидан ўқиб бердилар.

Ш. ҚУРБОНОВ

ОПЕРЕТТА ТЕАТРИ ГАСТРОЛЛАРИ

Тошкент Давлат оперетта театри РСФСР гастролларидан қайтди. Бу ҳақда театр бош режиссёри. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Кирилл Васильев мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Биз Волгоград, Липецк ҳамда Саранск шаҳарларида гастролда бўлдик. Ҳар йили ёзда қардош республикаларга ана шундай узоқ муддатли ижодий сафар қилиш театримизнинг анъанасига айланиб қолган. Бу сафаримизга катта масъулият билан тайёргарлик кўрдик. Қардош республикалардаги оперетта ихлосмандлари ҳузурига Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига атаб саҳналаштирилган асарлар билан бордик. Зотан, гастролимиз ҳам шу шонли санага бағишланган эди.

Юбилей спектаклларимиз «Дўстлик йўллари» деб номланган туркумдан иборат бўлиб, улар Энмарк Солиҳовнинг «Хўжа Насриддин», Владислав Казиннинг «Чайладаги жаннат», Александр Берлиннинг «Баҳорим қалдирғочи» асарларидан иборат. Биринчи асар ўзбекларнинг афсонавий ҳажвий қаҳрамони ҳақида бўлса, иккинчиси Тошкент зилзиласи ва унинг оқибатларини тугатишдаги қардошларча ҳамкорлик мавзуида, учинчи асар пахтакорлар ҳаётидан ҳикоя қилади.

Шунингдек, қардош томошабинларга классик композиторлар Кальман, Лигар, Штраус асарларидан иборат программани намойиш этдик. Оперетта ихлосмандлари театримизнинг бош дирижёри Ботир Расуловнинг музика асарларига бўлган талабчанлигини, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Фаина Оленьева, Николай Шацкий, артистлар Зинаида Соловей, Людмила Бессарабова, Иосиф Шаломаевнинг маҳоратини, бош рассомимиз Виктор Фокторовичнинг саҳна безакларини яхши баҳоладилар.

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИГА

«Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони олишим муносабати билан мени табрйклаган ташкилотлар, дўстлар ва китобхонларга самимий ташаккуримни газетангиз орқали билдиришга рухсат этсангиз.

Ҳурмат билан Ҳаким НАЗИР

АҚШ ҳукмрон доираларининг Марказий Америка давлатлари, жумладан Сальвадорнинг ички ишларига нисбатан ҳарбий аралашуви Қўшма Штатлар аҳолиси ўртасида ҳам норозиликлар келтириб чиқармоқда.

СУРАТДА: Сан-францисколик тинчлик учун курашчилар Сальвадор ватанпарварлари билан бирдамлик туйғуларини ифодалаб намойиш ўтказмоқдалар.

АДН-ТАСС фотоси

Эгамберди ҚУДРАТОВ

ХЎЖАЙИНИНГИЗГА АЙТИБ ҚЎЙСАНГИЗ...

Туғруқхонада врач Умидвор Тамагирова янги келган хотинларни текширмоқда.

— Хўжайинингиз қаерда ишлайдилар?

— Омборда.

— Ким бўлиб?

— Мудир.

— Мудир. Яхши. Энди айбга буюрмайсиз, келинжон. Шу иккитагина қўзимиз бор. Иложи бўлса, 4—5 халта комбикормами ёки пресланган бедами, арпа бўлсаям майли, керак эдида. Хўжайинингиз келганда айтиб қўйсангиз...

— Хўш, онажон! Хўжайинингиз қаерда ишлайдилар?

— Қурилишда, прораб.

Жуда соз. Энди айбга буюрмайсиз — кеннойи. Бир кичкинагина участка қураётувдик. Икки кубми, уч кубми, половой тахтадан... Иложи бўлса, албатта. Хўжайинингиз келганда айтиб қўйсангиз.

—Сизнинг хўжайинингиз нима иш қилади?

— Колхозда бригадир.

— Дуруст. Энди, сингилжон ўзингиз биласиз, шаҳарчилик, бўлка нонга жиғилдон қайнайди. Айбга буюрмайсиз. Бергандан ҳам бир сўра, бермаганданам, — деганлар. Агар иложи бўлса, мажбурий эмас, албатта, бир тележкагина ғўзапоя... Шуни хўжайинингиз келганда айтиб қўйсангиз...

— Хўжайин қаерда ишлайдилар?

— Техника магазинида.

— Касби — корига барака. Энди опажон, айбга буюрмайсиз. Машинамизнинг оёғи ейилиб кетган. Хўжайинингиз келганда айтиб қўйсангиз, агар иложи бўлса, тўрттагина баллон тўғрилаб берса...

— Хўш, холажон! Хўжайинингиз ким бўлиб ишлайдилар?

—Гўрков!

— Лаббай!

— Қабристонда гўрков, айланай.

Врач Умидвор Тамагированинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди, юзлари қизарди. Анча вақтгача жимиб қолди.

—Нега жимиб қолдинг, холанг ўргилсин. Нима керак, тортинмай айтавер, хўжайининг келганда айтиб қўяман...

ПАХТАЗОР ҲАНГОМАЛАРИ

Раис дам олиш хонасида ёнбошлай туриб, шоферига тайинлади:

—Далаларни айлан, орасира сигнал бериб қўйишни унутма, зора, анови боқибеғам бригадирлар, раис айланиб юрибди, деб сал қимирласа.

* * *

— Салимбой, бугун авжингиз баланд.

—Ҳа, эгатдан бир этак пахта топиб олиб: «Бу кимники», — деб уч марта бақирдим. Охири: «Бу ўзимники», — дедиму хирмонга ғоширдим.

* * *

—Ҳа, Соливой, ўйланиб қолибсиз? — сўради бригадир.

— Шу дейман, ўлимларимиз пахта терадиган автомат қўл ўйлаб топишса бўлмасмикин-а?

А НАЗАРАЛИЕВ

ДАВОМИ ЎЗИНГИЗГА

МАЪЛУМ

Ҳурматли ўртоқ редакция ходими! Жавоб хатингизни олиб, ҳайратдан ёқамни ушладим.

Сиз каминаи камтарин каломидаги чуқур маъноларни англамабсиз, чоғи. Гапда, аввало, мантиқ бўлиши лозим. Шеърингизни бармоқда ёзинг, аруз анча мураккаб дебсиз. Нима, мен бармоқда ёзмай, оёқда ёзибманми? Кейин аруз деганингиз нимаси? Балки тарвуз демоқчидирсиз? Тавба, тарвуз устида ўтириб ёзишдан нима фойда?!

«Қарғалар навоси» сарлавҳали шеъримни савияси паст, бадиийликдан йироқ деганингизга ҳайронман. Наҳотки, бу шеърдаги оламолам маънони ҳис этмаган бўлсангиз. Рухсатингиз билан қисқача тушунтирай. Лирик қаҳрамон қиш кунлари дала кезади, оппоқ қорга бурканган тупроқ билан диллашади. Шу пайт «қағ-қағ» деган овоз унинг фикрини бўлади. Табиийки, бу қарғалар овози. Лирик қаҳрамоннинг, яъни шоирнинг юрагида илҳом уйғонади, қалб туйғулари қоғозга кўчади:

Қадрдон далаларда
Мана, тугаб қолди иш.
Қарғалар навосида
Бугун ўзгача хониш.

Давоми ўзингизга маълум. Сиз ҳам далага чиқинг, атрофга боқинг. Аминманки, ўшанда бу мисралар нақадар топиб айтилганига ишонасиз. Яна бир нарсани эслатиб қўяй. Баҳорда қалдирғоч, ёзда булбул, қишда қарға мадҳ этилади.

Сизга янги шеърларимдан юборяпман. Ўйлайманки, эътирозларим ҳисобга олинади.

Салом ила О. Енгилмасов.

Хатни оққа кўчирувчи
Усмонжон АҲМЕДОВ

УСТА ГУЛМАТ ҒАЗАЛЛАРИ

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 18

Фақат оз-моз чўтирдирман, шол эмасман, букирмасман,
Соқол оппоқ, кангул ёшдир, висолдин юз ўгирмасман.

Кечиб беш вақт намозидин, ичиб обдастадин майни,
Санғигум ёр уйин излаб, ки масчидга югурмасман.

Азал мағрур туғулғонман, мани шердек сабоғим бор,
Жафо кўрсам урурман оҳ, вале молдек бўкирмасман.

Фалак пасангиси—танда: бу ёнда дард, у ёнда шавқ,
Бу тарафга қўшмағаймен, ул тарафдин ўпирмасман.

Бўлойин мард, келиб жоно мани ўлдирса ўлдирсун,
Севгидин чанг юқибдир, бас они дилдан супурмасман.

Буюк ишқингга, э Гулмат, у танноз туфлади кетди,
Оғизда—пулга келғон нос, боис ман тупурмасман.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 19

Инглиз отлиғ бир оролча тарқатибдур, қаранг, пидбўл,[1]
Ўйнар эрмиш эмди қўрқмай Рўсиё-ла Фаранг пидбўл.

Яраслўвда[2] сотиб пашмак, тутялдим ул тамошшоға,
Кангул очмоқ эди аҳдим, мани қилди тажанг пидбўл.

Ки майдонни ҳарифларға бўлиб берғон эканлар тенг,
Бир-бировин томорқосин босдилар, бўлди жанг пидбўл.

Бут шимни тиззадин қирқиб, кийибдур почага енгча,
Кўрунг, гулдек йигитларни айламиш ғирт мазанг пидбўл.

Соқчини чалғитиб кимдир равотга тепди чавгонни,
Егилғоч қийқируқ, ҳуштак, тамом бўлди аранг пидбўл.

Тарқаса биз тарафларға қўрқаманки, аё Гулмат,
Хўжандга Шошни ёв айлаб, қилур элни гаранг пидбўл.

Ғазалларни «Безгакшамол»
девонидан кўчирувчи

Анвар ОБИДЖОН

1. Футбол
2. Ярославль шаҳри

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

ХИРА ПАШША

Хонага кириб қолган хира пашша ҳадеб ғўнғиллар, очиқ деразани кўрмасдан ўзини у ёқдан бу ёққа уриб питирларди.

— Йўлингни тополмас экансан, — бу ошиёнга кириб нима қилардинг, бечора...

ЕЛПАТАК

—Ассалому алайкум, Шарқи Шимолович, жуда тўғри эсяпсиз, марҳабо... Э, салом Шарқи Жанубович, офарин, офарин... Э, бормилар Жануби Ғарбович, қадамларига ҳасанот... Э, келсинлар, келсинлар Ғарбий Шимолович, фақат ўзларини кутиб турган эдик... Оҳ-оҳ, Жанубий Шарқович, жуда соғинтириб қўйдингиз-ку,а?..

— Э, пирилламай ўл-е, елпатак!

ЧИРОҚ

— Бир уйда кечаси билан чироқ ёнмади — тинчликмикин?

— Бир уйда кечаси билан чироқ ўчмади — тинчликмикин?

ГУЛУ РАЙҲОН

Сен ҳам гулмисан? —деб сўраб қолишди бир кун Райҳондан.

— Гулликка — гул эмасман. Лекин кўнглимиз гул, ҳидимиз гул, — деди Райҳон. — Димоғингизни тутинг-а...

Ҳаммаёқни райҳоннинг ажойиб ҳиди тутиб кетди.

ПЕШОНА НИМА ДЕЙДИ?

— Мунча тиришмасанг-а, ажинларингни қара, тарам-тарам бўлиб кетди, — дейишди Пешонага.

— Халақит берманглар, мен ишлаяпман, — деди Пешона.

МУНОСАБАТ

Хонада бўлим бошлиғи — Бўривой, унинг икки ёнида ходимлари: Олапар ва Эчкиой, сал қуйироқда машинкачи Товуқхон ўтиришибди. Уларнинг ҳар бири ўз ишларига шунчалик берилиб кетганки, хонадан фақат машинканинг бир маромда чиқиллаши эшитилади. Бир пайт бўлим бошлиғи қаттиқ акса урди.

— Саломат бўлинг,— бараварига жўр бўлишди хонадагилар.

Орадан бир соатларча вақт ўтгач, кичик ходим Эчкиой қўққисдан чучкириб қолди. Алланималарни ёзаётган Бўривой ҳатто бошини ҳам кўтармади. Катта илмий ходим Олапар аввал бошлиққа қаради, кейин кўз қири билан Эчкига бир назар ташлади-да, индамай ишини қилаверди.

Товуқхон ёзув машинкасининг клавиатурасини қаттиқроқ босаркан секингина шипшиди:

— Соғ бўлинг.

Унинг гапини на бошлиқ эшитди, на катта илмий ходим.

Акбарали НУРМАТОВ



Рассом Ш. СУБҲОНОВ

УЙИНГИЗДА ЎСМИР БОР...

БИР КИШИ донишманддан:

— Фарзандим беш яшар бўлди, айтинг-чи, унга тарбия беришни неча ёшдан бошласам бўлади? — деб сўраган экан. Шунда донишманд:

— Сиз беш йилга кечикибсиз, — деб жавоб берибди.

Бу халқ ҳикматининг замирида катта маъно бор. Ҳар бир ота-она болам эсли-ҳушли, одобли, эл-юртга манзур инсон бўлиб етишсин, деб орзу қилади. Фарзандининг яхши униб-ўсиб, одам бўлишини ўйлайди.

Автобусда икки киши суҳбатлашиб кетаётган эди.

— Фарзандингизнинг каттаси қизми, ўғилми? — сўради улардан бири.

— Қизи Сизники-чи?

— Бизники ўғил. Ўғилнинг ташвиши кўпроқ бўларкан. Бу йилдан бутунлай ўзгариб қолди. Муомаласи терс, арзимаган нарсаларга бақириб юборади, укалари билан чиқишолмайди. Дарс тайёрлашни, китоб мутолаа қилишни бутунлай унутди, силлиқ кийиниб кўчага кетаверса...

— Ҳозир айни шунақа ўзгарадиган даври. Ҳушёр бўлинг. Уйингизда ўсмир бор —ҳушёр яшамоқ даркор...

... Тошкент шаҳрининг Октябрь райони вояга етмаган болалар билан ишлаш инспекциясининг бошлиғи, милиция майори И. Нуриддинова билан суҳбатимиз ана шундай тарбияси оғир ўсмирлар ҳақида бўлди.

— Мен, — дейди И. Нуриддинова, — бола тарбияси ҳақида гап кетар экан, аввало ишни ўша бола тарбия топаётган муҳит билан танишишдан бошлайман. Халқимизда «Онасини кўриб қизини ол», деган доно нақл бор. Айтмоқчиманки, бола биринчи ва энг катта тарбияни оиладан —ота-онадан олади. У эсини таниб биринчи кўрган олам— оила, ота-она. Ота-онадаги кўп хислатлар — хоҳ ижобий, хоҳ акси бўлсин— бола характерида шаклланиб боради.

Кўрганда ҳавасинг келадиган кўплаб ўғил-қизларимиз бор.

Аммо... Мана, кўкчалик Носир деган болани олайлик. У бир амаллаб 8-синфни битирди. Шу йиллар давомида бу бебош бола туфайли мактаб, ўқитувчилар жуда кўп азият чекишди. Сўнгги йилларда у милиция ҳисобида эди. Ёшлигидан бесаранжом юрди, дарсдан қочиш, ўқитувчилар билан тенг олишиш, чўнтакка тушиш Носир учун кундалик машғулотга айланди. Бориб-бориб кун бўйи қаёққадир ғойиб бўладиган одат чиқарди. Кейин эса уч-тўрт кунлаб, ҳатто ҳафталаб уйига келмай изғий бошлади.

Мактаб маъмурияти катта ташвишда қолди. Чунки синф раҳбари унинг ҳам ўқувчилар қатори дарс тинглаши, давомати, хулқи учун жавобгар. Сир эмас, ҳар гал, чорак якунланаётганда бир амаллаб унга «уч» қўйиб, қутулиб қўяқолишга ўқитувчилар ҳам мажбур бўлишарди.

Одатда бундай боланинг теварак-атрофидагиларга ҳам таъсири бўлади. Аста-секин атрофига тўдаа тўпланади. Улар «бошлиқ»нинг бир оғиз имосига мунтазир —айтганини бажаришади. Бу даврага бир илинган бола қайтиб чиқиб кетолмайди. Шу тариқа бир «дом»нинг ертўласини маконга айлантириб олган бу тўда кундузи кўлга тушган ўлжасини шу ерда баҳам кўриб яшай бошлади.

— Бу қийин ишни биз милиция инспектори Ҳ. Ҳакимовга топширдик,— дейди И. Нуриддинова. — Инспектор Носирни бир қанча муддат кузатиб юргандан кейин, у билан учрашиб, суҳбатлашишга қарор қилди. Аввал Носир ўқийдиган мактабга борди. Аҳвол жуда чатоқ эди. Мактаб коллективи бундай ноқобил ўқувчи туфайли кўп ташвиш чекиб, чора изларди.

Уйда эса... Уйда масала янада ойдинлашди. Ҳамма гап бу ёқда экан. Носирнинг ёмон йўлга кириб кетишида, ўғрилик қилиб, кўчама-кўча саёқ юришида онаси кўпроқ айбдор эканлиги маълум бўлди. Инспектор Носирнинг қилмишларини оғир-босиқлик билан, онанинг ҳурматини сақлаган ҳолда тушунтирмоқчи бўлди. Аммо она на гапга қулоқ солди, на ўғлининг тарбияси устида бош қотиришни истади. У негадир ўғлининг ярим тунгача уйга келмаслигидан, дарсларни қолдираётганидан унчалик ажабланмади. Ҳатто Ҳакимовнинг келишини ҳам хушламай «Сенга нима, бола меники!» дегандек писанда қилди. Хуллас, Носир 8-синфни бир амаллаб битирди. Кейин инспекция ходимлари уни ишга жойлаб қўйишди. Аммо ўғлининг иши онасига маъқул бўлмади шекилли, ишдан бўшатиб олди. Бола энди на ишлайди, на ўқийди. Синфдошларининг бир қисми 9-синфда, бир қисми ҳунар-техника билим юртларида ўқишни давом эттиришди. Носир эса... машинанинг эҳтиёт қисмларини ўғирлаётганда қўлга тушди...

БУ НОХУШ воқеа аввало Носир тарбия топган муҳит нобоплиги туфайли юз берди. У ҳаётини енгил-елпи кун кечириш: бугун кино театр ёнида билет сотиш, эртага кишиларнинг чўнтагига тушиш, тунларни ертўлада ўтказишга ўрганиб қолди. Она эса ўз фарзандининг келажагига масъулиятсизлик билан қаради. Инспекторнинг куюниб айтган гапларига қулоқ солмади. Уз жигарбандининг юриш-туриши, эгри қўллиги ўйлантирмаган онани қандай она деб бўлади?

Балки инспекторнинг масла-ҳатларига қулоқ солиб, ўғлини вақтида қайириб олса, оналик меҳр-муҳаббати билан ҳалол, пок яшашга ундаса, ноқобил қилмишларини сезганда қаттиқ қойиб, тергаб турса, ўғли ёмон йўлга кирмаган бўлармиди? Лекин она бундай қилмади. Носир ўсган муҳитда ота-онанинг меҳр-оқибати бўлмади. Бу эса ёмон оқибатларга олиб келди. Уз онасига нисбатан қалбида заррача меҳр-шафқат қолмаган ўғил кунлардан бир кун онанинг беш минг сўм жамғармасини ўғирлашга журъат этди...

Ўйлаймизки, бу воқеа фақат Носир ва унинг онаси учун эмас, барча ота-оналар учун катта сабоқ бўлади.

Яна бир нарса одамни қаттиқ ташвишга солади. Бу — жамиятимиздаги айрим нопок кишиларнинг пулга, бойлик орттиришга хирс қўйиш ҳолларидир. Халқимизнинг «Ишламаган — тишламайди», деган яхши гапи бор. Меҳнат қилган одам кам бўлмайди. Лекин, минг афсуски, бирни бешга сотиб, камёб моллар билан олиб-сотарлик қилувчи фирибгарлар ҳам йўқ эмас. Ёмон томони шундаки, улар уялмай-нетмай ўзларининг бу «ҳунар»ларини фарзандларига ҳам ўргатишади. Бу билан нафақат ўзларини, айни пайтда фарзандларини ҳам эл орасида бадном қилишмоқда.

Мана бир мисол. С. Мирзаахмедов деган ўспирин 9-синфда ўқийди. Сўнгги пайтларда у бозорга айланишадиган одат чиқарди. Қараса, мўмайгина пул ишлаб олиш мумкин. Қўлингга кунда пул тушиб турса ёмонми?! У ўқишдан бутунлай совиди, кун бўйи вақтини бозорда ўтказадиган бўлди. Мирзаахмедов камёб атрни сотаётганда қўлга тушди. Унинг ёнидан ўша куни 100 дона атр чиқди. Шу жойда яна гап айланиб ота-она масъулиятига келиб тақалади. Наҳотки, ўғиллари чайқовчилик қилиб юрганидан ота-онанинг хабари бўлмаса! Наҳотки, фарзандининг қаерда, нима иш билан машғуллиги уларни қизиқтирмаса? Наҳотки, олиб-сотарликдан келган фойдани «Ўғлимиз пул топадиган бўлиб қолди»,— деб фахрланиб санаб олишса?

ЯНА БИР МАСАЛА. Уша камёб атр ўспиринининг қўлида қандай пайдо бўлиб қолди. Ахир, ўша мол келиб тушадиган базадан ёки магазиндан ўспиринининг ўзи олмаган-ку! Унга, албатта, кимдир ҳомийлик қиладиган-ку! Бу ҳомий ота-онанинг ўзи ёки бошқа бир каттароқ олиб-сотар. Шу ўринда республика савдо министрлиги ва Тошкент шаҳар савдо бош бошқармаси раҳбарларига шундай савол бериш жоиз бўлар эди: бозорлардаги камёб моллар қаердан келяпти? Бу иш қачонгача давом этади?!

Назаримизда, уларнинг шундай фирибгарлик йўлига кириб қолишларида айрим савдо-сотиқ ишларини бутунлай шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб олган кишилар ҳам айбдор.

Ёки бошқа бир манзара. Баҳром амаки Тошкент районидаги А. Абдураҳмонов номли совхозда истиқомат қилади. У Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани. Яқинда ҳарбий хизматдан қайтган кенжа ўғлини ўйлантирди. Никоҳ базми айни қизиган пайт. Хонандалар хониш қила бошлаган эдики, ўн чоғли ўсмир ҳовли ўртасига чиқиб, бараварига қарсак уриб, ўйинга тушиб кетишди. Аввалига ҳеч ким ажабланмади. Тўй ёшларники — ўйнашсин, дейишди. Шўх куй ва қўшиқлар эҳтирос билан янграр, йигитлар ҳаддан ортиқ жазава билан йўрғалашарди. Кўпининг лабида сигарета, бирининг эса қўйлак тугмалари бутунлай ечилиб кетган, кўкраги очиқ, бириники шалвираб шими устига осилган—аммо улар бунга парво қилмай ер тепиб, ўйинга тушишарди. Куй тугаши билан чолғучилар тепасига келиб «Тўхтатманг, шўхроғидан бўлсин!» дейишарди. Қўшиқ бошланиши билан бир-бирини туртиб-суртиб яна бўлмағур қилиқлар билан ўйинга тушиб кетишарди. Оёқлари тагидан кўтарилган чанг-тўзон ҳаммаёқни тутиб кетди. Бундан ўтирганларнинг дили ранжди...

Бундай нохушликнинг олдини олишнинг имкониятлари йўқмикан? Агар шундай ўсмирларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказадиган, уларда бирор касбга, табиатга меҳр уйғотадиган майдончалар, табиат бурчаклари ташкил этилса, клублар иши йўлга қўйилса бўлмасмикан?

— Умуман, ана шундай клублар, маданият уйлари бор, албатта,— дейди И. Нуриддинова. — Аммо фақат ўсмирлар учунгина қурилганлари етарли эмас. Чилонзор районидаги «Тонг» ўсмирлар клубида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ташкилотчи-педагог С. Гречко ташаббуси билан ўсмирлар бу ерда спорт турлари билан шуғулланишга слесарлик, пайвандлаш ишларини, ҳуллас, бирор ҳунарни ўрганишга жалб этилган. Мазкур клуб маҳалла комитети аъзоларининг доимий назорати остида. Улар бу ердаги ташкилий-тарбиявий ишларда бевосита иштирок этишади. Демак, жойларда ана шундай ўсмирларнинг бўш вақтларини фойдали меҳнатга жалб этувчи клубларни кўпайтириш, бу ерда ишлайдиган тарбиячиларнинг фаолиятларини кенгайтириш лозим. Зотан, КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» ҳақидаги қарорида ўқувчиларни ўқишдан ташқари вақтда тарбиявий ишнинг хилма-хил шаклларига, жумладан, қизиқишларига қараб клублар, техникавий ва бадиий ижодкорлик тўгаракларига жалб этиш масалалари алоҳида қайд этиб ўтилди.

Бу, ўқитувчилар, педагог-тарбиячилар ва, энг муҳими, ота-оналар зиммасига қўшимча масъулият ҳам юклайди. Чунки ёшликдан болада меҳнатга, касб-ҳунарга кўникма ҳосил қилиш жуда масъулиятли ва зарур вазифадир.

ХАЛҚИМИЗДА «Бола азиз — одоби ундан азиз» деган гап бор. Лекин унда тарбияси ёмон болалар қаердан пайдо бўляпти? Сиз нима дейсиз, азиз газетхон.

Муҳаббат ТУРОБОВА

«Узбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг редакцияси янги бинога кўчганлиги муносабати билан адресимиз қуйидагича ўзгарди: Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!

БАРЧА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР КАБИ «УЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ГАЗЕТАСИГА ҲАМ 1985 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ОБУНА БАРЧА «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИДА, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ВА ИШ ЖОЙЛАРИДА, ШУНИНГДЕК, ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Обуна баҳоси бир йилга 5 сўм 16 тийин, олти ойга 2 сўм 58 тийин.

Уз вақтида обуна бўлишни унутманг!

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Орган союза писателей Узбекистана и Министерства культуры Узбекской ССР.

Бош редактор: Одил ЁҚУБОВ
Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Рамз БОБОЖОН, Собир БОБОЕВ, Барот БОЙҚОБИЛОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош редактор ўринбосари), Саъдулла ҚАРОМАТОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Назир САФАРОВ, Ўлмас УМАРБЕКОВ, Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул секретарь), Тўлепберган ҚАИИПБЕРГАНОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Лазиз ҚАЮМОВ, Малик ҚАЮМОВ, Сора ЭШОНТУРАЕВА.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент—700029, Ленин кўчаси 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: Бош редактор — 33-52-91, 32-57-42, қабулхона — 32-54-71; бош редактор ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул секретарь—33-49-93, 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза —32-55-78; санъат—32-56-48; сатира ва юмор —32-56-49; фотолаборатория — 32-58-95.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар авторларига қайтарилмайди. Ҳикоялар уч интервалда 14 бет, очерк ва мақолалар 12 бетдан ошмаслиги керак.

Р. 09492. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. В. 3152. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12